



# ТЕРМИЗЛИК ИККИ АЛЛОМА

АБУ ИСО МУХАММАД  
ТЕРМИЗИЙ

ҲАҚИМ ТЕРМИЗИЙ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

У.М.Уватов  
И.С.Усмонов



БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

---

TERMIZLIK  
ИККИ АЛЛОМА

---

«Тошкент ислом университети»  
нашириёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017

УЎК 28:01(091)

86.38г(5Ў)

У 14

Уватов У., Усмонов И.

Термизлик икки аллома [Матн] / У. Уватов, И. Усмонов. -  
Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. - 144 б.

КБК 86.38г(5Ў)

Масъул муҳаррир:

З.Исломов, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Н.Муҳамедов, тарих фанлари номзоди

М.Алимова, тарих фанлари номзоди

Ушбу рисола термизлик икки буюк аллома Абу Исо  
Мұхаммад ва Ҳаким Термизийларнинг ҳәёти, ижодий  
фаолияти, ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси, илмий-  
маънавий мероси тадқиқига бағишлиданади. Алломаларнинг  
ўз давридаги диний масалалар, инсон рухияти, ахлоқ-  
одоб, ҳикмат борасида берган қимматли фикрлари бутунги  
кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса,  
ҳозирда турли дъявлоларни илгари сурәттган ёт кучларнинг  
кирдиқорларини фош қилишда ҳам ушбу икки алломанинг  
асарлари бекиёс манба бўлиб хизмат қиласиди. Зоро, соф  
ислом таълимоти акс этган ушбу асарларда зўравонлик,  
хунрезлик, бузуқлик каби иллатлар қораланиб, маънавий  
баркамоллик ғоялари илгари сурилади. Ўқувчида термизлик  
алломаларнинг ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши  
учун рисолада уларнинг асарларидан таржималар ҳам  
келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 929-сонли хуносаси асосида  
тайёрланди.

ISBN 978-9943-4828-3-8 © Убайдулла Уватов, Иброҳим Усмонов.

© «Тошкент ислом университети»

ADTI

нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017

AXB-BESURS MARKAZI

INV № 10019-9



## ДЕБОЧА

Термиз қадимдан илмий-маданий марказлардан бири ҳисобланиб, кўплаб буюк алломаларни вояга етказган. Айниқса, Термиз шахри IX асрда Мовароуннахрнинг энг йирик ва кўркам шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлган. Шаҳарда илм-фан ва маданият юксак даражада тарақкий этган. IX–X асрларда Термизда бошқа илмлар қатори ҳадис ва тасаввуф илми равнақ топа борди. Илм-фанинг турли соҳалари, жумладан, ислом илмлари бўйича Термиз шахридан етишиб чиққан кўплаб алломалар «Термизий» нисбаси билан бутун дунёда машҳур бўлганлар. Жаҳон эҳтиромига сазовор бўлган ана шундай буюк сиймолардан бири – Абу Исо Муҳаммад Термизий бўлса, яна бири Ҳаким Термизийдир.

Жаҳон илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб алломаларимиз, айниқса, қадим Термиздан етишиб чиққан буюк сиймоларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда 2014 йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мувафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нутқлари том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган эди. Биринчи Президентимиз нутқида айтилган «Бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш» деган пурмаъно фикрлари юртимиз аллома ва мувафаккирлари қолдирған бой ва қиммат-

ли меросни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этди. Шу билан бирга Ислом Каримовнинг айни шу 2014 йил 28 ноябрь куни Термиз шаҳри яқинида жойлашган «ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуасини» зиёрат қилиш пайтида термизлик алломалар илмий меросини тадқиқ этиш, уларни содда ва оммабоп услугда кенг халқ оммасига етказиш борасидаги қимматли кўрсатмалари ушбу масаланинг нақадар муҳим ва долзарблигини кўрсатади. Чунончи, Биринчи Президентимизнинг ушбу кўрсатмаларидан келиб чиқиб 2015 йил Тошкент давлат шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида «Термизлик алломалар илмий меросини тадқиқ этиш, асарларини таржима қилиш ва нашр этиш» бўйича амалий грант лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳада белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида соҳа бўйича республикамида кўзга кўринган олимлар ва мутахассислардан иборат ижодий гурӯҳ қизғин иш олиб бормоқда.

Мамнуният билан айтиш керакки, ўтган қисқа вақт мобайнида бу йўналиш бўйича талай ишлар амалга оширилиб, олимларимиз томонидан қатор илмий ва оммабоп рисолалар, мақолалар чоп этилиб, бир неча илмий-амалий анжуманлар ҳам ўтказилди. Энг муҳими, термизлик олимлар яратган асарларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш, уларнинг давримизгача етиб келган асарлари, қўлёзмаларининг фиҳристи (каталоги)ни тузиш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Шулар жумласидан, тадқиқотчи Ж.Ҳамроқолов томонидан Ҳаким Термизийнинг «Ҳаж ва унинг сирлари» (ал-Ҳажж ва асроруҳу) номли асарининг ўзбек тилидаги таржимаси, илмий изоҳлари, кўрсаткичлари билан нашр этилди. Ҳаким Термизийнинг яна бир муҳим асари «Адабун-нафс» асари «Инсон одоби» номи билан ёш тадқиқотчи

## Термизлик иккى аллома

К.Рахимов томонидан араб тилидан таржима қилиниб, ўзбек тилида илмий изоҳлари ва кўрсаткичлари билан нашр этилди. Лойиҳа доирасида амалга оширилган мухим ишлардан яна бири «Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги»нинг нашр этилиши бўлди. Каталогдан ўрта асрларда фаолият кўрсатган ўн иккита термизлик алломаларнинг мамлакатимизда ва ўндан ортиқ хорижий давлатларда сақлаётган 129 асарининг 452 та қўлёзмасининг илмий тавсифи ўрин олган. Ушбу каталогнинг нашр этилиши термизлик алломалар қолдирган бой илмий-маънавий меросни чуқур ўрганишда алоҳида ахамиятта эгалиги билан қимматлидир.

2016 йил 11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Вилоятга сафарини Ҳаким Термизий мажмуаси зиёрати билан бошлаган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ушбу воҳага ташрифини одатда мазкур муборак қадамжони зиёрат қилишдан бошлишини эсга олди. Шавкат Мирзиёев улуғ алломалар меросини ўрганиш, тарғиб этиш, қадамжоларини обод қилиш юзасидан тавсия берар экан, термизлик алломалар кўним топган ушбу масканда Ислом Каримов ташаббуси билан кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани, зиёратчилар учун барча қулай шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга термизлик алломалар меросини ўрганиш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплиги, айниқса Абу Исо Термизий зиёратгоҳини ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганига ургу берди. Президент Ш.Мирзиёевнинг Сурхон заминига қилган ташрифи термизлик алломалар илмий-маънавий меросини ўрганиш ишларига янги руҳ ва куч-кувват бағишлади. Ушбу ишларнинг узвий давоми сифатида 2017 йил 14

февраль куни эълон қилинган «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2774 сонли давлатимиз раҳбарининг қарори асосида термизлик алломалар илмий-маънавий меросини ўрганиш ва хотирасини абдийлаштиришга доир ишлар тизимлилик ва мунтазамлик касб этади.

Мазкур кўрсатмаларнинг ижроси юзасидан ёзилган ушбу рисола термизлик иккى машхур аллома Абу Исо Муҳаммад ва Ҳаким Термизийларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси, илмий-маънавий мероси тадқиқига багишланади. Алломаларнинг ўз давридаги диний масалалар, инсон руҳияти, ахлоқ-одоб, илму ҳикмат борасида берган қимматли фикрлари бугунги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, ҳозирги вақтда турли пучдаъволарни илгари суроётган ёт кучларнинг кирдикорларини фош қилишда ҳам ушбу иккى алломанинг асарлари бекиёс манба бўлиб хизмат қилади. Зоро, соф ислом таълимоти акс этган ушбу асарларда зўравонлик, хунрезлик, бузуқлик каби иллатлар қораланиб, маънавий баркамоллик ғоялари тараннум этилади. Ўкувчида термизлик алломаларнинг ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши учун рисолада уларнинг асарларидан таржималар ҳам келтирилган.

Бугунги кунда аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган ғоят бебаҳо хазинани илмий асосда ўрганиш, дунёқарашимизнинг узвий қисмига айлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ишлар табаррук заминимиздан етишиб чиқсан буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодини холис баҳолаш, улар меросининг инсоният тафаккури, ислом маданияти ва цивилизацияси ривожидаги ўрни, инсонлар маънавиятини маърифат зиёси билан мунаvvар этишдаги аҳамиятини илмий асосда тадқиқ

этиш имконини беради. Бу борада Тошкент ислом университети томонидан қатор хайрли, илмий аҳамиятга молик ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, алломаларимиз бебаҳо асарларидағи ҳәётбахш ҳикматлар, уларнинг ибратли ҳәёт йўли, қолдирган улкан меросининг моҳиятини англашда Тошкент ислом университети мутахассислари томонидан «Буюк аждодларимиз» туркумидаги чоп этилаётган ушбу рисолалар ўз ўрнига эга бўлади, деган умиддамиз.

*Муаллифлардан*

## АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи  
Президенти Ислом Каримов Абу Исо Муҳаммад  
Термизий ҳақида

Бизнинг тарихимизда жаҳонга донг таратган улуг' мутафаккирлар ўтган экан, уларнинг қолдирган илмий-маънавий мероси, ибратли ҳаёти, таълимоти бунгиги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка, тарғиб этмасликка ҳаққимиз йўқ.

Биринчи Президентимиз 2014 йилнинг 29 ноябринда Термиз шаҳрига «Амир Темур» орденини топшириш муносабати билан ташриф буюриб, бу азим шаҳар ва ундан етишиб чиққан алломалар хусусида, жумладан, бундай деган: «Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улуг' аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум. Ҳақиқатан, бу табаррук диёрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтита ҳадис тўпламларидан бирини яратган машҳур мұхаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонгани адид Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бақр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар наинки ҳалқимиз, балки бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ҳисобланади».

Ислом Абдуганиевич Каримов республикамизнинг Биринчи раҳбари сифатида фаолият бошлаган 1989 йилдан эътиборан юртимиздан чикқан буюк алломаларнинг ҳаёти ва уларнинг илмий-маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, 1990 йилнинг кузида республикамиз раҳбари-нинг қўллаб-қувватлашлари туфайли Абу Исо Термизийнинг мақбараси бир қадар қайта тикланди. Аллома таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланиб, «Йомом ат-Термизий мероси ва ҳозирги замон» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу анжумандада кўплаб хорижлик олимлар иштирок этгани том маънода тарихий воқеа бўлиб, буюк муҳаддисга кўрсатилган юксак хурмат-эътибордан фахр-ифтихорга тўлган эдик. И.А.Каримов собиқ иттифоқ раҳбарларининг ва турли-туман ғаламисларнинг қаршилигига қарамай ушбу илмий анжуман иштирокчиларига табрик йўллаб, бу хайрли ишга раҳнамолик қилган эди.

Биринчи Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида юртимиздан чикқан буюк аллома, ҳадис илмининг сultonи имом Бухорийга ва унинг ислом дини таълимотида Куръони каримдан кейин турадиган «Саҳиҳ Бухорий» асарига юксак баҳо берид: «Яна бир улуг ватандошимиз – Абу Исо Мухаммад ат-Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир», дея таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат  
Миромонович Мирзиёев Абу Исо Мұхаммад  
Термизий ҳақида

Бундан ўн икки аср мұқаддам яшаб ўтган буюк аллома Абу Исо Мұхаммад Термизий ҳазратларининг том маънода тарихий аҳамиятга молик илмий-маънавий мероси, айниқса, ислом дини таълимотининг асосий манбаларидан бири ҳисобланған ҳадис илмиға оид қимматли асарлари билан юртимиз довругини дунё бўйлаб тарқалашига салмоқли ҳисса қўшган эдилар. Албатта, биз барчамиз шундай буюк ватандошимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бинобарин, биз авлодларнинг асосий вазифамиз ва бурчимиз улуг ватандошимизнинг юксак хурматини ўрнига қўйиб, аллома абадий қўним топган бу табаррук жойни унинг юқори мақомига яраша батамом қайта қуриб, муҳташам, замонавий зиёратгоҳга айлантириш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман.

Буюк мұхаддис Абу Исо Мұхаммад Термизийнинг илму ирфонни әгаллаш ўйлидаги бекиёс саъй-ҳаракатлари, айниқса, унинг ақл бовар қилмайдиган даражадаги зехни ва хотираси, умуман олганда, алломанинг ибратларга тўла ҳаёт тарзи ҳозирги давримиз учун ҳам, айниқса, ёш авлод учун ғоятда муҳимлигини таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан алломанинг ўз устози Имом Бухорийга бўлган чексиз хурмати ва садоқати, ҳаттоқи, унинг вафоти туфайли қаттиқ ғам-гуссага ботиб кўп йиғлаганидан кўзлари ожиз бўлиб қолганлиги ҳозирги давримиз учун ҳам ғоятда ибратлидир. Чунончи, азалдан юртимизда мавжуд бўлган устоз-шогирд ўртасидаги самимий мұхаббат ва муносабат анъанаси ибрат олса арзийдиган инсоний фазилатлардан ҳисобланади.

**Буюк алломалар Абу Исо Мұхаммад  
Термизий ҳақида:**

**Абдул Карим Самъоний:** «Абу Исо Термизий ҳеч шубҳасиз ўз асрининг улуғ олими, айниңса, ҳадис илмида барча иқтидо қиласын алломадыр. У «Ал-Жомеъ», «Тарих»га оид, «Ал-Илал» каби буюк асарларини тасниф қылды. Ҳадисларни ёдда сақлаш ва аниқ билиш (забт)да одамлар орасыда у ҳақида зарбулмасаллар тарқалиб кетганды».

**Ибн ал-Асир:** «Абу Исо Термизий беназир олим ва ҳофиз (ёддан биладиган) бўлиб, бир неча қимматли асарларнинг муаллифи. Айниңса, ҳадис илмига оид «Ал-Жомеъ» асари».

**Ҳофиз Умар ибн Алак (Х аср):** «Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий вафот этти-ю бутун Мовароуннахр ва Хурсонда илм-у ирфонда-ю тақво (художўйлик)да ўзидан кейин Абу Исо Термизийга ўхшаш биронта ҳам (олимни) қолдирмади. Устозининг вафоти туфайли кўп йиғлаганидан узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшади».

**Ал-Ҳофиз Тақиуддин ал-Исъардий:** «Ҳадис илмининг буюк алломаси Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий Абу Исо Термизийдан ҳадислар ёзган ва бу ишини ўзига фахр-ифтихор деб ҳисоблар эди».

**Абу Жаъфар ибн Зубайр:** «Ҳадис соҳасига оид илмларни билишда Абу Исо Термизийга тенг келадиган бирорта ҳам олим йўқ!»

**Ҳофиз Жамолиддин Абу Ҳажжож Юсуф Миззий:** «Абу Исо Термизий ҳадисларни ёд биладиган буюк алломалардан бири бўлиб, Аллоҳ уни мусулмонларга нафи тегадиган бир зот қилиб яратган эди».

**Ибн ал-Имод Ҳанбалий:** «Ҳадис илмида ўз тенг-курларидан батамом устун, у (ҳадис)ларни хифзи (ёдда сақлаш)да ва уларни ҳар томонлама мукаммал билишда айни бир мўъжиза эди».

**Мулла Алий Қорий:** «Термизий ўз илмида якка-ю ягона бўлган беназир аллома, ҳадисларни ёд билишда эса энг чўққисига етишган сиқа (ишончли) олим эди».

**Ибн Касир:** «Абу Исо Термизий ўз замоңасида ҳадис илмининг буюк алломаларидан бири эди».

Бутун Шарқда машхур бўлган буюк алломаларнинг шу қадар юксак ва шарафли эътирофлари Абу Исо Мухаммад Термизийнинг олим сифатида беназир бўлишилиги баробарида унинг ғоятда юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлгани ҳам ҳар қандай таҳсинга лойикдир. Энг муҳими, аждодларимизнинг ҳаётий турмуш тарзига айланган илм ва амални жам қилишдек бекиёс баҳт-у шарафга сазовор бўлган улуғ сиймо сифатида ҳам оламшумул шуҳрат қозонган.

### **Ҳадис илмига баҳшида умр**

Имом Термизийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини ўрганиш бир қарашда осон бир ишдек кўринади. Чунки бу олимнинг таржимаи ҳоли ва унинг ижодий фаолияти ҳамда улар билан боғлиқ маълумотларни биографик характердаги асарлар ва манбаларга мурожаат қилиш билан гина амалга оширса бўладигандек туюлади. Лекин бу буюк инсоннинг ибратларга тўлиқ ҳаёти-ю бой ва қимматли илмий-маънавий меросига чукурроқ қаралса, унинг бизнинг давримизгача етиб келган абадий барҳаёт асарларида тўла намоён бўлган, бу унинг ақл бовар қилмайдиган шахсияти билан боғлиқ бепоён, чексиз чегарасиз кенгликлар ва худудига етишни имкони бўлмаган уфқлар кўз олдимизга намоён бўлади.

Имом Термизийнинг ёрқин ҳаёт нури унинг юксак даражадаги илм-у зиёси ва зоҳидлигини ўзида намоён қилиб, ўз даврида Мовароуннаҳр минтақасининг



Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидан унчалик узоқ бўлмаган Термиз шаҳридан ислом дунёсининг машриқидек узоқ-узоқ нуқталаригача чараклаб порлади.

Имом Термизий ўз илмини ошириш, айниқса, пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини ўрганиш мақсадида Хурросон, Ироқ ва Ҳижознинг турли шаҳарларига сафар қилди. Илм олиш, хоссатан ҳадисларни эшитиш, ҳадисшунос (муҳаддис) олимларнинг суннати эди, чунончи, улар ҳатто битта янги ҳадисни бевосита унинг ровийсидан эшитиш учун чўл-убиёбонларни босиб ўтиб, узоқ ўлкаларга сафар қилардилар. Бундан кўзланган мақсад олий санад (ровий)га эришиш ва ўзи ҳеч қаҷон эшитмаган янги ҳадисларни ишончли ровийлардан тинглаб, уларни аниқ ҳолда ёзиб олишдек ғоятда мухим ишлар билан шугулланар эди. Мана шундай фидоий олимларнинг тинимсиз ва машаққатли меҳнатлари-ю саъй-ҳаракатлари туфайли ислом тарихи ва манбалари биз авлодларга бой мерос қолдирган ҳадисшунос олимларнинг илмий ва маданий масалалардаги самарали ҳамкорликлари ҳақида ёрқин ва ўзига хос сахифалар қолдирганлиги таҳсинга лойиқдир.

Ислом машриқи аҳлларининг илм-у ирфони ва уларнинг таълимотлари, фикрлари кўп ўтмасдан Ислом мағрибида ўзининг жозибадор, эътиборга лойиқ акс-садосини топарди. Ушбу долзарб мавзу бўйича тамаддунимиз тарихида жуда кўп мисолларга дуч келинади ва умид қиламизки, айни шу мавзуу келажакда чуқур ўрганилиши зарур бўлган мавзулардан бири бўлиб қолади.

Имом Термизий ўзи яшаган Термиз шаҳридан кўп ҳам узоқ бўлмаган Нишопур шаҳрига сафар қилиб, ҳадис илмининг алломаси, ҳадис илмининг сultonи Имом Бухорий билан учрашди. У Имом Бухорийдан ҳадис илмидаги фикҳий масалалар ва иллатли ҳадис-

лар хусусида кўп нарсалар ўрганиб, чукур билимга эга бўлади. Шунга қарамасдан И мом Бухорий ҳазратлари ҳам ўз навбатида шогирди Термизийдан айрим масалаларда кўпгина фойда кўрганлиги ҳам айни ҳакиқатдир. Жумладан, Бухорий у кишидан ҳадислар ривоят қилди, Термизийнинг одоб-ахлоқдаги кўплаб фазилатларига гувоҳ бўлиб, самимий тақаллуф билан: «Мен Сиздан кўрган фойда, Сиз мендан кўрган фойдадан кўпроқ», – деб унга нисбатан ўз хурматини билдирган эди. И мом Термизий чиндан ҳам солих, тақводор, мўмин киши бўлиб, кўп йиғлайверганидан ҳатто ҳаётининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган эди.

Алломанинг асосий асари бўлмиш «Ал-Жомеъ»-нинг кўплаб фазилатли жиҳатлари илм аҳллари орасида кенг кўламда тарқалгач, олим-у тадқиқотчилар томонидан уни ўрганишга эътибор ғоятда кучайди. Жумладан, Тусий (вафоти 312 хижрий сана) И мом Термизий вафотидан ўттиз йил ўтгач, асарнинг танланган (истихроҳ) шаклини тузиб чиқди. И мом Термизийнинг «Ал-Жомеъ ус-саҳиҳ» асарини чукур ўрганиш бўйича, айниқса, араб мамлакатлари, Ҳиндистон ва Покистон олимлари алоҳида жиҳду жаҳд кўрсатганларини таъкидлаш зарур. Чунки улар томонидан Термизийнинг бу асарига араб, урду ва форс тилларида элликка яқин шарҳлар ёзилди. Шунингдек, устоз доктор Нуриддин Итр ўзининг «И мом ат-Термизий ва-л-мувозанат байна «Жомеъ»иҳи ва байна-с-«Саҳиҳайн» («И мом Термизий ва унинг «Ал-Жомеъ» ва иккى «Саҳиҳ» асарлари ни қиёсий ўрганиш») номли қимматли тадқиқотида Термизийнинг «Ал-Жомеъ» асари хусусида ва ҳадис илмига оид кўплаб муҳим маълумотларни келтирган. Биз ушбу рисоламизда бу қимматли тадқиқотдан кўп ўринларда фойдаландик. Айниқса, Ибн Ражаб Ҳанбалийнинг «Шарҳ Илал ат-Термизий ас-сағир» номли асарига оид қисмидан унумли фойдаланганигимизни алоҳида таъкидлашни истардик.



Мамнуният билан айтиш лозимки, бугунги кунда бизнинг ихтиёризида Абу Исо Мұхаммад Термизийга оид, шунингдек, ҳадис, унинг илмлари, ровийлар табақалари ва тарихи бўйича олдинги даврга нисбатан кўплаб манбалар ва адабиётлар мавжуд. Мана шунинг ўзи ҳам Имом Термизийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини ўрганишда янги босқични бошлашга фойдали ёрдам бўлади ва янги бир талқинда баён қилинча олдимиизда турган тўсиқлардан химоя қиласди.

Рисоламизни ёзиш жараёнида ҳам Имом Термизийнинг «Ал-Жомеъ» асарининг мукаммал даражада нашр этилган тўлиқ нусхасининг мавжуд эмаслиги, айниқса, ҳадисларга берилган хукмларда турли нусхалардаги ихтилофларнинг мавжудлиги, бу ҳол щундай масалаларда намоён бўладики, Имом Термизий ўз китобида истеъмол қилиш далолатини берган баъзи ҳадислардан ҳақиқий мақсадни англаб идрок этиш учун асарнинг мукаммал нусхасидан қиёсан фойдаланиш талаб этилади.

Имом Термизий иллатли ҳадислар соҳасида асарлар ёзган дастлабки олимлардан бўлиб, бу борадаги аксар маълумотларни устози Имом Бухорий, сўнгра Абу Зуръя Розий ва Имом Абдураҳмон Доримий каби олимлардан олган.

Имом Термизийнинг иллатли ҳадисларни ўрганишда тутган ўрнини аниқлаш учун маҳсус тадқиқот қилиш, ўрганишга эҳтиёж туғилади. Айниқса, алломанинг иллатли ҳадисларга доир «Ал-Илал ус-сағир» ва «Ал-Илал ул-кабир» ҳамда бу тарздаги ҳадисларга бағишланган яна бошқа китобларнинг мавжудлиги ушбу мавзуни ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш имконини беради. Жумладан, бошқа ҳадислар билан қиёсий тарзда ўрганиш, унинг манбаларини таҳқиқ қилиш, айниқса, ушбу муҳим соҳани тадқиқ этишда Имом Термизий қўшган ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради.

Имом Термизий ўзининг асосий асари «Ал-Жомеъ ус-саҳиҳ»ни тузишда ғоятда юксак, фавқулодда билим ва салоҳиятини намоён қилган эдики, баъзи олимлар унинг бу асарини ҳатто имом Бухорий ва имом Муслиминг асарларига нисбатан ҳам фойдали асар деб юксак баҳолагандилар. Жумладан, аллома Абул Ҳасан Надавий «У (Термизий) одамлар (олимлар) бугунги кунда «ал-фиқҳ ул-муқорин» («қиёсий фикҳ») деб айтадиган мавзуга биринчилардан бўлиб кўл урган олимлардан ҳисобланади», – деб таърифласа, қози Абу Бакр иби Арабий ва Ибн Рушайд Сабтий ҳамда Ибн Сайид ан-Нос каби олимлар эса имом Термизийнинг бу китоби ўттизга яқин илмларни ўз ичига олганлигини ҳам кўрсатганлар. Рисоламиз имом Термизийнинг ҳаёти, унинг асарлари, услубарини ўрганишда муайян аҳамият касб этади деган умид билдирамиз.

### Абу Исо Муҳаммад Термизий даври

Имом Термизий (Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин) ҳижрий учинчи (милодий тўққизинчи) асрда Аббосийлар салтанати даврида яшаган бўлиб, ҳаёти даврида (210–279 ҳижрий, 824–892 милодий йиллар) тўққизта халифа фаолият юритган эди. Улар: ал-Маъмун, Мұтасим Биллоҳ, ал-Восиқ Биллоҳ, Мутаваккил Аълаллоҳ, Мунтасир Биллоҳ, Мустабийн Биллоҳ, Мұтаз Биллоҳ, Мұхтадий Биллоҳ, Мұттамид Аълаллоҳ. Аллома ўз ҳаёти даврида кўплаб сиёсий воқеалар ва диний масалаларга доир фитналарга шоҳид бўлган бўлса-да, у яшаган даврда илм-фан ва маданият гуллаб-яшнаб, бу даврда кўплаб фақиҳлар, мұхаддислар, муфассирлар ва калом илмининг олимлари фаолият кўрсатган эдилар.

## Имом Термизий даврида ҳадис ва унга оид илмлар

Хижрий учинчи (милодий түқкизинчи) аср ҳадис ва унинг илмлари ривожида алоҳида ўрин эгаллади. Бу даврда, айниқса, жарҳ ва таъдил соҳасида бир қанча олимлар самарали фаолият кўрсатиб, шуҳрат қозондилар, шунингдек, бу даврда жомеъ, сунан, муснад, жузълар, иллатли ҳадислар, ровийлар ҳаёти ҳақида асарлар битган кўплаб олимлар ҳам фаолият кўрсатдилар. Жумладан, жарҳ ва таъдил ҳамда ровийлар ҳаёти соҳасидаги олимлардан Яхё ибн Маъйин (вафоти ҳижрий 233 йил), Али ибн Мадиний (вафоти 234 ҳижрий йил), Аҳмад ибн Ҳанбал (вафоти ҳижрий 241 йил), Бухорий (вафоти ҳижрий 256 йил), Иброҳим ибн Яқуб Жузжоний (вафоти ҳижрий 259 йил), Абу Зуръа Розий (вафоти ҳижрий 264 йил), Абу Ҳотим Розий (вафоти ҳижрий 277 йил), Термизий (вафоти ҳижрий 279 йил), Абдураҳмон ибн Юсуф ибн Хирош (вафоти ҳижрий 289 йил), Насойи (вафоти ҳижрий 303 йил). Бу зикр этилган сиймолар ҳадис илмининг алломалари бўлиб, унинг байроғини баланд кўтариб ўз китоблари, тарихий мерослари билан одамларнинг қалбига шифо бериб, уларга маънавий-маърифий озуқа берадиган илмларни чор атрофга тарқатдилар.

Мана шу ҳақда ўз асрининг имоми Шайх Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий «Файзул-Борий» номли китобида қўйидагича ёзган эди: «Билингки, кейинги (мутаах-хирийн)ларнинг таҳсину тасдиқ этишлари олдин ўтган (мутақаддимиийн)ларнинг таҳсинига мувофиқ бўлмайди. Чунки бурунгилар давр (вакт) жиҳатидан уларга (ӯша воқеаларга) яқин бўлганликлари боис улар ҳадис ровийларининг ҳолати, ишларини яхшироқ билганлар, шунга кўра улар (ҳар бир ишга) тўлиқ ишонч ҳосил қилиб, икир-чикирларидан ҳам обдон воқиф бўлганларидан сўнггина хукм чиқариб, бир қарорга келганлар.

Аммо кейин ўтганлар (мутааххирин) бўлса, ўзларининг хотираларида қолган ишлар бўйича фикр қилиб авроқ (китоб)ларда қолган эсдаликларга таяниб ҳукм чиқарадилар, холос. Сиз яхши биласизки, тажрибада синааб кўрган (мужарриб) билан ҳаким (денишманд, файласуф) ўртасида қанча (катта) фарқ бор. Оқ (қофоз) да бўлган қора чизгилар (ёзувлар) мутақаддимларга нисбатан мутааххирларни қанчалик бамисоли кўзи билан кўргандек илм билан бойитади (фойда келтиради). Чунки улар ўзлари ҳадис ровийларини шахсан бевосита кўрганлар, шу боис улар кимдандир сўраб-суриштиришга ва одамларнинг оғизларидан (тилларидан) олишга эҳтиёж сезмаганлар. Шу боис ҳам ана ўша одамлар (ровийлар) ичида энг билимдонларидирлар ва ана ўшалар ибрат намунасиdir. Дейлик, (башарти) сиз бир ўринда Нававий қандайдир бир ҳадис хусусида гапирганини учратиб қолдингиз. Имом Термизий бўлса, ўша ҳадисни ҳасан (маъқул) деб ҳисобласа, Ибн Ҳажар Асқалоний (ал-Хофиз) эса Термизийнинг бу гапини (ҳасан деб ҳисоблаган) қабул қилмай уни қатъиян ҳасан ҳисобламаган. Унинг (ибн Ҳажарнинг) бу фикри фақат мавжуд (жорий) қоидаларга асосланниб айтилган. Имом Термизийнинг ҳукми бўлса завқ (мойиллик) ва соғлом маънавий фикрлаш (интуиция)га асосланган».

Ушбу тўққизинчи асрга чуқурроқ қарайдиган бўлсақ, ҳадис бўйича олти сахих асарлар ҳам айнан шу даврда тасниф этилган. Ваҳоланки, ўша даврда Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Исҳоқ Мутаввиъ, Асад номи билан танилган Асад ибн Мусо Муҳаммад ибн Юсуф Фарёбий, Убайдуллоҳ ибн Мусо Абасий, Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳумайдий, Яҳё ибн Абдулҳамид Ҳамминий, Мусаддад ибн Мусарҳад, Абу Жаъфар Муснадий, Ибн Жаъад, Исҳоқ ибн Роҳувайҳ, Усмон ибн Абу Шайба, Муҳаммад ибн Аслам Тусий, Абу Исҳоқ Жавҳарий, Абу Яқуб Таннухий, Абуль Ҳасан Зуҳдий каби машҳур муснад ва эъ-



тимод қилинадиган асарларнинг муаллифлари фаолият кўрсатган эдилар.

Имом Бухорийнинг «Жомеъ ус-саҳиҳ», Имом Муслиминг «Жомеъ ус-саҳиҳ», Имом Термизийнинг «Жомеъ» асарлари ўша даврнинг энг машхур жомеъ – ҳадис тўпламидан ҳисобланарди. Шунингдек, ўша даврда ҳадисга оид жузъий (ал-ажзо ул-ҳадисийя) асарлар тасниф этиш кенг тарқалган бўлиб, улар жумласидан Абу Ҳайсама, Ҳаннод ибн Сиррий, Ибн Арафа ва Ҳанбал ибн Исҳоқ кабиларнинг асарларини кўрсатиш мумкин. Ўша даврда ҳадисларга оид асарлар ёзган мусаннифлардан Сайид Мухаммад ибн Жаъфар Қаттоний ўз асари «Рисолат ул-мустатрафа ли баён машҳур кутуб ус-суннати мушаррафа» номли асарида тўқсондан ортиқ мухаддис ва ҳофизларни санаб ўтганигини аниқладим. Агар Имом Суютийнинг «Табақот ул-хуффоз» асарига мурожаат қиласак, бу даврда икки юз тўқсон беш ҳофиз (ҳадисларни ёд билувчи) фаолият кўрсатганигини кўрамиз. Ушбу рақам Имом Суютий «Табақот ул-хуффоз» номли китобида саҳобалар давридан то Ибн Ҳажар Асқалонийнинг вафотигача (ҳижрий 852 санада вафот этган) зикр қилган ҳофизларнинг тўртдан бир қисминигина ташкил қиласди.

Бошқача айтганда Имом Термизий умргузаронлик қилган етмиш йил кўплаб олим уламолар ва мусаннифлар туфайли илму ирфон гуллаб яшнаган бир давр бўлди. Ҳатто Али ибн Мадиний – ишончли ҳофиз ҳадис илми ва унинг турли масалаларига доир икки юзга яқин асарлар тасниф этган бўлиб, у ҳақида Имом Бухорий ҳазратлари «Али ибн Мадинийдан бошқа бирорта ҳам олим ҳузурида менинг жисми вужудим бунчалик даражада арзимас (ҳеч нарсадек) бўлиб қолганини (хис қилганим) йўқ», деб унга нисбатан ўзининг чексиз хурматини билдирган эди. Имом Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсабурий ўзининг «Маърифат улум ал-ҳадис» («Ҳадис илmlарини билиш») номли асарида ўтгизга

яқын ҳадисга оид асарларни күрсатған бўлса-да, афсуски, ҳозирги кунимизгача унинг фақат учтагина асари етиб келганлиги маълум.

Мовароуннахри Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Банно Муқаддасий (вафоти 990 йил) ўзининг «Аҳсан ут-тақосим фи маърифат ул-ақолим» номли асарида Машриқ ўлкаси (иқлими) деб атаб, унинг ҳақида: «Бу ўлкада довруғи ҳар томонга тарқалган кўплаб улуғ олим уламолар етишиб чиққан маскан, хайру бараканинг маъдани (кони), илму ирфоннинг маскани, ислом арконларининг мустаҳкам қўргонининг энг каттаси, ҳукмдори (подшоҳи) ҳукмдорларнинг энг буюғи, кўшини қўшинларнинг энг сараси, қавмлари (ахолиси) баҳодир ва ботирликда тенги йўқ, ақл идроклари теран, исми шарифлари улуғ, чексиз молу дунёга эга ва кўплаб юксак фазилатлар соҳиби бўлган юрт...» деб ёзади. У (Муқаддасий) яна шундай ёзади: «Уларнинг мазҳаблари ғоятда тўғри (соғлом) бўлса-да, Сижистонда хорижийлар, Хирот атрофларида карухлар, унча таъсири бўлмаса-да, Нишопурда мўътазилийлар аксариятни ташкил қиласди. Бу ўлканинг (Машриқ иқлимининг) Шош, Илоқ, Тус, Насо, Абивард, Тароз, Синғоч, Бухоронинг оддий халқи, Синж, Данданиқон ва Асфарайндан бошқа барча жойларида Абу Ҳанифанинг асхоблари (қавмлари – ҳанафийлар) ташкил қиласди».

### Абу Исо Мұхаммад Термизий

**Унинг исми ва насаби.** Термизийнинг тўлиқ исми Мұхаммад ибн Ийсо ибн Савра ибн Мусо Ибн Заҳқоқ, Абу Ийсо ас-Сулламий Зарийр ал-Буғий Термизий бўлиб, унинг ал-Буғий нисбаси билан аталишига сабаб олим айнан шу қишлоқда таваллуд топиб, шу қишлоқда вафот этганлиги туфайлидир. Шу билан бирга у



бутун элу юрт – каттаю кичик ўртасида Термиз шахрига нисбат берилиб, у ёшлигидан шу шаҳарда ўсганлиги ва унда вафот этганлиги боис шу нисба, яъни Термизий нисбаси билан машхур бўлган.

Термизий туғилган йили хусусида ҳам ёзма манбаларда бир-биридан фарқли саналар келтирилади. Араб тарихчиси Шамсиддин Заҳабий ўз асари «Мийzon ул-иътидол» (3-жилд, 117-бет) Термизийнинг хижрий ҳисобда етмиш йил умр кўрганлиги ҳақида аниқ ёзган. Шунга кўра, барча муаллифлар олимнинг хижрий 209 (милодий 824) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 279 (милодий 892) йилда вафот этганлигига иттифоқ бўлгандар.

**Кўзи ожизлиги.** Абу Исо Термизий кўзи ожиз (кўр) ҳолда туғилганми ёки кўзи очик (соғ) ҳолда туғилганми, деган савол ҳам турли талқинларга сабаб бўлган. Қатор олимлар унинг түгма кўрлиги ҳақида ёзган бўлса ҳам аммо Термизийни шахсан кўриб у билан мулоқотда бўлган ал-Хофиз Умар ибн Алак (320 ҳижрий, 931 милодий йилда вафот этган)нинг қатъий ишонч билан ёзишича, «У (Термизий) умрининг охирида кўзи кўрмай қолган. Унинг вафоти 892 йил». Шу билан бир қаторда Абу Исо Термизийнинг кўзи ожизлиги ҳақида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Таниқли олим Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг «Таҳзиб ут-таҳзиб» (9-жилд, 389-бет) номли асарида, Абу Аҳмад ал-Ҳоким деган олим «ал-Хофиз» асарида, Умар ибн Алак (Х асрда яшаган) «Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий вафот этдилару ўзидан кейин илм ва тақвдорликда бутун Хуросон ва Мовароуннахрда Абу Исо Термизийдек бирор кишини ҳам қолдирмадилар. У ўз устозининг вафоти туфайли кўп йиғлайвериб кўзлари кўрмай қолганди...» деб ёзган. Мана шу маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, (Термизий) кўзи очик (соғлом) ҳолда туғилиб, умрларининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолган. Бинобарин, илмий ижодининг фаоллиги даври камолига етиб,



барча асарларини ёзиб тутатганидан кейин бу воқеа содир бўлган.

### Илм талабидаги саъй-ҳаракатлар ...

Абу Исо Термизий ёшлик йилларидан бошлаб, ўз ютидаги кўплаб олимлардан таълим олган. Ўрта асрлардаги анъанага кўра, толиби илм энг аввал ўз ютидаги устозлардан таҳсил олиб, уларнинг асарларидаги таълимотни тўлиқ эгаллаб, ўзлаштириб, сўнgra хорижий юртларга илм талабида сафар қилиб, у мамлакатлардаги устозлардан сабоқ олиши мумкин бўлган. Термизий ҳам ушбу анъанага амал қилиб, кўплаб устозлардан сабоқ олган. Илм олишда унинг учун кенг уфқлар имконияти очилди. Кўплаб манбаларда ёзилишича, у икки юздан ортиқ устозлардан сабоқ олган. Улардан улуғлари ҳам талай бўлган. Унинг устозлари сафидан буюк муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Насоий, Имом ибн Можа каби бутун дунёга машҳур беш буюк муҳаддисларни ҳам кўрсатиш мумкин.

### Илм излаб олис юртларни кезиши...

Илмга чанқоқ Абу Исо Муҳаммад Термизий кўп олимлардан сабоқ олган. Устозлар Шарқнинг турли-туман мамлакатларига мансуб таниқли олимлар бўлган. Янги-янги ҳадислар эшитиш ва ёзиб олиб асарлар яратиш мақсадида у Ҳижознинг Макка ва Мадина каби шаҳарларида, Бағдод, Басра, Куфа, Хуресоннинг Нишопур, Рай ва бошқа шаҳарларида таниқли олимлардан ҳадислар ёзиб олиб тўплагани ҳақида ёзма манбаларда аниқ маълумотлар келтирилган. Таниқли ҳадисшунос



ал-Хофиз Абу Бакр ибн Нукта ўзининг «Тақыйид ли-маърифати рувват ас-сунан вал масонийд» («Сунан ва муснадлар ровийларини билиш бўйича қайднома») номли асарида (96–97 бетлар) Абу Исо Термизий ҳадис эшитган устозларининг исмларини келтиради. Ал-Хофиз Миззий эса «Абу Исо Термизий ҳадис эшитиш мақсадида бир талай мамлакат ва шаҳарларни кезиб чиқсан. Шу сафарлари давомида кўплаб хурсонлик, ироқлик, ҳижозлик ва улардан бошқалардан ҳадислар эшитган», деб ёзди (Таҳзиб ул-камол, 26-жилд, 250–251 бетлар).

### **Ўз даврининг буюк олимлари билан мулоқоти**

Имом Термизий ўз илмий-ижодий фаолияти даврида ҳадис илмининг кўп буюк олимлари билан учрашиб улардан илм, сабоқлар олиб, ўз илмий салоҳияти, иқтидорини оширишга мұяссар бўлди. Масалан, у олти буюк мұҳаддиснинг бири бўлган Имом Мұслим ибн ал-Ҳажжож билан мулоқотда бўлиб ундан таҳсил олди-ю, лекин ундан кўп ҳадис ривоят қилмаган. Шунингдек, барча олимлар томонидан эътироф этилган буюк мұҳаддис Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъяс Сижистоний билан учрашиб, ундан олган баъзи ҳадисларини ўз асари «ал-Жомеъ ус-саҳиҳ»да келтирган. У иллатли ҳадислар ва ровийлар ҳамда ҳадис санъатига бағишлиланган илмлар бўйича Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Дорамий ва Абу Зуръа Розий каби таниқли олимлар ижодий фаолиятидан самарали фойдаланган. Шулар билан бир қаторда Термизий кўпроқ мулоқот қилиб илм ўргангандар олимлар орасида буюк мұҳаддис Имом Бухорий алоҳида ўрин эгаллайди.

## Имом Термизий – Имом Бухорийнинг шогирди

Шулар билан бирга Имом Термизийнинг илмий салоҳияти ривожига энг кўп таъсир кўрсатиб, фойда келтирган олим, шубҳасиз, ҳадис илмининг сultonи Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳисобланади. Чунки Имом Термизий бу буюк мұхаддиснинг ёнида узоқ муддат бўлиб, илмий нуқтаи назардан ундан кўп жиҳатдан фойдаланди, ҳатто унинг кўз ўнгида, илмда юксак даражаларга эришиб, алломанинг эътирофига ҳам сазовор бўлди. Машҳур олим Ибн Халликон ўзининг «Вафоёту л-аъён» (3-жилд, 407-бет) асарида бу ҳақида «Имом Термизий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг шогирди ва ҳатто унинг баъзи устозларидан ҳам сабоқ олган», – деб ёзса, олим Салоҳ Саодатий «Термизий ҳадис илмини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Бухорийдан олган», деб алоҳида таъкидлаган. Имом Термизий Имом Бухорийдан фақат ҳадис ва унинг турли илмларидан сабоқ олиб қолмасдан, балки ундан фиқҳу л-ҳадис (фиқҳий ҳадис) илмидан ҳам кўп истифода қилган. Айни шу масалага тўхталиб машҳур тарихчи Шамсаддин Заҳабий ҳам «Тазкирату л-авлиё» (634-бет) номли асарида «ҳадисларнинг фиқҳий жиҳатларини ўрганишда Термизий Бухорийдан сабоқ олган», деб алоҳида таъкидлагани имом Бухорий ҳадисларнинг фиқҳий жиҳатидан ўрганишда беқиёс аллома бўлиб, бу соҳанинг бутун сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирганлиги барча олиму уламолар томонидан эътироф этилган эди.

Аслини олганда Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг Имом Бухорий билан учрашуви Ҳурносоннинг Нишопур шахрида юз берган бўлиб, Имом Бухорий узоқ йиллар хорижий юртларда илмий сафарларда бўлиб, кўплаб асарларини яратиб, ўз илмида юксак погоналарга эришган. Бинобарин, йирик олим сифатида Бағдоддан ўз юртига қайтаётган эди. Нишопур шахрига келган-



да маҳаллий олимлар, айниңса, унинг шогирди Имом Муслим ибн Ҳажжожнинг илтимосига қўра беш йил, яъни 250 ҳижрий йилдан 255 гача (863–868 йиллар) мобайнида Нишопурда қолиб кетди ва мунтазам равища да шаҳардаги мадрасаларда ҳадис илмидан дарс берди. Қўпдан кўп ҳадис шайдолари, муҳлисларига янги-янги маълумотларга бой сермазмун маърузалар қилди. Бу пайтга келиб, Термизий кўплаб устозлардан сабоқ олган, ўз илмини камолига етказиб, бир неча минг ҳадисни ёд билган етук олим даражасига етган эди. Имом Бухорийнинг Нишопурга келганилигини эшигган Термизий ҳам зудлик билан Термиздан Нишопурга етиб келди. Улар ўртасидаги яқин илмий-маърифий ҳамкорлик айнан шу шаҳарда ғоятда самарали бўлди. Бинобарин, Имом Бухорий ҳам унинг етук салоҳиятидан воказиф бўлиб, унга нисбатан ишончи ошгач, унинг ҳадис соҳасидаги илми, билимдонлигини юксак қадрлади.

Шундай шароитда бу иккала олим ўртасида илмий мулоқотлар, айниңса иллатли ҳадислар, ҳадислардаги жарҳ ва таъдил, ҳадис ровийлари масалаларига оид қизғин баҳс-мунозаралар бардавом равища самарали тус олди. Имом Термизий айни шу масалалар бўйича ўз устози Бухорий билан шу даражада баҳсга киришиб кетардики, ўша даврда камдан кам олимларгина шу қадар юксак даражага эга эди. Чунки бу пайтда унинг салоҳияти энг чўққисига етиб, етарли даражада камолига етишган эди. Ўз суюкли устози Имом Бухорийнинг беназир илмий уммонидан баҳраманд бўлиб, у яратган ҳадис мактабини мукаммал даражада тугаллаган истеъоддли шогирд мақомига сазовор бўлган эди. Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, буюк алломанинг ҳам илмий уммони, ҳам юксак инсоний фазилатларини ўзида бекаму кўст тўла ўзлаштириб амалиётда мукаммал намоён қилган, ҳеч шубҳасиз, бу Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳазратлари бўлган.

Энг мухими, Термизий ўз устозининг илму ирфондаги бекиёс қимматга эга бўлган билимлари, юксак инсоний фазилатларини элу юрт орасида ёйишда, кенг халқ оммаси ўртасида тўла-тўқис тарғиб қилиб тарқатишда бекиёс фидоийлик билан саъти ҳаракат кўрсатди. Жумладан, ўз асарларида беҳисоб равишида унинг асарларидан нақл-у ривоятлар келтирди. Ҳатто Термизий ўзининг бош асари «Жомеъ ус-саҳиҳ»нинг охирги қисмида келтирган иллатли ҳадислар, ровийлар ва тарихга доир кўплаб маълумотларни айнан устози Имом Бухорий билан бўлиб ўтган баҳс-у мунозаралиридан олганлигини очик-ойдин таъкидлаб ўтган. Ўша даврнинг олимларидан Бухорийнинг яққол устунлиги хусусида тўхталиб: «Иллатли ҳадислар, тарих ва ҳадис иснодларини билиш маъносида на Ироқда, на бутун Хуросону Мовароуннахрда Мұҳаммад ибн Исмоил Бухорийдан устун биронта ҳам олимни учратмадим», – деб ёзган.

### **Имом Бухорийнинг эътирофи**

Ўз навбатида Имом Бухорий ҳам қалбида Абу Исо Мұҳаммаднинг илми ва ақлу заковати туфайли уни ғоятда юксак қадрлаб бенихоя ҳурмат кўрсатарди. Бунга кўшимча унинг (Термизийнинг) улуг устозлари ва ундан фойдаланган кўп сонли муҳлисларини кўриб, таниқли олимлар унга ҳурмат бажо келтириб, унинг хузурида «манман» деган илм аҳллари бош эгиб унга юксак илтифот бирдирғанларини кўргач, Имом Бухорийнинг Термизийга нисбатан ҳурмати янада ортди ва ундан баъзи ҳадисларни олиб, ҳадислар тинглай бошлиди.

Бундан холоса қилиш мумкинки, Бухорий унинг билим даражасининг ғоятда кенг қамровлиги, айниқ-



са ҳадисларни ёдда сақлаб қолиш қобилияти, яъни қувваи ҳофизасининг беназир бўлганлигини алоҳида қадрлаган ва буюк муҳаддис Термизий илмидан кўп ўринларда фойдаланганлиги хусусида унинг ўзи Термизийга қараб «Илм соҳасида мен сиздан кўрган фойда сиз мендан кўрган фойдадан кўпроқ», – деб эътироф этганлиги кўплаб ёзма манбаларда қайд этилган. Масалан, Ибн Ҳажар Асқалоний «Тахзиб ут-тахзиб»да (9-жилд, 389-бет) келтирган буюк муҳаддиснинг мана шу қисқагина эътирофи ҳам Имом Термизийнинг илмий салоҳияти нақадар олий даражада бўлиб, ҳаққоний рашида илм аҳллари томонидан юксак қадрланганлигини кўрсатади.

### **Абу Исо Муҳаммад Термизий фақиҳ сифатида**

Абу Исо Муҳаммад Термизий буюк муҳаддис сифатида ҳадис илмининг турли масалаларини чукур ўрганиш билан бир қаторда у ҳадисларда акс этган фикҳий масалаларни тадқиқ этиш ҳамда олим, уламоларнинг мазҳабларини ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият берди. Имом Бухорий сиймосида Термизий айнан шу масалаларда ҳам юксак илмий даражага эришган, уни тўғри йўлга бошлайдиган ҳақиқий раҳнамони кўрдики, зеро у ҳадисларни ички, ботиний мазмун-моҳиятини тадқиқ этадиган олим эди. У Имом Бухорий том маънода бу масалаларни чукур тушунадиган ва талқин қиласиган олим бўлган. Шунга кўра Термизийнинг ҳадиснинг бу фикҳий жиҳатидаги истеъоди Имом Бухорийнинг бевосита таъсирида камол топди. Шу боисдан ҳам «Термизий ҳадиснинг фикҳий жиҳатларини Бухорийдан ўрганган», – деб ёзади кўп ўрта асрлик муаллифлар.

Имом Термизий яшаб фаолият кўрсатган IX асрда ислом динида фикҳий мазҳабларни ҳар томонлама

чукур ўрганиш ривож топган эди. Термизий ҳам жамиятда алоҳида ўринга эга бўла бошлаган бу жараённи катта қизиқиш билан ўрганишга киришди. Бу йўналишдаги фаолиятини, айниқса Куфада кенг тарқала бошлаган аҳл ур-рай фикҳини астойдил ўрганишдан бошлади. Бу шаҳарда айни шу фикҳий мактабнинг асосчиси Абу Ханифа ва унинг асҳобларидан Ибн Абу Лайло ва аҳл ур-райга мансуб бошқа олимлар, сўнгра Ҳижоз фикҳ ахлларидан Исҳоқ ибн Мусо Ашъаридан таълим олган Имом Молик ва унинг шогирди Абу Мусъаб Зухрий ва бошқалардан фикҳ илмларини ўрганди. Энг муҳими, Имом Термизий фақат ҳанафий, моликий мазҳаблари фикҳини ўрганиб қолмасдан, айни вақтда Имом Шофеъий асос солган шофеъийя фикҳий мазҳабининг йирик вакилларидан Имом Шофеъийнинг шогирдлари Ҳасан ибн Муҳаммад Заъфароний, Робий ибн Сулаймондан, буюк фақиҳ Аҳмад ибн Ҳанбал номи билан боғлиқ бўлган ҳанбалийя мазҳабининг таниқли олимлари Исҳоқ ибн Роҳувайҳ, Суфён Саврий ва бошқа олимлар фикр ва ғояларини ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тўла ўзлаштириб олди (Жомеъ Термизий, 2-жилд, 232-бет).

Эътиборли томони шундаки, Имом Термизий ислом динидаги сунний йўналишнинг тўрт мазҳаби – ҳанафийя, моликийя, шофеъийя ва ҳанбалийя бўйича ҳадисларнинг фикҳий жиҳатларини чукур ўрганиб, муайян даражада ўзаро фарқли бўлган қарашларни умумлаштирган ҳолда бекиёс, ўзига хос бир қомусий асар яратдики, кўп таниқли олимлар томонидан бу илмий нуқтаи назардан «Ислом фикҳининг энциклопедияси» деб эътироф этилган (Маъламатун фи фикҳ ил-исломий). Юқорида айтиб ўтилганидек, у яратган ҳадис илмида унинг иллатли масалалари, иснодлари (ровийлари) ва бошқа саҳобаларга доир таълимоти ҳам ҳадис илмининг энциклопедияси деган юксак мақомга сазоворлиги ҳақида юқорида таъкидланган эди.



Имом Термизий ўзининг асосий асари «ал-Жомеъ-»нинг охирги қисмида фикҳга оид бир асар таълиф қилганлиги ҳақида зикр қиласди (ал-Жомеъ, 2-жилд, 332-бет). Лекин аллома ҳаёти ва асарларини ўрганган барча олимлар бу асар бизнинг давримизгача етиб келмаганлиги ва унинг бирор нусхасини ҳам кўрмаганликлари ҳақида ёзадилар. Нима бўлганда ҳам Имом Термизийнинг ҳадислардаги фикҳий масалаларни ўрганганлиги ҳақида унинг айнан шу «Жомеъ» асарининг ўзидан етарли далил топиш мумкин. Шунингдек, муаллифнинг асосан сунний йўналишдаги мазҳабларга оид кўплаб теран фикр-мулоҳазаларидан ҳам тўлиқ тасаввур олиш мумкин. Чунончи, муаллиф ҳар бир боб (масала)га оид келтирган ҳадисдан кейин ўша масалага доир етук олиму-уламоларнинг фикрларини келтириш билан фикрини янада асослаган. Мана шу мулоҳазаларга кўра комил ишонч билан айтиш мумкинки, Имом Термизий ҳазратлари ҳадис илмида қанчалик юксак, яъни буюк муҳаддис даражасига эришган бўлса, фикҳ илмида ҳам буюк факих деб аталишга тўла ҳақлидирлар.

### **Термизийнинг юксак фазилатлари ва ахлоқий сифатлари**

Термизийнинг юксак инсоний хусусиятлари ва мукаммал ахлоқий фазилатлари унинг ўз даврининг алломаси даражасига етишида катта роль ўйнаганлиги шубҳасиз. Энг аввало, унинг зеҳни ғоятда ўткир, кувваи ҳофизаси ёшлигидан бошлаб ақл бовар қилмайдиган даражада кучли бўлган. Унинг ёдлаш қобилияти, хусусан ҳадисларни ёдда сақлаб қолиш салоҳияти беназир эди. Ҳадисларнинг ҳифзи ва забтида (аниқ, тўғри айтишда) шу юрт аҳли ўртасида кўплаб зарбулмасаллар тарқалиб кетган эди.

Термизий зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қувваи ҳофизаси кучлилiği хусусида тарихий манбаларда кўплаб мисоллар, ривоятлар келтирилади. Жумладан, араб тарихчиси Шамсуддин Заҳабийнинг (1274–1347) «Тазкирату-л-хуффоз» («Хофизлар ҳақида тазкира») номли асарида куйидаги ҳикоя келтирилади: Абу Исо Муҳаммад Термизий Маккага ҳажга бораётганида йўлда машҳур муҳаддислар билан мулоқотда бўлади ва уларнинг биридан ҳадислардан сабоқ беришини илтимос қилади. У олим: «Бўлмаса қофоз-қалам ол», деган. Аксига олиб шу пайт Термизий қалам топа олмаган ва олим рўпарасида ўтириб, ундан эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандек қофоз устида кўлини ҳаракат қилдираверган. Олим эса турли-туман ҳадислардан етмишга яқинини ҳикоя қилган. Шу орада олим қофозга қараб унда ҳеч қандай ёзув йўқлигини кўрган ва Термизийнинг бу ишидан жаҳли чиққан. Термизий шунда бамайлихотир «Сиз айтган ҳадисларингизни ёддан айтиб берайми?» – дегану ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирин-кетин такрор айтиб берган. Термизийнинг хотираси шу қадар кучлилигидан ўша олим ҳайратга тушиб қойил қолганлигини билдирган.

Бу хусусда яна бир ҳикоя Термизийнинг сўзига асосланиб келтирилади: «Маккага кетаётганимда бир шайх тўплаган ҳадислардан икки қисмини ёзиб олган эдим. Тасодифан ўша шайх билан учрашиб қолдим. Ёзиб олинган ҳадислар мазмунан уларга ўхшаш-у, бирорқ бошқа ҳадислар экан. Салом-аликдан сўнг ҳадисларни айнан унинг ўз оғзидан эшитишни илтимос қилдим. У рози бўлиб, ҳадисларни ҳикоя қила бошлади. Кейин менга қараб қўлимдаги оқ қофозни тоза, яъни ҳеч нарса ёзилмаган ҳолда кўргач: «Бу қилифинг учун мендан уялмайсанми?» – деди. Мен маъзурона ҳолда бор ҳақиқатни айтиб: «Сиз ҳикоят қилган ҳадисларнинг ҳаммасини ёддан биламан», дедим ва уни бирин-кетин сўзма-сўз айтиб бердим. Шайх эса сўз-



ларимга ишонқирамасдан «Нима, менинг хүзуримга келишдән олдин уларни маҳсус ёдлаган эдингми?» – деди. «Йўқ», деб жавоб қилиб: «Агар сўзларимга ишонмасангиз, бошқа ҳадислардан айтинг», дедим. Шунда у ўзининг гаройиб ҳадисларидан қирқтасини ҳикоя килди. Мен унга уларни ҳам бошдан-охир бирма-бир айтиб бердим. Шунда у: «Сенга ўхшаганини ҳеч қачон кўрмаган эдим», – деди.

Абу Исо Муҳаммад Термизий юксак даражада тақвадор, ўз дини тартиб-қоидаларига қаттиқ амал қиладиган, озгина бўлсада ҳар қандай шубҳали нарсалардан узоқ юрадиган, ўз диний эътиқоди ва номус-орини ҳар қандай нопок нарсалардан тоза сақлайдиган диёнатли, покиза бир инсон эди. У бу дунёning ўткинчи ҳавои ўйин-кулгуларига нисбатан зоҳид бир инсон бўлиб, улардан ўзини тийган, охират томон юз тутган киши бўлган. У айниқса, илму ирфонни кенг кўламда ёйиб, уни тарқатишга ўзини баҳшида этган. У Аллоҳ таоло азза ва жаллага хушуъ, буюклигига итоатда, тавба-тазарруга ўзини тўлиқ бағишлиган эди. У ҳаётда кўп йиғлайдиган, кўпинча пушаймонда бўлиб, кўп ибодат қиладиган инсон эди.

Термизий бу фазилат ва хислатларининг деярли ҳаммасини суюкли устози Имом Бухорийдан олганлиги шубҳасиз. Бинобарин, Имом Термизий ўз устози Имом Бухорийнинг нафақат илмий нуқтаи назардан вориси бўлиб қолмай, балки буюк муҳаддиснинг барча фазлу фазилатлари, юксак инсоний хислатлари, хусусиятларининг ҳам тўлақонли вориси бўлиб қолган. Йирик олим Хофиз Умар ибн Алак бу хусусда ғоятда ўринли: «Имом Бухорий вафот этдилар-у, бутун Хурсону Мовароуннахрда ўзларидан кейин илмда ҳам ҳифз (ҳадисларни ёдлаш)да ҳам тақвадорлиг-у зухдда ҳам Абу Исо Термизийдек бирор кишини қолдирмадиларда.. У устози вафоти туфайли кўп йиғлаганидан кўзлари кўрмай қолиб, узоқ йиллар зарийр (кўзи ожиз)

холда яшадилар», – деб айтган деди (Шамсиддин Заҳабий, Тазкирот ул-хуффаз, 634-бет).

### Термизийнинг юксак илмий салоҳияти ва фавқулодда иқтидори

Илм эгаллаш йўлида кўрсатган бекиёс жидду жаҳди ва саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ Термизий бу соҳада ўта юксак мақомларга эришди. Бу ишларга ўз тенгқурларига нисбатан илмий салоҳияти жиҳатидан гоятда пешқадам бўлиб, айниқса ҳадис илми бўйича ўз даврининг энг улуғ етук ва машҳур олимларидан, хусусан, буюк устози имом Бухорийдан кўп сабоқ олиб, ҳадис илми, унинг иллатлари ва уларни аниқлаш бўйича ўз даврининг улуғ олимларидан бирига айланди. У ўзига хос олий нуфузга эга бўлган олим бўлиб етишиб, бошқаларни рушду хидоят, тўғри йўлга бошлар, ҳар қандай асосга қодир улуғ бир мукаммал даражага етишди. Шуларга биноан ўз илмини намоён қилиб, ўз устунликлари, илмий салоҳиятини элу юрт эътироф эта бошлади. Ўша даврдан эътиборан унинг илм-у маърифатидан кўплар, шунингдек, таниқли олимлар ҳам ундан сабоқ олиб, унинг юксак даражадаги илми, ҳифзини эътироф этиб тан олдилар. Ўша даврининг энг улуғ устозлари ҳам ҳадис илмидан сабоқ олдилар. Ҳатто Имом Бухорийдек устоз ҳам Термизийдан ҳадис эшитиб, ундан фойдаланди. Айтиш мумкинки, кўп олимлар ва ҳадис тингловчилар ҳадис илми булоқларидан ўз чанқоқларини қондириш мақсадида унинг хузурига оқиб кела бошладилар. Ҳадис ишқибозлари ва муҳлислари устоз сифатида унга шогирд тушдилар, жуда кўп инсонлар унинг бой илмидан бегараз фойдаланиб, ровийлар унинг илмини чор-атрофга ёйиб, эл-юрт орасида тарқатдилар.



## Термизийнинг машҳур устозлари ва шогирдлари

Ҳадис илмини әгаллаш ва такомиллаштиришда Имом Термизий ўз даврининг машҳур мұхаддисларидан таҳсил олди. Унинг устозларидан Имом Бухорий, Имом Муслим ибн Ҳажжоқ, Абу Довуд, Кутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Гийлон, Сайд ибн Абдурраҳмон, Мұхаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар Марвазий, Аҳмад ибн Мунийъ, Мұхаммад ибн Мусанно, Сүфён ибн Вақиӣъ ва қатор таниқли мұхаддисларни күрсатиш мумкин.

Ундан жуда күп шогирдлар ҳадислар ривоят қылған бўлиб, улардан энг машҳурлари Абу Бакр Аҳмад ибн Исмоил ибн Омир Самарқандий, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Довуд Марвазий Тожир, Аҳмад ибн Али Муқрий, Аҳмад ибн Юсуф Насафий, Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдувайҳ Насафий, Ҳусайн ибн Юсуф Ғурайрий, Ҳамдод ибн Шокир Варроқ, Довуд ибн Наср ибн Сұҳайл Яздавий, Абд ибн Мұхаммад ибн Маҳмуд Насафий, Абул Ҳасан Али ибн Умар ибн Қулсум Самарқандий, Фазл ибн Аҳмад ибн Аммор Саром, Абул Аббос Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Маҳбуб Маҳбубий Марвазий, Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Сүфён ибн Наср Насафий, Амин номи билан машҳур Абул Фазл Мұхаммад ибн Маҳмуд ибн Анбар Насафий, Абул Фазл Масбаҳ ибн Абу Мусо Қожирий, Маккий ибн Нуҳ Насафий Муқрий ва унинг ўғли Мұхаммад ибн Маккий, Ҳайсам ибн Қулайб Шоший ва ундан бошқа кўплаб шогирдларни кўрсатиш мумкин.



## Абу Исо Мұхаммад Термизий ва унга замондош олимлар

Абу Исо Мұхаммад Термизий ўз устози ва сафдоши, ҳадис илмининг султони Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилиб, унинг юксак илмидан ҳам, буюк мұхаддиснинг фазлу фазилатларидан ҳам күп истефода қылган эди. Айниңса, иллатли ҳадислар ва уларни ривоят қылган ровийлардан ва бу илмнинг турли масалалари бўйича ҳам кўп сабоқлар олганлиги ҳақида унинг ўзи алоҳида таъкидлайди. Термизийнинг асосий асари «Жомеъ» ва унинг охирги қисмида келтирилган «Илал ус-сағир» ҳамда «Илал ул-кабир» асарини мутолаа қилиб, улар билан яқиндан танишган ҳар бир ўқувчи бу фикрларимизга тўлиқ ишонч ҳосил қиласди. Жумладан, «Жомеъ»нинг охирги қисмида ёзган «Илал» асаридаги муаллифнинг ўзи: «Ҳадисларда учрайдиган, шунингдек, уларнинг ровийларида – тарихларида келтирилган хабарларни ушбу масалаларга бағишлиланган тарих китобларидан ёзигб олганларим бўлса, улардан аксариятини Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий билан қылган баҳсу мунозараларимдан ўзлаштириб олганларим бўлса, маълум қисми эса Абдуллоҳ ибн Абдурраҳман Дорамий ва Абу Зуръя Розий билан бўлган баҳсларимдан олганларим. Улардан кўпроғи Мұхаммад ибн Исмоил Бухорийдан бўлса, камроғи эса Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман Дорамий ва Абу Зуръадан олганларим. Иллатли ҳадислар ва уларнинг тарихи ва иснодларини билишда на Ирока, на Хурросон-у Мовароуннахрда Мұхаммад ибн Исмоил Бухорийдан кўра кўпроқ биладиган биронта ҳам олимни учратмадим», – деб ёзган.



## Термизий ва Имом Муслим

Олти буюк мұхаддислардан бири Имом Муслим ибн Ҳажжож Қурайший Найсобурий (821–875) билан Имом Термизийнинг учрашуви Нишопур шаҳрида бўлиб ўтган. Узоқ йиллар Шарқнинг турли-туман шаҳарларида бўлиб, ҳадисларни тўплаб, уларни илмий асосда чукур ўрганиб, шунингдек, кўплаб буюк олимлар (аксарият мұхаддислар) билан мулоқотда бўлиб, сон-саноқсиз баҳсу мунозараларда қатнашган буюк мұхаддис Имом Бухорий 863 йилда Бағдоддан Бухорога қайтаётганида Нишопурда тўхтайди. Бу шаҳарда яшаб фаолият кўрсатаётган Имом Муслимнинг илтимосига биноан беш йил (863–868) мобайнида Нишопурда қолиб, шаҳардаги кўпдан-кўп мадрасаларда ҳадис илмидан маъruzалар ўқийди, кўплаб толиби илмлару ҳадисшунос олимлар билан илмий мунозараларда қатнашиб, самарали фаолият кўрсатади. Имом Бухорийнинг Нишопурга келганлигидан воқиф бўлган Имом Термизий ҳам тезда Нишопурга келади ва жуда ҳам катта бўлмаган бу шаҳарда замонасининг учта буюк мұхаддиси – Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Термизий катта завқу шавқ, аъло кайфиятда самарали фаолият кўрсатадилар. Шу билан бирга манбаларда келтирилишича, Имом Термизий Имом Муслимдан ҳадис илмига оид масалаларда кўп фойда кўрган бўлса-да, бироқ ўзининг асосий асари «Жомеъ»да атиги битта **أَحَصَوْا** **يَهْلَلَ شَعْبَانَ لِرَمَضَانَ** яъни, «Рамазон ойини Шаъбондаги ой (хилол)нинг кўринишидан ҳисобланглар» (Жомеъ, 466) ҳадисини ривоят қилиш билан чегараланган. Олти буюк мұхаддислардан фақат Имом Термизийгина ушбу ҳадисни келтирганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

## Имом Термизийнинг Имом Бухорийдан фойдаланган мавзулари

Қатор ёзма манбаларда таъкидланишича, Имом Термизий устози Бухорийдан бир юзи ўн тўртта ҳадисни бош асари «Жомеъ»да келтирган. Шулардан ўн тўрттаси таҳорат китобида, йигирма битта намозга оид, тўрттани закотга, олтига рўзага, ҳажга бешта, жанозага оид еттита, никоҳга оид еттита, олди-сотдига оид учта, аҳкомларга оид иккита, тўртта жазолаш қонунлари (худуд), битта икки ҳайитнинг бобларига оид, учта назр-нузур ва қасамларга оид, олтига жидду-жаҳд фазилатларига оид, бешта либослар ҳақида, иккита егуликлар, ичимликлар бир ўринда, учта жаннатнинг сифати, жаҳаннамнинг сифати бир ўринда, бешта ўринда истеъзон (изн сўраш), Куръон фазилатларига оид учта, бешта тафсирга оид, учта даъватларга оид, иккита маноқиб (инсоний фазилатларига) оид бўлиб, жами бир юз ўн тўртта ўринни ташкил этади. Бу мисоллардан кўриниб турибдики, Абу Исо Муҳаммад Термизий Имом Бухорий билан узоқ муддат мулоқотда бўлиб, ҳадис илмининг кўп масалаларида, жумладан, саҳиҳ ҳадисларни саралаш, заифларини аниқлаш усуллари, қандай ҳадисларни маълум шартларга кўра қабул қилиш ва қандай асосларга таяниб қандайларини рад қилиб қабул қиласлиқ, айниқса, иллатли ҳадисларни асослаб тушунтириш каби масалаларда икки буюк муҳаддис ўртасида узоқ муддат ижодий, илмий муҳокамалар, мунозаралар бўлиб ўтганилиги самараси дейиш мумкин. Айни вақтда юқорида ҳам зикр қилиб ўтганимиздек, Имом Бухорий ҳам Абу Исо Термизийдан фойдаланиб, ундан ҳадислар ривоят қилган. Бу фикримизга ёрқин бир далил манбаларда келтирилганки, унда қуйидагича баён қилинади: Абул Фазл Байламоний шундай ёзади: «Мен Наср

ибн Мұхаммад Ширкухийнинг шундай деганини эшитганман: «Мен Мұхаммад ибн Исо Термизийнинг: «Менга Мұхаммад ибн Исмоил Бухорийнинг ўзи: «Мен сиздан күрган фойда сиз мендан күрган фойдалан күпроқ», – деган эди», деб айтганини эшитган эдим», деб келтиради» (Ибн Ҳажар Асқалоний, «Таҳзиб ут-таҳзиб», Байрут, Дору с-Содир (Ҳиндистон нашридан 1327 хижрий сана фотонусха), 9-жилд, 389-бет).

Мана шу далилнинг ўзи ҳам Имом Термизийнинг ҳадис илмида нақадар юксак даражага эришганини ва буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳам унинг илмий-маънавий меросидан самарали фойдаланғанлигини күрсатади. Бу хусусда яна бир таниқли олим ал-Хофиз Тақиуддин Исъардий ўзининг «Фазоил ул-китоб ил-Жомеъ ли Аби Исо Термизий» номли асарида «Ҳадис илми санъати аҳлиниң буюк олими Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий Абу Исо Термизийдан ҳадислар ёзиб олган бўлиб, бу ишни ўзи учун фахр деб ҳисоблар эди», – деб таъкидлайди (Фазоил ул-китаб ил-Жомеъ, 40-саҳифа). Мана шу қисқа таъкидда Абу Исо Мұхаммад Термизийнинг билими ва салоҳияти Имом Бухорийдек буюк алломага ҳам фахр бағишлиғанлиги самимий эътироғнинг ифодаси дейиш мумкин.

### Термизий асарлари

Ўз ижодий фаолияти даврида Термизий ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг маданий меросида, шубҳасиз, «Жомеъ» асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар «Жомеъ ус-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Жомеъ ул-кабир» («Катта тўплам»), «Саҳиҳ ут-Термизий», «Сунан ут-Термизий» («Термизий суннатлари») номлари билан ҳам юритилади.

Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири «Шамоилу н-набавиййа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «Шамоил Мұхаммадийя»,

«Шамоил фи шамоил ин-набий саллоллоху алайхи вассаллам» номлари билан ҳам аталади. Ушбу асар Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Сайид Маҳмуд Тарозий (1992 йили вафот этган) томонидан ўзбекчага ўгирилган (араб алифбосида ва кирилчада Тошкентда бир неча бор нашр қилинган)<sup>1</sup>. «Китоб ут-таърих», «Китоб ул-илал ис-сағир ва илал ил-кабир», «Китобу з-зухд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ул-асмо ва-л-куна» («Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб»), «Илал фи-л-ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Асмоу с-саҳоба» («Пайғамбар сахобаларининг исмлари»)<sup>2</sup> шулар жумласидандир.

### «Жомеъ ус-саҳих»

Термизийнинг ижодий фаолиятида яратилган асарлари ичида «Жомеъ ус-саҳих» («Ишончли тўплам») энг асосий ўринни эгаллади. Ушбу асар юқорида қайд қилганимиздек, «Жомеъ ул-кабир» («Катта тўплам»), «Саҳих ут-Термизий», «Сунан ут-Термизий» («Термизий суннатлари») каби номлар билан ҳам юритилади. Тарихчи Ибн Ҳажар Асқалонийнинг ёзишича, Термизий ушбу асарини 270 ҳижрий (884 милодий) йилда, яъни қарийб олтмиш ёшларида, илм-фандада катта тажриба ортириб, имомлик даражасига эришгандан кейин ёзиб тугатган<sup>3</sup>.

Ушбу асар кўлёзмалари дунёнинг бир қанча шарларида, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Мухим манба сифатида

<sup>1</sup> Абу Исо ат-Термизий. Шамоил ун-набавиййа. Тошкент, 1993.

<sup>2</sup> Асқалоний. Таҳзиб ут-таҳзиб. 9-жилд, 389-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба.

«Жомеъ ус-саҳиҳ» бир неча марта нашр қилинган. Бунга далил сифатида 1283 (1866) йили Митоҳда, 1292 (1875) йили Қоҳирада, шунингдек, 1980 йили Байрутда нашр этилганлигини кўрсатиш кифоя. Термизийнинг бу муҳим асарига бир қатор шарҳлар ҳам ёзилган бўлиб, улардан Ибн Арабий (вафоти 543 ҳижрий, 1148 милодий йили) номи билан машхур бўлган Имом Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулла Ашбилийнинг «Оридат ул-Аҳвазий ала қитоб ат-Термизий» номли 13<sup>ж</sup> жузъ (қисм)дан иборат шарҳларини келтириш мумкин. Ушбу шарҳ дастлаб 1931 йилда Қоҳирада нашр қилинган. Имом Ҳофиз Абу Али Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдураҳим Муборакфурий (1283–1353) қаламига мансуб яна бир шарҳ ҳам «Тухфат ул-Аҳвазий би-шарҳи ат-Термизий» деб аталади. Тўрт жузъдан иборат бўлган бу асар 1979 йилда Байрутда нашр қилинган (Хиндистон нашри ҳам мавжуд). Мисрлик олим ва адаб Жамолиддин Абдурраҳмон ибн Абу Бакр Суютийнинг (1445–1505) Термизий асарига ёзган шарҳи «Кут ул-муғтазий ала Жомеи т-Термизий» (ундан иккى қисми нашр қилинган), деб аталган.

Булардан ташқари, Муҳаммад ибн Абдуқодир Абу Тайиб Маданийнинг «Шарҳ Сунан ат-Термизий», Аҳмад Муҳаммад Шокирнинг «Таҳқиқ ва шарҳ Жомеъ ат-Термизий» (ундан иккى қисми 1937 йилда Мустафо Бобий Ҳалабий томонидан нашр қилинган), Муҳаммад Юсуф Баниурийнинг «Маориф Сунан шарҳ Сунан ат-Термизий» (унинг биринчи қисми 1963 йилда Покистонда нашр қилинган), Сирож Аҳмад Сарҳандийнинг «Шарҳ Сунан ат-Термизий» номли форсча шарҳи, шунингдек, Хиндистонда чоп этилган Рашиб Аҳмад Канухийнинг «Кавқаб уд-дуррий ала ат-Термизий», Муҳаммад Анваршоҳ Кащмирийнинг иккى жузъдан иборат «Урф уш-шазий ала Жомеъ ат-Термизий» (бу асар ҳам Хиндистонда чоп этилган) ва ниҳоят Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Абдулҳодий

Санадийнинг (у 1138 йилда вафот этган) «Хошия ала Сунан ат-Термизий» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Аввал эслатиб ўтганимиздек, хижрий учинчи аср (милодий тўққизинчি аср) ҳадис илмининг ривожида олтин давр ҳисобланади. Даствор бу даврда яшаб ижод қилган Имом Бухорий, Имом Муслим каби алломаларнинг сермаҳсул фаолияти катта аҳамият касб этади.

Ўз устозлари Имом Бухорий, Имом Муслим асос соглан хайрли ишни Имом Термизий чуқур масъулият ва катта идрок билан давом эттириди. Ҳадисшуносликнинг илмий асосда ривожланишига улкан ҳисса қўшиб, мусулмон дунёсидаги энг нуфузли муҳаддислардан бири даражасига кўтарилиди. Абу Исо Термизийнинг шоҳ асари бўлмиш «Жомеъ ус-саҳих» олим машаққатли меҳнатининг маҳсули сифатида ҳадис илмида катта аҳамиятга эга. Энг аввало шуни айтиш керакки, муаллиф ўз асарини алоҳида-алоҳида бобларга бўлади, имкони борича ҳар бир ҳадис ровийларини келтиради. Ҳар бир ҳадисдан кейин унинг ишончли ёки ишончсизлик даражасини аниқлаб алоҳида кўрсатади. Олдинроқ биз асарининг «Сунан» («Суннатлар») номи билан («Сунан ут-Термизий») аталишини ҳам эслатиб ўтгандик<sup>4</sup>. Бу ном билан аталишига асосий сабаблардан бири – унда фйқҳ масаласига доир аҳком ҳадислар жуда кўп келтирилган. Шулар билан бир қаторда асарда панд-насихат, ахлоқ-одоб, гўзал ҳулқ-у фазилатлар хусусида ҳам жуда кўп ҳадиси шарифлар келтирилганки, бу даражадаги ҳадислар хеч бир муаллиф асарида учрамайди, десак муболага бўлмайди.

Таркибий жиҳатдан асар қўйидаги бобларга бўлинади. Ундан таҳорат, салот (намоз), закот, рўза, ҳаж,

<sup>4</sup> Ушбу асарнинг бир қўлёзмаси Ҳалабдаги (Сурия) «Мактабат ал-авкоф» кутубхонасида (168-рақамда) сақланмоқда.

жаноза, никох, эмизиш, талок, савдо-сотик, қозилик аҳқомлари, товон тұлаш, меъёр, сайд, курбонлик, назрнузур, имон, сийратлар, жиҳод, кийим-кечак, таомлар, ичимликлар, хайр-әхсон ва саховат, табобат, фарзлар, васиятномалар, хайрихохлик ва тақдир, хуружу фитналар, башоратлар, шаҳодатлар, зоҳидлар, жаннат ва жаҳаннам сифатлари, илм, изн сўраш, одоб ва ахлок, масаллар, Куръон фазилатлари, қироат, тафсир, дуолар, маноқиблар (фазилатлар), иллатлар ҳақидаги боблар келтирилган.

Мана шу боблар асарда сарлавҳа тарзида бўлинган бўлиб, бобга доир ҳадислар бўлим мазмунини тўла-тўқис ифодалайди. Ушбу бобга доир масала бўйича муаллиф бир қанча ҳадисларни келтиради, сўнг бу масала юзасидан бошқа уламо, фақиҳларнинг фикрларини ҳам батартиб баён этади. Ундан кейин ривоят қилинган ҳадиснинг сахих, ҳасан, заиф ёки ғариблиги даражасига ўз муносабатини билдиради. Шундан сўнг ҳадис ровийлари, санадлари ва санаднинг ўз ичига олган иллатлари хусусида ўз фикрини билдиради.

Юқорида айтилган фикримизга мисол тариқасида Абу Исо Термизийнинг «Жомеъ ус-саҳиҳ» асарида «Таҳорат» бобида «Сафардаги ва бир жойда муқим турган киши маҳсисига масҳ тортиши» ҳақида келтирилган бир ҳадис хусусида муфассал тўхталамиз.

«Бизларга Кутайба сўзлаб берди, унга Абу Увона ривоят қилган, у Сайд ибн Масруқдан, у Иброҳим Тайамийдан, у Амир ибн Маймундан, у Абу Абдуллоҳ Жадалийдан, у Хузайма ибн Собитдан, у пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қиласидар. Расули акрамдан маҳсига масҳ тортиш ҳақида савол билан мурожаат қилганларида, пайғамбар алайҳиссалом: «Сафардаги киши учун уч кеча-кундуз, бир жойда муқим киши эса бир кеча-кундуз ўз маҳсисига масҳ тортади», деб жавоб қилганлар. Яхё ибн Муъийн масҳ ҳақидаги Хузаймадан

ривоят қилган ушбу ҳадисни сахиҳ дейдилар. Юқорида зикри ўтган Абу Абдуллоҳ Жадалийнинг исми эса Абу ибн Абд бўлиб, баъзан уни Абдураҳмон ибн Абад ҳам деб аташар эди.

Имом Абу Исо Термизий айтадилар: «Бу ҳадис ҳасан (маъқул) ва сахиҳдир». Шу боб ҳақида Али, Абу Бакр, Абу Хурайра, Сафвон ибн Уссол, Авф ибн Молик, Ибн Умар ва Жарийрдан ривоят этилган ҳадис бор. Бизларга Худод ривоят қилди, у Абул Аҳвасдан, у Осим ибн Аби Нужуддан, у Зар ибн Хубайшдан, у Сафвон ибн Уссолдан, у айтди: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алаихи вассаллам сафарида биргабўлган чоғларимизда бизларга уч кечаю уч кундузгача чориқ – маҳсиларимизни ечмасликка буюрардилар. Фақат жунуб бўлгандағина ечиб, катта ва кичик таҳорат синганда ҳам, уйкудан кейин ҳам ечмас эдик». Абу Исо Термизий айтдилар: бу ҳадис сахиҳ ва ҳасандир. Ҳакам ибн Утайба ва Ҳаммод Иброҳим Нахайидан, у Абу Абдуллоҳ Жадалийдан, у Ҳузайма ибн Собитдан ривоят қилган ҳадис сахиҳ эмас. Али ибн Мадийний хабар беради: «Менга Яхё ибн Сайд айтди, унга Шуъба шундай деган: Иброҳим Нахайи «масҳ» ҳақидаги ҳадисни Абу Абдуллоҳ Жадалийдан ҳеч қачон эшиitmagan. Заида Мансурдан эшиtgанига таяниб шундай дейди: «Биз Иброҳим Тайамийнинг хужрасида ўтирган эдик, бизлар билан бирга Иброҳим Нахайи ҳам бор эди. Шунда Иброҳим Тайамий бизларга ҳадис ривоят қилди, у Амр ибн Маймундан, у Абу Абдуллоҳ Жадалийдан, у Ҳузайма ибн Собитдан, у пайғамбар алайҳиссаломдан «Маҳси – чориққа масҳ тортиш» ҳақидаги ҳадис эди. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий: «Унбу бобдаги энг маъқул ҳадис Сафвон ибн Уссол томонидан ривоят этилган ҳадисдир», дейдилар.

Абу Исо Термизий айтадилар: Масҳ бобидаги бу сўз пайғамбар алайҳиссаломнинг аксар саҳобаи киромлари ва тобеъинлари ҳамда улардан сўнг ўтган

Суфён, Ибн ал-Муборак, Шофеий, Ахмад ва Исҳоқ каби фуқаҳоларнинг сўзларидир. Улар: «Бир жойда муқим турган киши бир кеча-кундуз, сафардаги киши эса уч кеча-кундузгача масҳ тортади», дейдилар. Баъзи бир аҳли илмлардан ривоят қилишларича, улар маҳс – чориққа масҳ тортишда муддатни белгиламайдилар. Бу Молик ибн Анаснинг сўзидир. Абу Исо Термизий айтганлар: «(Масҳ тортишда) вақт (муддат) белгилаш ва унга риоя қилиш тӯғридир». Дарҳақиқат, ушбу ҳадис (аввал зикр қилинганидек) Сафрон ибн Уссолдан ривоят қилинган эди<sup>5</sup>.

Муаллиф ровийларнинг фикр-мулоҳазалари, пайғамбар алайҳиссаломга яқин бўлган саҳобалар ва бошқа уламолар фикрига таяниб ҳадис ҳақидаги фикрларини баён этади. Асарга киритилган бир неча минг ҳадисни шундай тадқиқ қилиш муаллифдан тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, иродани талаб қилганигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Чунончи, Термизий китобларида бу хилдаги ҳадисларнинг бирмунча кўплиги унинг беназир изла-нишларидан далолатдир. Ушбу асар ҳақида муаллифнинг ўзи ҳам: «Жомеъ»ни ёзиб тутатиб Ҳижоз, Ироқ ва Хурсон олимларига кўрсатганимда, улар уни мамнунлик билан бир овоздан маъқул топдилар. Ростдан ҳам кимнинг хонадонида бу китоб бўлса, гўёки бу уйда пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари сўзлаётгандек», – деб ёzáди.

Машҳур олим Тошкўбрайзода Имом Термизий фаолиятига юқори баҳо бериб, шундай ёzáди: «Имом Термизийнинг ҳадис илми соҳасида кўплаб таснифотлари бор. Ул зотнинг «Саҳих» асари ушбу китобларнинг энг яхшиси ва ғоят фойдалисидир. Бу китобда «саҳих», «ҳасан», «ғариб» каби турли хилдаги ҳадислар баён этилади. Китобнинг «Китоб ул-илал»

<sup>5</sup> Нуриддин Итр. Имом Термизий, 51-52-бетлар.

қисми иллатли ҳадисларга бағишиланган ҳолда фойдали мулоҳазаларни ўз ичига олган. Ушбу асарни мутоала қилган ҳар бир киши унинг ноёб дурдоналаридан бебахра қолмайди»<sup>6</sup>.

Термизий замонидаги олимлар унинг ҳадис илмидаги хизматларини юксак баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири Абдураҳмон ибн Мұхаммад Идрисий «Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир», деб ёэса, Тақиуддин ибн Таймия «Абу Исо Термизий биринчи бўлиб ҳадисларни саҳих, ҳасан, заифга тақсим қилган олимдир», деб гувоҳлик беради.

Хофиз ибн Ражаб ўзининг «Шарҳ илал ул-Жомеъ» номли китобида «бигилки, Имом Термизий биринчилардан бўлиб ўз китобларида ҳадисни саҳих, ҳасан ва гарига бўлгандар»<sup>7</sup>, деб алломанинг ҳадис илмидаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. Термизий асарининг барчага – кенг оммага фойдаси ҳақида Хофиз Абу-л-Фазл Мұхаммад ибн Тоҳир Муқаддасий (507 ҳижрий – 1113 милодий йилда вафот этган) «мен учун Имом Термизийнинг «Жомеъ» таснифи Имом Бухорий ва Имом Муслим ибн Ҳажжож асарларидан кўра ҳам фойдалироқдир. Чунончи Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўпинча фақат ўқимишли, зиёли кишиларгина фойдаланади. Аммо Абу Исо Термизийнинг асаридан эса ҳар бир истаган киши бемалол фойдалана олади», – деб ёзган эди.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш зарурки, Имом Термизийнинг ушбу асарида ҳадис илмининг турли масалалари каби ровийлар масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу жиҳатдан мазкур асар

<sup>6</sup> Шамсуддин Захабий. Тазкират ул-хуффоз, 634-бет; Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзив ут-таҳзив, 9-жилд, 389-бет.

<sup>7</sup> Шурут ул-амммат ис-ситта, 16-бет; Ибн Касир. Бидоя ва н-ниҳоя, 11-жилд, 67-бет.

муаллифнинг бошқа асарларидан тубдан фарқ қиласди.

Имом Термизий асарининг ушбу фойдали томонлари хусусида Ҳоким Найсобурий «Мадхал ила маърифат китоб ил-иқлил»<sup>8</sup>, Муқаддасий «Шурут ул-айммат ис-ситта»<sup>9</sup> каби асарларида алоҳида таъкидлаб ўтган. Шу билан бирга ҳадис илмининг истилоҳларини яратишда ҳам Имом Термизийнинг ҳиссаси катта. Ҳадис илмига доир истилоҳларни ўрганишда асосий манбалар ҳисобланган «Улум ул-ҳадис» («Ҳадис илмлари») китобларида учрайдиган барча истилоҳлар «Жомеъ» асарида кенг кўламда келтирилган. Термизий услугуга тақлид қилиб асар яратган муаллифлардан Имом Доруқутнийни (995 йилда вафот этган) кўрсатиш мумкин. У ўзининг асари «Сунан»ни яратишда ҳадисларни турли тоифаларга ажратиб, уларни сахих, ҳасан ва заиф даражаларда келтиради. Шунингдек, Имом Абдулазим Мунзирий (1258 йилда вафот этган) ҳам «Тарғиб ва т-тарҳиб»да Имом Термизий услугудан юриб, ҳар бир ҳадис ҳақида алоҳида фикр юритади. Имом Термизий ҳақида аллома Идрисий «Жомеъ», «Тарихлар», «Илал» каби буюк асарлар тасниф этди. Ҳифзда (ёдлашда) у ҳақида масаллар келтирадилар<sup>10</sup>. Муаррих Ибн Асир унинг ҳақида: «Ҳадис илмида иқтидо қилинадиган буюк олимлардан бири, у энг буюк ҳофизлардан ҳам саналади»<sup>11</sup>, деб ёзган.

Мана шу келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Имом Термизий ҳадис илмининг равнақига муносиб ҳисса кўшган буюк аллома бўлган. Шу билан бир қаторда Имом Термизий фаолиятига бир қадар таъна билан қараган олимлар ҳам бўлган. Уни сахих ва ҳасан ҳадислар даражасини аниқлашда бироз кўнгли бўш, илтифотли бўлган. Бу шундан

<sup>8</sup> Мадхал, 288 а-варак.

<sup>9</sup> Шурут, 12-13-бетлар.

<sup>10</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. «Таҳзиб ут-таҳзиб», 9-жилд, 389-бет.

<sup>11</sup> Жомеъ ул-усул, 1-жилд, 114-бет.

иборатки, баъзи бир саҳих ёки ҳасан ҳадислар ушбу даражага лойик бўлмаса ҳам уларни саҳих ва ҳасан деб қабул қилган, дейилади. Мана шундай Термизийга таъна билдирганлардан бири тарихчи Шамсуддин Заҳабий бўлиб, у ўз асари «Мийзон ул-эътидол»да бу эътирозини билдирган<sup>12</sup> <sup>13</sup>. Лекин Имом Термизий ижодини чуқур ўргангандан қатор тадқиқотчилар Заҳабий эътиrozлари аксар ҳолда асоссиз эканлигини илмий, асосли хулосалар билан исботлаган<sup>14</sup>. Айни вақтда Имом Термизийнинг ўзи ҳам ушбу асарни ёзиб тутгатгач, ўз даврининг етук олимлари ҳукмига ҳавола этган ва улар муҳокамасидан ўтказган. Бу ҳакда аллома шундай ҳикоя қиласиди: «Ушбу асаримни тасниф этиб бўлгач, Ҳижоз уламоларига тақдим этдим, улар маъқулладилар, кейин Ироқ уламоларига кўрсатдим, улар ҳам маъқулладилар, сўнг Хуросон уламоларига кўрсатганимда, улар ҳам маъқул топдилар»<sup>15</sup>.

Ҳадис илми билан шуғулланган муҳаддислар ҳадисларни бобларга бўлишга, тарожум ва унвонларга алоҳида эътибор берганлар. Бу масалалар муаллифдан юксак салоҳиятни талаб қиласиди. Бобларга бўлиш масаласи яхши ҳал бўлган асарларнинг, бир томондан, илмий аҳамияти катта бўлса, иккинчи томондан, бу зайлдаги асарлар улкан амалий аҳамиятга ҳам молиқдир. Чунончи, ундан фойдаланувчи ҳар бир киши истаган масала бўйича керакли маълумотга эга бўлиши мумкин. Мана шу тарздаги илмий-амалий аҳамиятга молик олти китоб энг ишончли манба ҳисобланади. Улар олти китоб (кутуб сittа) ёки олти саҳих, китоблар (ас-Сиҳоҳ, ус-ситта) номи билан аталади: Бухорийнинг «Саҳих», Муслим ибн Ҳажжожнинг «Саҳих»,

<sup>12</sup> Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзиб ут-таҳзиб, 9-жилд, 388-бет.

<sup>13</sup> Мийзон ул-эътидол, 2-жилд, 354–355-бетлар.

<sup>14</sup> Бу ҳакда кенгрок маълумот олиш учун қаранг: Нуриддин Итр. Имом Термизий, 238–262-бетлар.

<sup>15</sup> Мийзон ул-эътидол, 2-жилд, 354–355-бетлар.



Термизийнинг «Жомеъ», Абу Довуднинг «Сунан», Насоййнинг «Мужтабо» ёки «Сунан» ва Ибн Можа Қазвинийнинг «Сунан» асарлари.

Имом Термизий ҳадисларни бобларга бўлишда иккى хил услубга таянди.

**Биринчи услуб:** Бир мавзуга, масалан, таҳорат, закот, никоҳга оид турли-туман масалалар ва бобларни ўзида мужассам қилган ҳадисларни умумий бир унвон остида келтиради... Масалан: Абвоб ут-таҳорати ан Расулуллоҳ («Расулуллоҳ айтганларидан таҳоратга оид боблар»), Абвоб уз-закот ан Расулуллоҳ («Расулуллоҳ айтганларидан закотга оид боблар») ва ҳоказо.

**Иккинчи услуб:** Муайян масалага оид бир ёки бир неча ҳадисларни муаллиф далолат учун маҳсус унвон ва бобда келтиради. Бундай ҳолларда Термизий ушбу боб мазмунига оид бош сўзга таяниб ёзади. Масалан: «Боб мо жоа фи-с-сивок» («Мисвок (тиш тозалагич) хусусида келган ҳадис...»).

Имом Термизий ҳадислар мавзуси баёнида боб иборасини қўллаган бўлса, айни шу мақсадда Имом Бухорий эса «китоб» сўзини ишлатган. Термизий муқаррар равишда ҳар сафар бобдан кейин «Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи вассаллам» иборасини қўшиб келтиради.

Бу ўринда ҳар бир боб таржимасида Имом Термизий қўллаган услубни билиш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш зарур, чунки мана шу тарожумлар охир-оқибатда муаллифнинг жидди-жаҳди, унинг иқтидори ва қолаверса, чуқур фикҳий билимини ҳам ифодалайди. Мана шу масалани муайян даражада ўрганиш Имом Термизий тарожумларини уч турга бўлишни тақозо этади:

*Биринчидан, тарожумнинг зохирий тариқасини, бу унинг мазмунидан очиқ-оидин англашилиб, у хақида ҳеч бир фикрлаш ва мулоҳазага эҳтиёж бўлмайди. Ик-*

кинчидан, истинботий (тадқиқ қилиб ўрганиладиган) тарожумларки, уларнинг муайян даражада чукур ёки бир қадар юзаки баҳс ва тафаккур воситасида ўша боб мазмунига мослиги идрок этилади. Учинчидан, мурсалий (бўш, очик) қолдирилган тарожумлар бўлиб, унда ҳадиснинг мазмунига ишорат қиласидиган сарлавҳа бўлмай, фақат «боб» ибораси билан чегараланади. Мана шу уч услуг тарожумлар И мом Термизийнинг «Жомеъ», шунингдек, И мом Бухорийнинг «Саҳиҳ Бухорий» асарида ҳам мавжуддирки, бу тақсимлаш услуги тарожумларни чукур тадқиқ этишда катта аҳамият касб этади.

Энг аввало зоҳирий тарожумлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу хилдаги тарожумлар Термизийнинг асарида аксар ҳолларда учраб, ҳатто унинг асари, баъзи муаллифлар алоҳида таъкидлаганлариdek<sup>16</sup>, бу йўналишдаги энг қулай асарлардан саналган. Чунончи, Термизий асари билан танишган ҳар бир илм толиби бу ҳолни осонликча фаҳмлайди. Муаллифнинг «мо жоа» (тааллукли, доир) ёки кўп ҳолларда «бобун мо жоа фиказо» («фалон масалага доир боб») деб алоҳида таъкидлаши мазкур тарожумнинг мазмун-моҳиятини аниқ кўрсатади. Ушбу ибора И мом Бухорий фаолиятида ҳам, гарчанд кам ҳолларда бўлса-да, кузатилади.

И мом Термизий фаолиятида кўп учрайдиган ушбу хилдаги тарожумлар муайян мақсадларга қаратилиган ва маълум маъноларни англатади. Ушбу масалада И мом Термизий маслакларини И мом Бухорий маслаклари билан муқояса қилишнинг илмий аҳамияти борлигининг гувоҳи бўламиз.

И мом Бухорий ва И мом Термизий асарлари зоҳирий тарожумларнинг қатор маслакларида бир-бирига муштарак эканлигини кўрамиз. Бу ҳол қуйидаги масалаларда аён бўлади:

<sup>16</sup> Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Анваршоҳ Кашибирий. Арф уш-шазий, 1-жилд, 6-7-бетлар.



1. Умумий хабарий (хикоят) сийғага эга тарожум бўлиб, бунда тарожум, бобнинг мазмунини умумий бир хабар, эҳтимоллик ҳолатига ишорат қилиб, сўнгра бобда келтирилган ҳадис орқалигина асл мақсад аён бўлади. Бу ҳол аввалроқ қайд қилганимиздек, Имом Термизийда кўп учраб, Имом Бухорийда камроқ келтирилади.

Термизийнинг «Жомеъ» асаридан бир мисол келтирамиз. Асарда муаллиф «Бобун мо жоа фи-с-сивок» тиши ковлагич, мисвок хусусидаги бобга доир «Агарки умматимга қийин бўлмаганда эди ҳар бир намоздан олдин мисвок билан тишларини тозалашни буюрардим», деган ҳадис билан тасдиқлайдики, бу билан асл мақсадини аниқ баён қиласди. Ёки бўлмаса, кийим ҳақидаги бобларда «Бобун мо жоа фи-л-ҳарийр ва-з-заҳаб» («шойи ва тилло хусусидаги боб»)га доир Абу Мусо Ашъарийнинг ривояти асосида Расулulloҳнинг «Шойи ва тилло буюмларни кийишни умматимнинг эркакларига ҳаром ва аёлларига ҳалол қилганилигини»<sup>17</sup> ҳадисга таяниб таъкидлайди.

2. Хос (маҳсус) хабарий (хикоят) сийғага эга тарожум бўлиб, бундаги боб масалани аниқ ифода қиласди.

Бунга мисол тариқасида Имом Термизий асаридан намоз ҳақидаги ҳадисларни келтириш мумкин<sup>18</sup>.

3. Савол тарзидаги сийғага эга тарожум (тарожум би-сийғати-л-истифҳом) – бу шундай ҳолатки, бунда боб савол тарзидаги иборалардан ташкил топади. Бу услугуб Имом Бухорий ижодида кўпроқ ва дақиқ услубда қўлланилган, Имом Термизийда эса нисбатан кам ҳолларда учрайди. Уламоларнинг фикрича, бу тарздаги тарожумлар асосан ихтилофли ва баҳсли масалаларга доир бўлиб, масалан, Имом Термизий ўз асарида келтирган «намоз пайтида нуҳуд (саждадан туриш)

<sup>17</sup> Жомеъ, 1-жилд, 7-бет; 321-бет.

<sup>18</sup> Жомеъ, 1-жилд, 41-бет; 11-жилд, 17-бет.

қандай бўлиши керак ҳақидаги бобга доир»<sup>19</sup>ни кўрсатиш мумкин. Шофеъийлар ва ҳанафийлар каби турли мазҳаблар ўртасида ушбу масалада муайян ихтилоф бўлиб, бу ҳақда муаллиф ҳам ўз асарида кўрсатиб ўтган.

4. Боб ҳадисдан иқтиbos этиб олинган тарожум ёки тўлигича ҳадиснинг сўзлари бобда келган тарожумда қисман ёки тўлигича ривоят қилинади. Бу фикрни Имом Термизий одоб ҳақида келтирган бир ҳадисда яққол кўришимиз мумкин. «Аллоҳ акс урмоқни хушлаб, эснашни ёқтирмаслигига доир боб»да ушбу ҳадисни ихрож этади. «Дарҳақиқат, Аллоҳ аксиришни хушкўриб, эснашни ёмон кўради. Шу туфайли агар бирор киши акс урса, алҳамдулиллоҳи, дейди ва унинг бу сўзини эшитган ҳар бир киши «Сенга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин» (йарҳамука Аллоҳ) ва ҳоказо дейди». Мана шу мисолдан яққол кўриниб турибдики, ихрож қилинаётган ҳадисдан бир қисми тарожумда келтирилган. Айни шу ҳолни Имом Бухорийнинг асарида ҳам учратамиз. Масалан, табобат ҳақида «дардини берган Аллоҳ унинг шифосини ҳам ўзи беради бобидаги» ҳадиснинг сўзи айнан шу бобда ҳам ихрож қилинган<sup>20</sup>.

5. Амрли масаланинг бошланиши ва бирор ишнинг пайдо бўлиши ҳақида огоҳ этувчи тарожумлар. Имом Термизий, шунингдек, Бухорий бирор ишнинг бошланишидан дарак берувчи тарожумларни келтиради. Масалан, Имом Термизий намоз ҳақида «АЗоннинг бошланишига доир боб». Мана шу мавзунинг қай тариқа бошланиши ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ўз ичига қамрайди<sup>21</sup>. Шу сабабли улар шариатнинг тарихига доир кўплаб маълумотларга эга бўлганлигидан уламолар, илм толиблари ва тадқиқотчилар учун фоятда қимматлидир. Айни вақтда шуни ҳам қайд этиш керакки,

<sup>19</sup> Ўша манба, 58-бет.

<sup>20</sup> Саҳиҳ ул-Бухорий, 2-жилд, 122-бет.

<sup>21</sup> Жомеъ, 1-жилд, 40-бет.



турли мазҳабларга мансуб уламолар ўртасидаги ихтилофли масалалар бўйича, хусусан фиқхий масалаларда Имом Термизий ўз асарларида алоҳида ҳадисларни далиллар воситасида боблар билан келтирган ҳоллари кўп учрайди.

Араб тилида истинботий тарожумлар деб номланадиган бобларда муаллифлар ўз китобларига киритилган масалаларга уларнинг мазмун ва мавзуларидан келиб чиқсан ҳолда сарлавҳалар қўядилар. Бу ҳолда сарлавҳа ўша бобнинг мазмунига очик-ойдин мос бўлади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад китоб муаллифи муайян бобда мавжуд ҳадислар бевосита етиша олмаган натижага эришишдир. Шу боис ҳам муаллиф ўз фикр-мулоҳазаси ёрдамидагина ушбу мақсадга эришади. Бу услуг Имом Бухорий китобида кўп қўлланилган бўлса, Имом Термизийда нисбатан камроқ қўлланилган.

Айни вақтда бу иккала буюк муҳаддис ижодиётида истинботий тарожумларда муштарак йўл-йўриқлар (маслаклар) мужассам бўлганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз. «Мурсалий тарожумлар» деб аталган бобларда эса тарожумлар ривоят этилган бўлса-да, тўлиғича зикр қилинмайди ва унинг унвони «боб» деган сўз билан чегараланади. Имом Термизий «Жомеъ» асарида бу хилдаги тарожумлар икки сўзда – «боб» ва боб минху (ундан боб) билан келтирилади. Имом Бухорий эса фақат бир сийға (яъни боб)ни қўллаш билан чегараланганди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан куйидаги хуносага келиш мумкин:

– Имом Бухорий услугига эргашган ҳолда Имом Термизий ҳам ўз китобини аввал бобларга бўлган ҳолда тартиб бериб, сўнгра тарожумларни Бухорий олдин қўллаган услуг ва маслакларга таяниб таълиф этди;

– Имом Термизий ўз устози Имом Бухорийдан гоятда таъсирланган ҳолда унинг ижодидан ўз «Жомеъ»

асарини тузишда фойдаланди;

– Имом Термизий асарида келтирилган тарожумларни идрок этиш осонроқ бўлиб, Имом Бухорий асарида мукаммал истинбот (чуқур тадқиқ этиш) устунлиги кўзга ташланади;

– Имом Бухорийнинг Абу Исо Термизийдан яна бир устунлиги тарожумлар йўл-йўриқларининг хилма-хиллиги, уларда кўп илмий ва бошқа фойдали жиҳатларининг акс этишидир;

– Имом Термизий тарожумларга мазкур боб мазмунига далил сифатида қарайди, аммо Имом Бухорий эса уларда ўз фиқҳи ва илмини ҳам ифода этади.

### **«Жомеъ» асарида фиқҳ масалалари**

Ҳадис илмига бағищланган асарларда аҳком масалаларини ўрганиш ҳижрий иккинчи асрнинг ўтлалиридан, Имом Молик ибн Анас давридан бошланган эди. Мана шу пайтдан бошлаб ҳадисларни тадвин этиш (тартиблаш) фикхий бобларга асосланиб амалга оширилиб, шу мақсадда «Муватто» тартибида асарлар пайдо бўла бошлади. Масалан, Қозий Ийод ўзининг «Мудорак» номли асарида «биринчи бўлиб «Муватто» асарини яратган Абдуллазиз ибн Абдулмалик ибн Мажишун»<sup>22</sup> деб ёзган эди. Шундан сўнг Имом Молик ибн Анас унинг бу фаолиятини ғоятда маъқуллаб, ўзи ҳам «Муватто» асарини тасниф этди. У ўзи Мадинаи мунаvvара ва бошқа шаҳарларда учратган уламолардан ёзib олган ҳадисларидан танлаб олиб бу асарига кирилди. Муаллиф ушбу асарига кирилган мазкур ҳадисларни соф манба деб ҳисоблаб, ҳадис тўплаш мақсадида бошқа мамлакатларга сафар қилмади. Яна шуни қайд этиш керакки, «Муватто»га нафақат

<sup>22</sup> Тартиб ул-мудорак, 1-жилд, 195-бет.

марфуъ (яъни пайғамбар аллайҳиссаломга бориб боғланадиган) ҳадислар, балки мадиналиқ саҳобалар ва тобеъин уламолардан ривоят қилинган ҳадислар ҳам киритилган. Шу билан бирга муаллиф фикҳий масалаларда ўз нуқтаи назарини ва мулоҳазаларини билдирган эди. Юқорида зикр қилганимиз Қозий Ийод «Мудорак» асарида Молик ибн Анаснинг ўз асари «Муватто» ҳақида «Унда («Муватто»да) Расулуллоҳ ҳадислари, саҳоба ва тобеъинларнинг сўзлари ва ўзимнинг фикр-мулоҳазаларим мужассам бўлган»<sup>23</sup>, – деган сўзларини келтиради.

Молик ибн Анас ушбу асарини яратишга алоҳида эътибор ва ўта масъулият билан қаради. Асарга танлаб киритилган ҳадисларнинг сони тўрт минг ҳадисни ташкил этади. Кўп олимларнинг фикрича, бу асар ислом дини равнақи учун ҳам, мусулмонлар учун ҳам катта аҳамиятга моликдир<sup>24</sup>. Муаллифнинг турли масалалар бўйича ўз фикрини дадил билдириши «Уйқудан намозга турилса, албатта, таҳорат олиш зарур»<sup>25</sup> деган фикрида намоён бўлади.

Ҳадислардаги фикҳий масалаларни тадқиқ этишда Молик ибн Анасга эргашган айрим муаллифлар (масалан, Ибн Абу Шайба, Абдуразоқ Шофеъий) ҳам шу йўсинда асарлар тасниф этдилар<sup>26</sup>. Мана шу муаллифлар асарларини, шунингдек, «аҳл ур-рай»нинг фикҳий масалалардаги фикр-мулоҳазаларини ҳар томонлама чуқур ўрганган, тадқиқ этган Имом Бухорий ўзининг «Саҳиҳ» асарида фикҳий масалаларга алоҳида эътибор бериб, уни батамом юксак погонага кўтарди. Имом Бухорийдан кейин бу соҳага қўл урган муҳаддислардан бири унинг шогирди Имом Термизий

<sup>23</sup> Ўша асар, 1-жилд, 195-бет.

<sup>24</sup> Суютий. Танвир ал-хаволик, 1-жилд, 5-бет; Қозий Ийод. 1-жилд, 193-бет.

<sup>25</sup> Муватто би-шарҳ ис-суютий, 1-жилд, 34-бет.

<sup>26</sup> Имом Термизий, 302-бет.

хисобланади. Бу пайтга келиб ҳадисларда фикҳий масалаларда қатор асарлар яратилган ва муайян даражада тараққий этган эди. Мана шундай ҳолатда Имом Термизий ўзининг шоҳ асари «Жомеъ»да ўзига хос услубни кўллайди. Муаллиф фикҳий масалалар ва аҳкомларни ўз боблари мазмуни жумласига киритади. Фикҳ илми олимларининг фикр-мулоҳазаларини келтириб турли-туман мазҳаблардан огоҳ қилди, баъзи ҳолларда улардан энг мақбули ва афзалларини ажратиб кўрсатди. Ўз асарларида «аҳл ул-илм» наздида қабул бўлган ҳадисларга таянган ҳолда фикр юритди.

Фикҳий масалаларда Имом Термизий услубларини умумлаштирган ҳолда қуидаги хуносаларни чиқариш мумкин:

- тарожумларга таяниш;
- боб мазмунида уламо ва ровийлар фикрини ҳадисларда ифода этиш;
- гоялар ўртасида афзалларини алоҳида кўрсатиш;
- бобларни улардан келиб чиқадиган ҳукмларга асосан турларга бўлиш.

Имом Термизийнинг «Жомеъ» асари баҳсли масалаларни талқин қилишда йирик манба ҳисобланади. У айниқса қадимий таълимотларни ўрганиш масаласида tengi йўқ асарлардан бири сифатида тан олинган. Масалан, Имом Авзоъий, Ироқда яшаган машҳур имомлардан Суфён Саврийларнинг мазҳабий таълимотлари узоқ муддат амалда жорий бўлган эди.

Ибн Роҳувайҳ номи билан машҳур бўлган хурросонлик олим Имом Исҳоқ Иброҳим Ханзалий, мовароуннаҳрлик аллома Абдуллоҳ Муборак Марвазий мазҳабларини ўрганишда ҳам Имом Термизий асарининг аҳамияти беқиёс эди. Бу асар нафақат қатор мазҳабий таълимотлар, айни вактда уламолар ўртасидаги ихтилофий масалаларни ҳар томонлама ўрганишда ҳам алоҳида аҳамиятга молик эди. Шу боис бу асар ҳақида «Ихтилофли масалалар ҳақида бизгача

етиб келган энг қадимий манба»<sup>27</sup> деб алоҳида таъкидланади. Имом Термизий асарининг ўша мазҳаб соҳиблари ва пешволари яшаган даврга вақт жиҳатдан яқинлиги асарга ишончли манба сифатида қарашни тақозо этади. Бу ҳол айниқса илм аҳллари ва тадқиқотчилар учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, асардаги нақлларда имкон борича камроқ хатога йўл қўйилиб, кейин ёзилган асарларга нисбатан унга афзаллик берилади.

Имом Термизийнинг «Жомеъ» асарида фикҳий масалалар ҳам ифода этилган бўлиб, уларни тадқиқ этишда учта муҳим жиҳатга эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

*Биринчи масала* – Имом Термизийнинг фикҳий йўналиши.

*Иккинчи масала* – у ривоят қилган ҳадисларда мазҳабий иснодларнинг ўрни.

*Учинчи масала* – фикҳий масалалар ифодаси.

Мана шу масалаларни батафсил кўриб чиқиш Термизийнинг фикҳий масалалардаги қарашларини тўлиқ ифода этади.

**Имом Термизийнинг фикҳий йўналиши.** Ҳижрий иккинчи асрни фикҳий масалаларнинг уйғониш даври, десак ҳеч бир муболага бўлмайди. Чунончи, айни шу пайтда ижтиҳод деган масала пайдо бўлиб, бу соҳада турли мазҳабларнинг асҳоблари – йирик уламолар етишиб чиққан.

**Ижтиҳод** – Куръони карим ва Пайгамбар алайҳиссалом ҳадисларига асосланган ҳолда давр тақозосини ҳисобга олиб, жамият тараққиёти ва маънавияти равнақига хизмат қиласидиган фойдали ғоя ва мафкуралар яратиш, муаммоларни ҳал этишнинг мақбул, янги йўлларини топишидир<sup>28</sup>. Бу ҳол, албаттa, ислом динининг

<sup>27</sup> Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод, 2-жилд, 19-бет; Доират ул-маориф ил-исломийя, 5-жилд, 230-бет.

<sup>28</sup> Ижтиҳод ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Ислам (Энциклопедический словарь). Москва, 1991, стр. 91-92.

ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бинобарин, илм-фан тараққиётидаги ўзгаришларни терән англаб, шариат ахқомларини замонга мос равищда талқын қилиш ҳар қандай даврда ҳам ҳалқимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига сезиларли восита бўлган.

Ўша даврдан бошлаб ижтиҳод аҳлининг тутган йўли (тариқати) асосан икки гурухга ажralган эди: «аҳл ур-рай» тариқати ва «аҳл ул-ҳадис» тариқати. «Аҳл ур-рай» тариқатининг маркази Ирокда, айниқса, Куфа ва Басрада бўлиб, унинг уламолари «аҳл ур-рай» деб атала бошланди. «Аҳл ул-ҳадис»нинг мактаби Ҳижжоз (Макка, Мадина)да бўлиб, улар уламоларига «аҳл ул-ҳадис» деб ном берилди. Ҳар тоифанинг етакчи имомлари, уларнинг издошлари ўз мазҳабларининг афзаллиги ва ғалабаси йўлида жидди-жаҳд кўрсатардилар ва янги тарафдорларни топиб, улар сонларини кўпайтиришга интилардилар. Ҳижжий учинчи асрда ҳадис илмида олти сахиҳ китобларининг муаллифлари, шу жумладан, Имом Термизий яшаб ижод қилди. Бу даврда мусулмонлар ўртасида машхур имомларнинг мазҳабларига кўшилиш, мазҳабий тақлид пайдо бўлди. Бунда тақлидчилар муайян бир имом мазҳабини ихтиёр этиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб тарафкашлик қиласар, кўп ҳолларда эса улар ўртасида қизгин баҳслар, курашлар ҳам содир бўларди. Мана шу тариқа улар ўртасида ихтилоф кучая бошлади.

Имом Бухорий, Имом Термизийга ўхшаш машхур муҳаддислар Куръони карим, пайғамбар ҳадислари, саҳобаи киромларнинг асарларини бутун мазмун-моҳияти билан эгаллаганликлари туфайли, уларда ижтиҳодий қарашлар мавжуд бўлса-да, лекин улар тақлидчиларга мансуб эмасдилар. Улар ўз ижтиҳодий ғоялари ҳақида барага гапириб, шунга амал, айниқса, ихтилофли масалалар пайдо бўлган вазиятларда бу холатга кўпроқ риоя қиласдилар<sup>29</sup>.

<sup>29</sup> Имом Термизий, 324-бет.



Турли мазҳаблар ва гояларга муносабат масала-сида Имом Термизийнинг туттган мавқеи Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадислари ва фақат далил-исботлар билангина хулоса чиқаришга асосланган эди. Албатта, бундай ҳолларда фақат сахих ҳадислар ва энг кучли да-лил асосий роль ўйнар эди. У ўз устозлари – энг аввало Имом Бухорийнинг ва бошқа ҳадис илмидаги уламо-ларнинг таъсирида «аҳл ур-рай» мазҳабига эмас, «аҳл ул-ҳадис» йўлида событқадамлик билан фикр юритди, уни чукур таҳқиқ ва тадқиқ этиш орқали ўз фикр-му-лоҳазаларини билдири.

Имом Термизий ижодининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у «аҳл ур-рай» ҳақида гапирап экан, улар мазҳабларини баён қилиш учун ўз асарида «қола аҳл ул-Куфа» (Куфа ахли деган) ёки «Қола баъзу аҳл ал-Куфа» («аҳл ал-Куфадан баъзиси деган») каби ибо-раларни кўп ишлатади.

Имом Термизий асарида кўп учрайдиган ибора-лардан яна бири «асҳабуно» («бизнинг асхобларимиз») иборасидир. Бу умумлашган атама билан Термизий Молик ибн Анас, Мұхаммад ибн Идрис Шоғеъий, Аҳ-мад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳувайҳ, каби фикҳ илми-нинг мужтаҳидларидан бўлган аҳл ал-ҳадисни назарда туттган.

Ҳадис илмининг йирик алломаси саналган Имом Термизий уламоларнинг сўzlари ва уларнинг фикҳий таълимотларини фақат ҳадисларга хос бўлган ишончли иснодлар билангина келтиради, уларга таяниб илмий хулосалар чиқаради. Бинобарин, мазҳаб соҳиблари-дан нақл этиладиган фикр-мулоҳазаларни билишда иснодлар катта аҳамият касб этарди. Имом Термизий фикҳий иснодларни Суфён Саврий, Мұхаммад ибн Үсмон Куфий, Убайдуллоҳ ибн Мусо Абасий, Мактум ибн Аббос Термизий, Мұхаммад ибн Юсуф Фирюбий-дан нақл қилган.

Бир қанча буюк муҳаддислар бу соҳада баракали ижод қилган бўлиб, улардан Имом Бухорийнинг устози Али ибн Абдуллоҳ Мадийний, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож, Имом Термизий, Ибн Абу Ҳотам, Доруқутнийларни зикр қилиш мумкин. Мана шу муаллифларнинг асарларидан Имом Доруқутнийнинг муснадларга асосланиб тартиб берилган ўн икки жилдлик иллатли ҳадисларга бағишиланган асари алоҳида ўрин эгаллайди.

Имом Термизий иллатли ҳадисларга бағишилаб икки асар яратган, улар «Илал ус-сағир» ва «Илал ул-кабир ёки ал-муфрад» номи билан аталади. «Илал ус-сағир» асарини Имом Термизий «Жомеъ»нинг хотимаси сифатида яратган. «Ал-Илал ал-кабийр ёки муфрад» эса алоҳида мустақил асар, унда биринчи асарига кирмаган иллатли ҳадислар келтирилган.

### Термизийнинг «Аш-Шамоил ун-набавиййа» асари

Абу Исо Термизийнинг бошқа бир йирик асари «Аш-Шамоил ун-набавиййа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Шамоил фи шамоил ин-набий саллоллоҳу алайхи вассаллам», «Аш-Шамоил ул-Мұхаммадийя» номлари билан ҳам келтирилган. Асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид тўрт юз саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ушбу мавзу, яъни пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундада



ки, муаллиф имкони борича пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам рашишда тўплаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, яхлит китоб шаклида тасниф қилган. «Аш-Шамоил ун-набавиййа» азалдан испомшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ва ҳошиялар ҳам ёзилган. Улардан Абдурауф Муновий Мисрийнинг (вафоти 1003 ҳижрий йил) «Шарҳ уш-шамоил», Али ибн Султон Ҳаравий Қорийнинг (вафоти 1192 ҳижрий йил) «Жамъ-у-васоил фи шарҳи ш-шамоил», Сулаймон ибн Умар ибн Мансур Жумалнинг «Мавоҳиб ул-Муҳаммадийя би шарҳ иш-шамоил Термизийя» кабиларни келтириш мумкин. Бу асарнинг бир қўлёзмаси Қоҳирадаги Азҳар кутубхонасида 144 ҳадис илми рақами остида сақланмоқда, Муҳаммад ибн Жасус Моликийнинг (вафоти 1182 ҳижрий йил) «Фавоид ул-жалийла ал-баҳийя ала «аш-Шамоил ил-Муҳаммадийя» (бу асар 1927 йилда нашр қилинган) ва ниҳоят «ал-Азҳар» университетининг собиқ шайхи Иброҳим Божурийнинг (вафоти 1277 ҳижрий йил) «Мавоҳибу л-ладунийя ала аш-шамоил ат-Термизийя» каби шарҳларини кўрсатиш мумкин.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, асар тили оддий ва равонлиги, соддалиги билан ҳам ажрабли туради. Мухим тарихий манба сифатида «Аш-Шамоил ун-набавиййа» форс ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. 1248 ҳижрий илии Ҳисомиддин Нақшибандий томонидан туркий тилга қилинган таржимаси араб тилини билмайдиган туркий халқлар учун ғоятда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қиласди. Термизийнинг ушбу асарига шарҳ ёзган шайх Иброҳим Божурий: «Имом Термизийнинг «Аш-Шамоил ун-набавиййа» китоблари ўз бобида яккаю ягона асардир. Унинг овозаси Магрибу Машриққа бориб етди», – деб таъкидлайди. Машхур олим Али ибн Султон Ҳаравий Қорий ўзи-

нинг юқорида зикр қилинган «Жамъ ул-васоил фи шарҳ аш-шамоил» номли шарҳида Термизийнинг ушбу асари хусусида шундай деб ёзади: «Расулулоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг фазилатлари, ахлоқлари ҳақида тасниф этилган мусаннафотларнинг энг чиройли ва яххиси бу Имом Термизийнинг пайғамбар сийратлари ҳақидаги мукаммал ва муҳтасар китоблари. Бу китобни мутолаа қилган ҳар киши жаноб пайғамбарни кўргандай ва ул зотнинг ҳар бобидаги маҳосини шарифларидан баҳраманд бўлганга ўхшайди»<sup>30</sup>. Олдинроқ эслатиб ўтганимиздек, асарнинг Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тарозий томонидан она тилимизга қилинган муҳтасар таржимаси 1990 йили Имом Термизийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкентда қайта нашр қилиндики, бу ҳол буюк муҳаддиснинг қимматли асарини ўрганишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир<sup>31</sup>.

«Аш-Шамоил ун-набавиййа»нинг тузилиши ва таркиби ҳақида гапирадиган бўлсак, бу асар эллик олти бобга бўлинниб, у «бобун жоа фи ҳалқи Расулулоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам», яъни «Расулулоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг жисми каримлари ҳақида ривоят қилинган ҳадис шарифлар боби»дан ташкил топган. Умуман олганда, мазмун-моҳиятига кўра асарни икки асосий қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмга мансуб ҳадислар пайғамбар алайҳис-саломнинг ташқи қиёфаларига бағишиланган. Буларга кўра пайғамбарамиз новча ҳам, пакана ҳам бўлмай, балки ўрта бўйли, яғриндор, қўллари бўлали, гўштдор ва доимо жун билан қопланган, кафтлари бўлиқ, қирғийбурун, пешаналари кенг, кўзлари катта-катта бир зот бўлган.

Асарнинг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса пайғамбар алайҳис-саломнинг сийрат-

<sup>30</sup> Мавоҳиб ул-ладунийя, биринчи қисм, 2-бет.

<sup>31</sup> Ушбу асар Тошкентда яна икки марта қайта нашр қилинган.



лари, ички дунёси ва ахлоқий фазилатларини баён қиласди. Бу ҳадислар билан танишар эканмиз, Мұхаммад алайхиссалом ахлоқий жиҳатдан намунавий, мұкаммал бир сиймо эканлигини, муомалада у зотнинг каттаю кичик, аёл-эркак, бой-камбағаллар билан ўзини бир хил муомалада тутишларини, рўзғор ва оила юмушларида ўз аёлларига астойдил кўмаклашиб, ёрдам беришларини, башарти бирор гуноҳ қилиб қўйган киши узр сўраса, унинг гуноҳларини кечирғанларини, йўлда учраган барча кишиларга биринчи бўлиб салом бериб, самимий ҳол-аҳвол сўрашларини билиб оламиз.

«Аш-Шамоил ун-набавиййа»нинг XVI асрга оид кўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда. 1980 йилда Тошкентда мазкур диний идора буюртмаси билан «Аш-Шамоил ун-набавиййа»нинг ушбу қўлёзмаси оғсет тариқасида нашр этилган, ундаги қисқача сўзбоши Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг собиқ раиси, марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари томонидан ёзилган. Бундан ташқари, «Аш-Шамоил ун-набавиййа»нинг айрим қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда.

### **«Аш-Шамоил ун-набавиййа» асарини бобларга ажратиш**

Бу китоб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисига берилган асосий таърифлардан бирини ўз ичига олади. Ҳадиснинг таърифи ҳақида уламолар шундай деган эдилар: «У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга гапда ёки феълда ёки тақрир (бирор ишга рози бўлиш)да ёки сифатда боғланган нарсадир».

«Аш-Шамоил» асари эса, тўртингчи қисмни ўзида мужассам этган. У ҳам бўлса, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлариидир.

Асар эллик олти бобдан иборат. Улардан ҳар бир бобга унинг мазмунини изоҳловчи сарлавҳа билан белгиланган. Имом Термизий бу боблар тартибининг мукаммаллигига аҳамият берганлиги ва алоҳида диққат қилганлиги эътиборга молиқдир. Унинг бир мавзудан бошқасига тадрижийлик ва мантиқий боғланиш билан ўтиши ҳам ҳар қандай таҳсинга лойик.

Жумладан, Абу Исо Термизий асарини Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадди қоматлари ҳақида келган хабарлар ҳақидаги боб билан бошлайди. Ушбу боб шу ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак жисмларига тегишли сифатлари келтирилган бобларни ўз ичига олган. Шундан сўнг, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умумий ташқи кўринишларига тааллуқли бўлган ҳадиси шарифларга ўтиб, кийиниш, курол-аслаҳа, қилич ва кавуш кийишдан иборат умумий кўринишга тегишли бўлган хабарларни ўз ичига олган бобларга биноан ҳадисларни қисмларга ажратган.

Сўнгра ейиш, ичиш ва таҳоратга доир кундалик ҳаётларини васф қилувчи кетма-кет бобларни зикр қилиб, доим тақрорланиб турадиган хос масалалардаги одатлари ва соҳибининг шахсиятини таърифлашда юксак қимматли далиллардан сўзловчи хусусиятларни очиб берганлар.

Шундан сўнг, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хушбўйликлардан фойдаланиш, гапириш, ҳазиллашиб ва бошқалар каби шахсий ижтимоий одатларига тўхталган.

Бу сифатлар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюк хулқлардан иборат васфланган хусусиятлари ҳақида дарак беради. Шунинг учун ҳам Термизийнинг Аллоҳ таоло Расууллоҳ ҳақида «Сиз буюк



хулқ узрадирсиз» деб, хабар берган юксак ахлоқий томонларини ёритган бобларни келтирганини кўрамиз.

Шундан аён бўлаётирки, китоб бобларининг бирор мавзуни ёки жиҳатини ўз ичига олмасдан қолмаган. Шунингдек, Термизий «Аш-Шамоил» китобини мантиқий хотима билан тугатган ва қўйидаги уч бобни китобнинг хотимаси сифатида келтиради:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотлари ҳақида келган хабарлар боби.
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мерослари ҳақида келган хабарлар боби.
3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тушда кўриш ҳақида келган ривоятлар тўғрисидаги боб.

### **Ҳадисларни ривоят қилиш услуби**

Ҳадис ривоят қилишдаги Термизийнинг услуби бу жода жуда енгил бўлиб, унда ҳадисга саҳиҳ ёки заиф деб баҳо бериш ёки жарҳ ва таъдил ёҳуд бошқа ҳадис тадқиқотлари ҳақида сўз юритмай, тузилган бобнинг мавзусида келган ҳадисларни ривоятидан келиб чиқадиган йўлни танлаган.

Бу услуб барча табакалар орасида кенг ёйиладиган китобда қайд этилган. Зоро, оддий ўқувчиларга тушуниш осон бўлмаган истилоҳлар билан уларни банд этиш муносиб иш эмас.

Лекин Термизий ўзининг «Аш-Шамоил» асарида ҳар бир ҳадисни у саҳиҳ ёки ҳасан ёки заифлик дараҷасига ургу бериш шартидан четланиш мақсадида саҳиҳликни шарт қилганми?

## «Аш-Шамоил» ҳадисларининг даражалари

Ҳақиқатда Термизий «Аш-Шамоил» асарида фақат саҳиҳликни шарт қилмаган. Лекин, таваккал қилиб, ҳар хил заиф, саҳиҳни аралаштириб ривоят қилмаган ҳам. Балки, китобнинг ҳадисларини танлаб олиб, ўша мавзуда ривоят қилиниши зийрак ўқувчини қониқтирадиган серқирра услубда ҳадисларни ривоят қилган. Бу борада Абу Исо Термизий ўзининг «Аш-Шамоил» асарида мавзуга доир ҳадисларни саҳиҳи ва ҳасанини жамлашда қаттиқ меҳнат қилган эди.

Китоб ҳадисларини уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Саҳиҳ ҳадис. Бу турдаги ҳадислар мазкур китобда жуда кўп учрайди. Асарда ишончлиликда биринчи табақа ривоятидан бўлгани учун саҳиҳликнинг энг юқори даражасидаги ҳадислардан бир гурӯҳ бор.

Мисол сифатида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг ташқи кўринишлари ҳақидаги бобдаги бир ҳадисни олайлик. Термизий айтади: «Бизга Абу Ражо Қутайба ибн Саъийд ҳадис айтиб берди, У Молик ибн Анасадан, У Робиъа ибн Абий Абдурраҳмондан, У эса Анас ибн Моликдан шундай деганини эшитган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда баланд ҳам, паст ҳам, файритабиий оқ ҳам, қора ҳам, жингалак соч ҳам, силлиқ соч ҳам эмасдилар. Аллоҳ таоло У зотни қирқ ёшида юбориб, Маккада ўн йил (аслида ўн уч йил) қолдирди, сўнгра Мадинада ўн йил. У зотни олтмиш ёшида вафот эттирди. У зотнинг боши ва соқолида оқ туки йигирмата ҳам эмасди».

Бу ишончли ҳофизларнинг ривояти ила силсилали санад бўлиб, бу ҳадиснинг барча ровийларини Шамсуддин Заҳабий «Тазкират ул-хуффоз» деган асарида таржимаи ҳолини зикр этган.

2. Ҳасан ҳадис ва унинг қаторида ҳасан лиғойрихи туркумига тегишли ҳадиси шарифларидан бир нечта-



си мавжуд. Ҳасан лиғойриҳи ҳадиси бошқа томондан келгани учун Термизий ҳасан деб номлаган ҳадисдир. Агар санадда бирор заифлик бўлса, уни қувватлайдиган бирор белги ёки мисол ривоят қилиниши мумкин.

Бунинг мисоли, Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг меваларининг сифати ҳақидаги ҳадисдир: «Бизга Мұхаммад ибн Ҳамид Розий ҳадис айтди. Иброҳим ибн Мухтор бизга хабар берди. У Мұхаммад ибн Исҳоқдан, У Абу Убайда ибн Мұхаммад ибн Аммор ибн Ёсирдан, У Робиъ бинти Муаввиз ибн Афроъдан: «Муоз мендан хурмоли идиш ва тукли тарра (бодринг) билан тўлдирилган кўза бериб юборди. Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам таррани яхши кўрадилар, мен У кишига уни узатдим. У зотнинг хузурида Баҳрайндан келган қимматбаҳо буюмлар бор эди. Ундан қўлларини тўлдириб, менга бердилар».

Али ибн Ҳажар бизга ҳадис айтди, бизга Шарик хабар берди, у Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Ақилдан, у Робиъ бинти Муаввиздан ривоят қиласи: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳузурларига хурмоли идиш ва тукли тарра билан тўлдирилган кўза олиб бордим. У зот менга бир сиқим тўла ҳуля (қииматбаҳо буюм) ёки бир сиқим тилла бердилар».

3. Ҳасанлик даражасига кўтарилимаган заиф. Абу Исо Термизий «Аш-Шамоил» асарида заиф ҳадислардан жуда кам ривоят қилган.

Шунга кўра, агар бунда заиф ҳадис учраб қолса ҳам унинг заифлиги жуда қатъий бўлмай, мавзуга тегишли ҳадисни қабул қилишдан тўсмайди. Чунки биз юқорида зикр қилганимиздек, заиф ҳадисни олиш унинг шартларига тўла мос келади.

### **«Аш-Шамоил» асарига уламоларнинг таҳсини**

Абу Исо Термизийнинг «Аш-Шамоил» асари уламолар томонидан алоҳида хусусиятларини эътироф этган ҳолда қабул қилиниб, уларнинг кўплаб мақтову таҳсинларига сазовор бўлган.

Шайх Муҳаммад ибн Қосим Жассус «Аш-Шамоил»га ёзган шарҳининг муқаддимасида шундай деган:

«Ҳамд ва саловотдан сўнг, «Аш-Шамоил» асари васила қилинадиган шахсларнинг энг буюги ва фазилатларнинг манбаи бўлган зотнинг хусни хулқларини ёритишда ёзилган энг чиройли асардир. У билан машғул бўлиш эса бутун аввалги ва охирги умматнинг шафоатчисига хизмат, уни улуғлаш ва муҳаббати ила қалбларни тўлдиришга васила ва У зотнинг суннатлари ва тутган йўлларига кўрсатма, ўқитганда ва ўқиганда фойдаю ҳақиқатларни очиб бериб, ушбу хабарларни баён қилиб берган Карим зот (Муҳаммад алайхис салом)ни тасаввур этиш билан зафар топишга ёрдам берувчидир».

Шайх Абдурауф Муновий ҳам «Аш-Шамоил»га ёзган шарҳининг кириш қисмида шундай деган эди: «Ривоят ва дироят олимни Имом Термизий (Аллоҳ, У зотнинг қабрини ҳиди мискдан хушбўй бир боғчага, айлантирунг)га тегишли «Аш-Шамоил» китоби ўз мавзусида танҳо, тартиби ва кенг кўламлигига якка бўлган китобдир. Бирор киши унга тенг келадиган ва унга ўҳшаганини ёза олган эмас. Термизий бу асарни гўзал бир услубда ёзган ва ҳадисларнинг қаймоғиу асаларнинг энг саралари ила унга нақш битган. Ҳатто, бу асар юксак иқтидор ва салоҳият намунаси деб, ҳисобланди ва унинг шуҳрати бутун машрику мағрибга етди».

Шайх Иброҳим Божурий «Аш-Шамоил»га ёзган хошияларида куйидагиларни айтади: «Имом Термизийнинг «Аш-Шамоил ул-Муҳаммадийя» ўз бобида яккаю



ягона ва ичиди келтирилган маълумотлари борасида тенги йўқ асардир. Ҳаттоки баъзи кишилар ушбу асарни мавоҳиблардан санашган. Машриқ ва Мағрибда ушбу китоб жуда ҳам машҳур бўлгандир.»

Асар борасида шуни айтиш мумкинки, китобнинг боблари ўз ичига улуғ мавзуга оид энг муҳим маълумотларни қамраб олган. Бунга қўшимча Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида танлаб олиб келтирилган ҳадислар ҳар бир мўминнинг қалбида на-бавий нурларни билиш ва танишлика шавқу завқни пайдо қиласди ва муҳаббат қуяётган киши учун у зотнинг комил ҳайъатлари, ташқи кўринишлари кўз олди-да ҳақиқий гавдаланишига ҳамда буюк шахсиятлари-ни очиб беришга ҳизмат қиласди.

Бу борада Мулла Али Кори «Жамъу л-васоил или шарҳи Шамоил» номли ёзган шарҳида жуда чиройли ифодани келтирадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари ва ташқи кўринишлари ҳақи-даги Имом Термизийнинг бу асарлари мукаммал ҳо-латда ёзилгандир. Ушбу асарни мутолаа қилувчи инсон унинг ҳар бир бобида Набий соллаллоҳу алайҳи васал-ламнинг нақадар буюк гўзал хулқ соҳиби эканликлари-га гувоҳ бўлади».

### **Термизийнинг «Ал-Жомеъ» ва «Аш-Шамоил ун-набавиййа» асарларига ёзилган шарҳлар**

1. «Аъризат ул-Ахвазий фи шарҳ ил-Жомеъ ли-т-Термизий»<sup>32</sup> номли шарҳнинг муаллифи Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ашбилий Ибн Арабий Моликий (вафоти 1151 йил) номи билан машҳур бўлган. Асарнинг қадимий тўлиқ бир қўлёзма нусхаси Мадинаи мунаварарадаги кутубхонада сақланади,

<sup>32</sup> Бу шарҳ ҳакида кен троқ маълумот олиш учун қаранг: Ҳожи Халифа. Каашф уз-зунун, 1-жилд, 375-бет; Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ин-нубало, 5-жилд, 156-бет.

бошқа бир қўлёзма нусхаси аллома Шайх Рафийъаддин Бухорийнинг кутубхонасида мавжуд. Асар Қоҳирада ҳам нашр этилган, лекин бу нашрда кўп хатоликларга йўл қўйилган.

2. Ҳофиз Абдул-Фатҳ Муҳаммад ибн Саййид Нос Яамарий Шоғиийнинг (вафоти 1333 йил) «Шарҳ ул-Жомеъ ли-т-Термизий» номли шарҳи. Муаллиф асарнинг учдан бир қисмига етган. Гарчанд у ўн жилдан иборат шарҳ битган бўлса-да, унинг охирига етказиш учун фурсат топмаган. Шарҳнинг бунчалик чўзилиб кетишининг боиси шундаки, муаллиф ўз асари доирасини фақат ҳадис фанига алоқадор масалалар билан чеклаб қолмай, балки унга бошқа фанларга доир маълумотларни ҳам киритган.

Аллома Чалабий шундай деган: «Агар муаллиф ўз шарҳида фақат ҳадис фани билан чегаралангандэ эди, уни тамомига етказар эди, лекин у (муаллиф) Аллоҳга ҳамд айтамизки, ҳимматли иш қилган. Сўнгра ундан қолганларини охирига етказган Ҳофиз Зайнуддин Абдурраҳим ибн Ҳусайн Ироқий бўлиб, «Алфия»нинг муаллифи (вафоти 1403 йил)дир. Бу китобнинг тўлиқ билан нусхаси Мадинаи мунавварадаги кутубхонада сақланади.

3. «Шарҳ ул-Жомеъ ли-т-Термизий» номли шарҳ Зайнуддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Набий Ҳанбалийнинг қаламига мансуб, йигирма жилда тугалланган, лекин қандайдир бир фитна вақтида ёниб кетган<sup>33</sup>.

4. «Аъроф уш-шазий ало Жомеъ ат-Термизий»нинг муаллифи Сирожиддин Умар ибн Раслан Балқийний Шоғиъий (вафоти 1402 йил). Ушбу шарҳ Имом Термизий асарининг бир қисмига бағишиланиб, шарҳ охиригача етказилмаган<sup>34</sup>.

<sup>33</sup> Муборакфурий. Сийрат ул-имом Бухорий, 376-бет.

<sup>34</sup> Буғолий. Хутта, 243-бет.



5. «Шарҳ уз-завоид ли-т-Термизий»нинг муаллифи аллома Сирожиддин Умар ибн Али Мулақцин (вафоти 1401 йил). Бу асар Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «Саҳих» ва Абу Довуд асаридан ортиқча Термизийда келтирилган ҳадисларнинг шарҳидир<sup>35</sup>.

6. «Луббу л-албоб фи мо йақулу Термизий фи-л-боб» номли шарҳнинг муаллифи Шайху л-ислом Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний<sup>36</sup> (вафоти 1448 йил) бўлиб, бир жилдан иборат бу шарҳнинг қўлёзмаси Мадинаи мунавварадаги кутубхонада сақланади. Бу жуда ҳам муҳим асар бўлиб, «Имом Термизий фиқҳий масалаларга доир»... ҳақидаги бобда зикр қилинган ҳадисларни баён қилишга багишланган. Ушбу ҳадислар жарҳ (иллатлари) ва уларнинг тузатиш (таъдийл)лари билан биргаликда муфассал ҳолда баён қилинган.

7. «Кут ул-муғтазий» номли асар аллома Жалолуддин Суютийнинг (вафоти 1505 йил) қаламига мансуб. Бу ҳақда Ҳожи Халифанинг «Кашф уз-зунун» асарида (1-жилд, 375-бет) ҳикоя қилинади. Жалолуддин Суютий ушбу шарҳида Термизийнинг «Сунан» асарини юқори баҳолаб, уни қуйидагича таърифлайди: «Имом Термизийнинг «Сунан» асари бобларга бўлинган. Бу ҳам бир илм. Асадаги фикҳ – хуқуқшунослик масалалари ҳам бир илм. Саҳих билан сақимни ажратувчи илални айтишлари ҳам бир илм. Уларнинг ўртасидаги ҳадис турларини зикр этиш ҳам бир илм. Ровийларнинг номлари ва лақаблари ҳам алоҳида бир илм. Жарҳ ва таъдил, Расулулоҳни топган ва топмаган ровийларни белгилаш иснодли ривоят. Унда келтирғанларнинг ҳаммаси ижмолий илм турлариdir. Аммо тафсилийси жуда ҳам кўп. Хуллас, бу асарнинг қимматли жиҳатлари мажмуалар тўпламидир».

<sup>35</sup> Ас-Саховий. аз-Завъ ал-ломий, 6-жилд, 102-бет.

<sup>36</sup> Бу шарҳ ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Шокир Махмуд Абдулмунъим. Ибн Ҳажар ва диросатгуҳу, 395-бет.

8. «Нафъ Кут ил-муғтазий»нинг муаллифи аллома Саййид Али ибн Сулаймон Думантай Бажмаъвий Мағрибий Моликий Шозилий (вафоти 1877 йил)<sup>37</sup>.

«Жомеъ Термизий» нусхасининг ҳошиясида чоп этилган. Муаллиф аллома Жалолуддин Суютийнинг олдин зикри ўтган шарҳини мухтасар ҳолга келтириб, китоб аслининг фойдали томонларига бир қадар халал етказганки, китобнинг номи «Нафъ Кут ил-муғтазий» ибораси маъносини йўқотган. Бу асар Қохира ва Дехлида чоп этилган.

9. «Шарҳу л-Жомеъ ли-т-Термизий»нинг муаллифи Ҳофиз Зайнуддин Абдураҳмон ибн Аҳмад ибн Ражаб Ҳанбалий (вафоти 1587 йил). Ушбу шарҳ ҳақида манбаларда жуда кам маълумот келтирилган.

10. «Шарҳу л-Жомеъ ли-т-Термизий» ҳам. Шайху л-ислом Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалонийнинг (вафоти 1148 йил) қаламига мансуб бўлиб, муаллиф уни «Саҳиҳ Бухорий»га ёзган ийрик шарҳи «Фатху л-борий»да зикр қилган<sup>38</sup>.

11. «Шарҳу л-Жомеъ ли-т-Термизий». Шайх Абу-л-Ҳасан ибн Абдулҳодий Санадий Мадиний (вафоти 1728 йил) битган бу шарҳ жуда гўзал, муаллиф уни Маккада таълиф этган. Асар қирқ қисм (жузъ)дан иборат.

12. «Шархул-Жомеъли-т-Термизий»нинг муаллифи аллома Абу Тайиб (Мұхаммад ибн ат-Тайиб) Санадий Мадиний, (вафоти 1698 йил), бу шарҳ араб тилида «би қавлихи» «ва қавлуху» дейилиб, унинг бир қисми чоп ҳам этилган.

13. «Шарҳ ул-Жомеъ ли-т-Термизий»нинг муаллифи аллома Сирож Аҳмад Сарҳандий бўлиб, форс тилида битилган бу шарҳнинг айрим қисмлари нашр ҳам этилган.

<sup>37</sup> Қомус «Аълом»да (5-жилд, 104-бет) бу асар ҳақида кенгроқ маълумот келтирилган.

<sup>38</sup> Қомус «ал-Аълом»да (5-жилд, 104-бет) бу асар ҳақида кенгроқ маълумот келтирилган.

14. «Мухтасар ул-Жомеъ ли-т-Термизий» аллома Мұхаммад ибн Үқайл Болисий Шоғиъй (вафоти 1329 йил) қаламига мансуб, асарнинг хусусиятлари ҳақида муфассал маълумотга эга эмасмиз.

15. «Жоизат Шаъузий» номли шарҳ аллома Бадийью з-Замон (вафоти 1892 йил) қаламига мансуб. Бу асар «Жомеъ ат-Термизий»нинг урду тилига ағдарилган тафсирли таржимасидир.

16. «Мухтасару л-Жомеъ ли-т-Термизий»нинг муаллифи аллома Нажмиддин Сулаймоң ибн Абу Қувво Туфий Сирсирий Ҳанбалий (вафоти 1311 йил). Бу мухтасар асардан Ҳофиз Салоҳиддин Ҳалли ибн Кийкелди Аълоий исмли олим Термизий асарида олий санад билан ривоят қилинган юз ҳадисдан бир мажмуа яратган.

17. «Ҳадият ал-лавзаъий би-нукот ат-Термизий» аллома Абу ат-Тайиб Мұхаммад Шамс ал-Ҳаққ Азиймободий (вафоти 1911 йил) қаламига мансуб бу асар муаллифнинг вафоти туфайли охирига етмаган. Ушбу шархда матнларга қўшимча иснодларга тааллуқли жуда нафис тадқиқотлар ҳам мавжуд.

18. «Шарҳ аш-шамоил ли-т-Термизий»нинг муаллифи аш-Шайх Абдуррауф Муновий (вафоти 1621 йил), унинг аввали: Аҳл ал-фазлнинг қадимда ва ҳозирги замондаги шаклу шамойиллари ва ҳоказо. Аллома Муновий унда зикр қилган: «Унинг шарҳига биринчи бўлиб киришган тадқиқотчиларнинг яккаю ягонаси Мавлоно Исомуддин Исфараийний бўлиб, у ўзидан бурун ҳеч ким очмаган унинг сирларидан пардани кўтаришга муюссар бўлди. Лекин нақлий (анъанавий) фанлардан ҳисобланган бу фаннинг ақлий (мантиқий) фаразларини у билан бирга идрок этиш ҳам борки, ҳатто у хато авҳомлардан деб ҳисобланади»<sup>39</sup>.

<sup>39</sup> Ҳожи Халифа, Кашф аз-зунун, 1-жилд, 376-бет; 2-жилд, 67-68- бетлар.

19. «Ашраф ул-васоил»нинг муаллифи шайх Шаҳобуддин Аҳмад ибн Ҳажар Ҳайсамий Маккийдир (вафоти 1566 йил). Мусанниф зикр қилишича, бу китоб бўйича Ал-Ҳарам ал-Мухтарамда (Каъбатуллоҳда) дарс беришни (тадрис) муборак Рамазон ойидан бошлаб 18-Рамазонда ниҳоясига етказган.

20. «Шарҳ аш-шамоил ли-т-Термизий»нинг муаллифи аллома Сайийд Мухаммад Қосим Жассус (вафоти 1769 йил) бўлиб, буасар Қоҳирада нашр этилган. Лекин ушбу шарҳ батамом равишда муҳаддисларнинг услуби-ю уларнинг қизиқишлиарига мос бўлмаган тарзда битилган.

21. «Шарҳ аш-шамоил ли-т-Термизий»нинг муаллифи аллома Муслихиддин Мухаммад ибн Салоҳ ибн Жалол Лорий (вафоти 1572 йил) бўлиб, бу шарҳ араб тилида битилган. Муаллиф уни 1542 йилнинг Рамазон ойида тутатган, муаллифнинг қаламига мансуб форсча ёзилган бошқа бир шарҳ ҳам бор.

22. «Захр ал-ҳамоил аш-Шамоил»нинг муаллифи аллома Суютий бўлиб, бу шарҳ Мисрда чоп этилган.

23. «Жамъ ал-васоил» - Мулло Али ал-Қорий Ҳаравий (вафоти 1607 йил) қаламига мансуб, унинг қораламасини Маккан мукаррамада 1599 йилда тутатган. Кўпчиликнинг фикрича, «Аш-Шамоил»га бағишиланган шарҳлардан биронтаси ҳам ундан устун эмас.

24. «Таҳзийб аш-Шамоил»нинг муаллифи аш-Шайх Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳамза Антокий (вафоти 1531 йил) бўлиб<sup>40</sup>, Мулло Али ал-Қорийнинг юқорида зикр этилган шарҳини мухтасар қилиб тузатиб ҳадя тариқасида Кустантаниянинг сultonи Боязидхонга

<sup>40</sup> Фуод Сезкин. Таърих ат-туроқ ал-арабий, 1-жилд, 249-бет; ас-Сомий. Комус ал-Аълом, 7-жилд, 208-бет.

тақдим қылган эди. Унинг бошланиши «алҳамдуиллоҳ алалзий жаъала ҳайот ал-орифийн...»<sup>41</sup>.

25. «Шарҳ аш-Шамоил»нинг муаллифи аллома Исомуддин Иброҳим ибн Мухаммад (ибн Арабшоҳ) Исфараиний (вафоти 1536 йил). Бу шарҳ аралаш бўлиб, «алҳамдуиллоҳ алазий фаззала ал-Мустафо би-акрам аш-Шамоил» ибораси билан бошланади.

26. «Шарҳ аш-шамоил ли-т-Термизий» – Мулло Мухаммад Ҳанафийга мансуб бўлиб, муаллиф ушбу шарҳини 1520 йилда тугатган.

27. «Шарҳ аш-Шамоил ли-т-Термизий»нинг муаллифи Мухаммад Ошиқ ибн Умар Ҳанафий (вафоти 1629 йил) бўлиб, ушбу аллома ўз шарҳида: У «Аш-Шамоил»ни Маҳмуд ал-Малик ибн Шамсиддин номи билан машхур ўз устози аш-Шайх Абдуллоҳ Ансорийдан ривоят қылганлиги ҳақида ёзади. Аш-Шайх Аҳмад Али «Шарҳ аш-Шамоил»нинг ҳошиясига мухтасар битган, унинг бир нусхаси аш-Шайх Шамсу л-Ҳаққ кутубхонасида сақланади.

28. «Аш-Шамоил»нинг туркча таржимасини амалга оширган Исҳоқ Ҳўжа Аҳмад Афанди (вафоти 1708 йил) номи билан машхур бўлган Аҳмад Хайруддин Айдийний.

29. «Аш-Шамоил»нинг туркча назмий ифодасини Мазлум Зода номи билан танилган Мустафо ибн Ҳусайн Ҳалабий бажарган бўлиб, муаллиф бу асарини 1745 йилда тугатган.

30. «Баҳор Ҳулд» Кофий – бу урду тилида битилган гўзал бир назмий асар бўлиб, чоп ҳам этилган.

31. «Ал-Мавоҳибу л-Ладунийя» ало аш-шамоил ал-Муҳаммадийя»нинг муаллифи аллома аш-Шайх Иброҳим (Ибн Мухаммад) Бухорий (вафоти 1847 йил). Бу «Аш-Шамоил»нинг мухтасар тарздаги шарҳи бўлсада, жуда фойдали. Асар 1835 санада Жомеъ ал-Азҳарда

<sup>41</sup> Ҳожи Ҳалифа. Кашф аз-зунун, 2-жилд, 67-бет.

таълиф этилган. Унинг аввали «алҳамдуиллоҳ ал-муставжаб ли-қулли камол ан-нуъут би-қулли таълийм ва жамол» ибораси билан бошланади.

32. «Ал-Кавкабу д-дуррий ало ат-Термизий» номли шарҳнинг муаллифи Рашид Аҳмад Канкухий бўлиб, бу икки жилдан иборат қимматли шарҳ Ҳиндистонда чоп этилган.

33. Олим Мұхаммад Анвар Шоҳ, Кашмирий қаламига мансуб асар «Ал-Аърф аш-шазий ало-л-Жомеъ ат-Термизий» деб аталиб, бу шарҳ ҳам икки жилда Ҳиндистонда чоп этилган<sup>42</sup>.

### Термизийнинг «Илал фи-л-ҳадис» асари

Имом Термизийнинг бизгача етиб келган «Илал фи-л-ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар ёки нуқсонлар») номли мухим асари икки мустақил асардан ташкил топган. Улардан бири «Илал ул-кабир» ёки «Муфрар» номи билан аталган асари бизгача етиб келмаган, деган тахмин бор. Гарчанд аксар тадқиқотчилар ҳам шундай фикрда бўлсалар-да, Имом Термизийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маҳсус рисола ёзган олим Нуриддин Атар (ушбу рисоланинг Байрутда 1988 йилда чоп этилган иккинчи нашрида) Туркияning қимматли қўллэзмаларга бой кутубхоналаридан бирида Термизийнинг «Илал ул-кабир» асарининг ягона қўллэзмасини кўргани ва ундан фотонусха олиб ўз тадқиқотининг ушбу қайта нашрида фойдалангани ҳақида ёзади<sup>43</sup>. Унинг ёзишича, Термизий «Илал ул-кабир»ни таълиф этган пайтда уни бобларга бўлмаган ҳолда ёзган. Аммо кейинчалик бу ажойиб китоб олим Абу ал-Валид ал-Қозий томони-

<sup>42</sup> Муборакфурий. Сийрат, 388-бет; Нуриддин Итр. Имом Термизий, 407-бет.

<sup>43</sup> Имом Термизий, 387-бет, 4-изоҳ.

дан тартибга келтирилиб, бобларга ажратилган ва китоб охирида мустақил бир боб, ҳадис рижжол (ровий) лари ҳақидағи фикр-мулоҳазалар баён этилган.

«Ал-Илал»нинг иккинчиси «Илал ас-сағир» деб аталади. У муаллифнинг бош асари «Жомеъ ус-саҳиҳ»-га бевосита алоқадор бўлганлиги сабабли хотима тариқасида ушбу асарнинг охирида келтирилган. Умуман олганда, арабча «илал» сўзи «иллат»нинг қўплиги бўлиб, ўзбекча касал, бетоб, хаста, ноқис, иллатли, оғиш каби лугавий маъноларни англатади. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, ҳадис илмида илал масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли сабабларга кўра ровийлар томонидан йўл қўйилган заифлик, ноаниқлик, ғалат, хато, саҳву каби янглишлар тадқиқ этилади. Кўпгина муҳаддисларнинг ҳадисларга бу жиҳатдан ҳам катта эътибор бериб, асарлар яратгани бу илмнинг ислом таълимотида ғоятда фойдали ва муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради. Иллатли ҳадислар хусусида Имом Бухорийнинг устози Али ибн Абдуллоҳ Мадийний, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Абу Хотам ва бошқалар асарлар ёзганлар. Мана шу буюк муҳаддислар орасида ҳам Имом Термизийнинг илал тўғрисидаги асарлари ҳадисларнинг сиқаси (тўғрилиги, аниқлиги)ни текширишда муҳим аҳамият касб этади.

Имом Термизийнинг ўзлари «Илал» масаласи хусусида: «Бу (илал) масалада узоқ вақт фикр-мулоҳаза юритдим, бунинг боиси шундаки, биздан шу хусусда сўралганда, олдин ўз нуқтаи назаримизни очиқ-ойдин айтмадик. Сабаби, биздан аввал илал масаласи хусусида сўралган бир қанча уламолар ҳам ўз фикрларини билдиrmаганлар, шунингдек, баъзи муҳаддислар ўрталарида ҳадисда сиқа (ишончли) бўлган ровийларнинг хато, янглиш ва камчиликларини айтиш ғийбат бўлади, деган уламолар ҳам бор эди. Сўнг бир қанча машхур муҳаддислар, хусусан, устоз Имом Бухорий билан бир

нече йиллик мулокотда бўлганимдан кейин ҳамда мазкур фикрга алоқадор ривоятларни эшитгандан кейин илал масаласини ошкора қилишга жазм қилдим. На Ироқда, на Хурсонда илал, тарих ва исноддар соҳасида Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийдан кўра билимдонроқ бирор олимни кўрмадим», деб таъкидлайдилар.

### Илму амали ибратли аллома

Машхур муҳаддис Абу Исо Термизийнинг шахсий ҳаёти ва баркамол ижодининг ҳар томонлама ўрганилиши туфайли буюк бобокалонимизнинг ҳозирги давримиз учун ҳам ўрнак бўладиган кўп ибратомуз фазилатларининг гувоҳи бўламиз. Энг аввало, Термизийнинг ёшлигидан илм-фанга ғоятда чанқоқлиги ва зўр ҳавас билан қизикиши, бу борада ҳар қандай қийинчилкларга ҳам бардош бериб, ўз мақсади, яъни ўз билимини ошириш йўлидаги жидду жаҳди ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Ёзма манбаларда келтирилишича, ҳадисшунослик илми саккизинчи асрнинг иккинчи ярмидан ўн биринчи аср ўрталаригача асосий ва зарурий машғулотлардан бири даражасига айланган. Бу даврда Шарқнинг турли мамлакатларидан бўлган тўрт юздан ортиқ мўаллифлар ана шу илм (ҳадисшунослик) билан шуғулланганлар.

Маълумки, ўз билимини ошириш борасида Термизий кўпгина хорижий мамлакатларни зиёрат қилган. Элма-эл кезиб, чўлу биёбонлар ошиб ровийлардан эшитган ҳадисларини йиғиш билан шуғулланган. Уларни тартибли равищда ёзиб қайд қилиш билан бирга ушбу ҳадисларни қанчалик даражада сахих, ҳасан ёки заиф, мавзу соxта, ўйлаб чиқарилган эканлигини

қайта-қайта текширган, илмий равища чукур тадқиқ этган. Алломанинг шогирдлари орасида турли миллат вакиллари ҳам кўп бўлган.

Ёши қирқдан ошган ва турли мамлакатлар олимларидан таълим олган Термизий ҳам Имом Бухорий машхур бўлган пайтда етук олим даражасида танилган. Иккала олим ўртасида 863–868 йиллар ораларида Нишопурда қўпдан-кўп самарали илмий мунозаралар, самимий дўстона учрашувлар бўлган<sup>44</sup>. Термизий ўз асарлари учун кўпгина фойдали маълумотларни Бухорий билан бўлган учрашувларида олганлигини ёзади<sup>45</sup>.

Абу Исо Термизий асарлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Унинг «Жомеъ ус-саҳих», «Аш-Шамоил ун-набавийя» каби асарларида келтирилган ҳадиси шарифлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, инсонларни ҳалол, адолатли, имон-эътиқодли, диёнатли, покиза, меҳнатсевар, муруватли, раҳмашафқатли, ота-она, аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга чорлайди.

Бу ибратли панд-насиҳатлар ва ўғитлар халқимизни, жамиятимиз аҳлини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Термизийнинг асарлари фақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб қолмасдан, балки дунёвий илмларга оид маълумотларга ҳам бойдир. Масалан, унинг бош асари «Жомеъ ус-саҳих»да тарих, мантиқ, ҳукуқшунослик, табобат, зироатга оид кўплаб қимматли маълумотларни учратамиз. Араб тилини ривожлантиришда Термизийнинг хизматлари катталигини ҳам замонавий олимлар қайта-қайта таъкидлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, буюк бобокалонимизнинг шахсий ҳаёти ва унинг бой илмий-маънавий меросини

<sup>44</sup> Ибн Халликон. Вафойот ал-аъйон, 3-жилд, 407-бет.

<sup>45</sup> Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало, 12-жилд, 404-бет.



чукур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

### Абу Исо Мұхаммад Термизий меросидан намуналар

Отанинг ўз фарзандига берган тарбияси катта миқдор пул садақа қилганидан кўра ҳам авлороқдир.

Ўз дўстига содик одам Аллоҳ таоло наздида энг яхши инсондир; ўз қўшнисига яқин бўлган қўшни Аллоҳга ҳам яқин саналади.

Одамларга ташаккур айтмаган киши Аллоҳ таолога ҳам шукrona келтирмайди.

Ҳақиқий садақа фақир-бечораларга қилинган садақадир. Раҳмдил киши учун садақа икки нарсадир: ҳам садақа, ҳам ҳадя.

Садақа ҳам Парвардигорнинг ғазабини сўндиради, ҳам майитдан ёмонликни даф қиласади.

Ҳаётда дастлаб туртинганингдаёқ сабрли бўл.

Дунёдан ўтган кишиларнинг яхши фазилатларини эслаб, ёмонликлари ҳақида оғиз очмангиз.

Мұхаммад алайҳиссалом деганлар: «Мен илгари сизларга қабрларни зиёрат қилишни ман этган эдим. Энди эса менга волидамнинг қабрини зиёрат қилиш изн этилди. Бинобарин, сиз ҳам қабрларни зиёрат қилингиз, чунки улар охиратни эсингизга солади».

Пайғамбаримиз алайҳиссалом деганлар: «Агар биронтангиз намозхонларга имомликка ўтмоқчи бўлсангиз, унинг енгилроқ бўлишига интилинг. Чунончи намозхонлар орасида ёш болалар, ёши улғайган қариялар ва соғлиги заифлари ҳам бўлади. Агар улардан кимдир ёлғиз ўзи намоз ўқиса, истаганича ўқийверсин».

Абу Шуайб деган бир шахс ўз хизматкорига: «Беш кишига яраша овқат тайёрла, мен пайғамбар



алайхиссаломнинг юзларидан оч бўлганларини сездим», – деган. Овқат тайёр бўлгач, одам юбориб, пайғамбар алайхиссалом ва унинг ёнида бўлган шерикларини уйига таклиф қиласди. Улар ушбу хонадонга келаётгандарида таклиф пайтида ҳозир бўлмаган киши ҳам уларга эргашиб келаверади. Қачонки жамоа хонадон эшигига яқинлашганда, пайғамбар алайхиссалом уй эгасига: «Биз билан бирга сен чақирмаган бир кимса ҳам келаётир, лекин агар сен рухсат қилсанг, у ҳам киради», – дедилар. Хонадон сохиби: «Биз рухсат қилдик, майли, у ҳам кирақолсин», – деди.

Кимки ташландиқ ерни обод қилса, бу ер ўшанини бўлади. Бу ерда золим кишининг (ҳатто) тер тўкишга ҳам ҳаққи йўқ.

Мўмин бандалардан кимки кўчат ўтқазса ёки зироат экса, ундан инсон ёки қуш ёки ҳайвонлар баҳраманд бўлса, у банда учун бир садақа ҳамдир.

Бир кишилик таом икки кишига ҳам етади, икки кишилик таом тўрт кишига, тўрт кишилик таом саккиз кишига ҳам етади.

Ота рози – худо рози. Отанг ғазабга келса, худо ҳам ғазабга келади.

Учта дуо шак-шубҳасиз мустажобдир: жабрланган мазлум кишининг дуоси, мусоғир кишининг дуоси, отанинг ўз фарзандига ризо ёки норизо бўлиб қилган дуоси.

Пайғамбар алайхиссалом ўз яқинларидан бири Амажж Абул Қайсга шундай деганлар: «Сенда Аллоҳ таоло суйган икки фазилат бор: мурувват ва вазминлик».

Бир сахрои араб пайғамбар алайхиссаломдан: «Одамларнинг энг яхшиси ким?», деб сўраганида, у зот «Узоқ умр кўриб, ҳар доим яхшилик қилган киши», – деб жавоб қилганлар.

Үзингдан юқори турғанларга эмас, ўзингдан пастда бўлғанларга қара, чунки бу сени Аллоҳнинг неъмати ёғилишини менсимаслиқдан асрайди.

Абу Хурайра гувоҳлик беришларича, пайғамбар алайҳиссалом деганлар: «Оёқ кийимини кийсангиз ўнг оёқдан бошлаб кийинг, агар ечмоқчи бўлсангиз, чап оёқдан бошлаб ечинг».

Ибн Аббос айтишларича, пайғамбар алайҳиссалом узлуксиз бир неча оқшомларни оч ўтказардилар. Кўпинча ўзлари каби аҳли оиласлари ҳам кечки овқатни емасдилар. Аксар истеъмол қилган нонлари арпа унидан бўларди.

«Икки (буюк) неъмат борки, (афсуски) кўп одамлар уларга бепарво бўладилар: сиҳат-саломатлик ва бўш вақт».

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Абул Фазл Мухаммад ибн Тохир Муқаддасий. Шурут ал-айммат ас-ситта. – Қоҳира: Мактабат Отиф.
3. Абдулкарим Самъоний. Ал-Ансоб. – Лондон, 1912.
4. Абу Исо Термизий. Аш-Шамоил ан-Набавийя. – Тошкент: Чўлпон, 1993.
5. Абу Исо Мұхаммад Термизий. Аш-Шамоили Мұхаммадийя. – Тошкент: Шарқ, 2015.
6. Абу Исо Мұхаммад Термизий. Сунани Термизий (1-жилд). – Тошкент, 1997.
7. Ал-Хатиб Бағдодий. Тарих Бағдод. – Қоҳира: Матбаят ас-саъодат.
8. Ал-Қозий Ийод ибн Мусо. Тартийб ал-мудорик фи табақот асҳоб ал-Имом ал-Молик. – Байрут: Дор мактабат ал-ҳаёт.

9. Ал-Ҳоким Найсобурий. Ал-мадхал ила маърифат китоб Ал-Иклийл. – Сурия, Ҳалаб.
10. Жалолиддин Суютий. Танвийр ал-ҳаволик шарҳ Муватто Молик. – Сурия, Ҳалаб.
11. Жамолиддин Абулҳажжож Юсуф Миззий. Таҳзийб ал-камол фи асмои ар-рижол. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1407 ҳижрий сана.
12. Ибн ал-Асир. Жомеъ ал-усул мин аҳадийс ар-Расул. – Дамашқ: Мактабат дор ал-баён.
13. Ибн Касийр. Ал-Бидоя ван-ниҳоя. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
14. Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзийб ат-таҳзийб. – Байрут: Дор ас-садр (иили кўрсатилмаган).
15. Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳ ал-Борий би шарҳ Саҳиҳ Бухорий. – Қоҳира: Мактабат ас-салафийя.
16. Ибн Халликон. Вафоёт ал-аъён. – Қоҳира, 1367 ҳижрий сана.
17. Иброҳим Бажурий. Ал-Мавоҳиб ал-ладунийя ҳошият алаш-Шамоил ат-Термизий. – Миср.
18. Ийод Холид ат-Таббаъ. Ал-Имом ат-Термизий. – Дамашқ: Дор ал-қалам, 2001.
19. Ислам (энциклопедический словарь). – Москва: Наука, 1991.
20. Комил Авайда. Абу Ийсо ат-Термизий. – Дамашқ, 1998.
21. Молик ибн Анас. Ал-Муватто. – Қоҳира, 1348 ҳижрий сана.
22. Муҳаммад Анваршоҳ Кашибирий. Ал-Арф шазий ала Жомеъ ат-Термизий. – Девбанд: Ал-Мактабат ар-раҳиимиия, 1338 ҳижрий сана.
23. Муҳаммад Сиддийқ Ҳасанхон. Ал-Ҳитта би зикри ас-Сиҳоҳ ас-ситта. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
24. Нуриддин Итр. Ал-Имом ат-Термизий вал мувозанат байна Жомеъихи ва байна ас-Саҳиҳайн. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1988.

25. Тақиуддин Исъардий. Фазоил ал-китоб ал-Жомеъ ли Абу Исо ат-Термизий. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1409 ҳижрий сана.
26. Термизлик алломалар асарларининг кўлёзмалари каталоги. – Тошкент, 2015.
27. Хайруддин Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дор ал-имл лил малойийин, 1979.
28. Шайх Абдуссалом Муборакфурий. Сийрат ёл-Имом Бухорий. – Ҳиндистон: Ал-Жомеъат ас-салафийя, 1407 ҳижрий сана.
29. Шамсуддин Заҳабий. Тазкират ал-хуффоз. – Ҳиндистон.
30. Шамсуддин Заҳабий. Мезон ал-эътидол фи нақд ар-рижол. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1965.
31. Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассасат ар-рисола.
32. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Истанбул, 1941.



## **ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ**

### **СҮЗБОШИ**

Мовароуннахрлик алломалар ўз илмий изланишлари натижасида юзага келган асарлари билан жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшганлар. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: «Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғуурор ва ифтихор бағишлайди»<sup>46</sup>, деган эдилар.

Ўрта асрларда юртимизда жаҳон илм-фани, хусусан, ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган кўплаб олиму фозил аждодларимиз яшаб, ўз даврининг барча илм соҳаларида самарали ижод қилганлар. Китобхонларимиз диққатига тақдим этилаётган мазкур рисолада ислом илмларининг бир неча соҳалари ривожига бекиёс ҳисса қўшган мовароуннахрлик аллома – Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий мероси таҳлил қилинган.

Ҳадис илмининг «олтин асли»да фаолият юритган Имом Дорими, Имом Бухорий, Имом Термизий каби муҳаддислар билан деярли замондош бўлган Ҳаким Термизий ўз фаолиятида Пайғамбар (а.с.) суннатлари-

<sup>46</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.30.

ни тартибга келтириш, ҳадис илми атамаларини белгилаш билан шугулланган, энг мұхими, «саҳих» ҳадисларни ўзида жамлаган қимматли асарларини яратған ушбу машхур мұхаддислардан фарқлы равища ҳадисларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг асл мағзига етиш, ҳикматини англаш ва уни инсон ҳәётига татбиқ қилиш борасидаги йўриқларга бой сермаҳсул ижоди билан ўзига хос ўрин туттган.

Аллома меросининг аҳамияти шунда намоён бўладики, у турли диний фирмалар, гурӯҳ ва оқимларнинг ўз соҳта даъволари билан ҳалқни тўғри йўлдан оғдиришга қилаётган ҳаракатлари авжига чиққан бир даврда яшаб, ўзининг мустақил ва илмий асосланган фикрлари билан уларга муносиб раддиялар бера олган, одамларни залолатга кириб қолишларидан сақлаб қолган. Айниқса, турли тоифадаги ўзини «зухд пешволари» қилиб кўрсатувчи соҳта шайхларга қаратилган раддиялари бугунги кун учун ҳам ўз долзарблитини йўқотмаган. Зоро, глобаллашув шароитида турли соҳта тариқатлар замонавий услуб ва воситалар ёрдамида ўз таълимотларини омма онгига сингдиришга тиш-тирноғи билан ҳаракат қилиб ётган бир вақтда, юртимиздан чиққан алломанинг илмий асосланган, асрлар зарбасига бардош берган ноёб асарлари бундай тоифалар учун ҳар замон ва ҳар маконда муносиб жавоб бўлиб қолади.

## АЛЛОМАНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Термиз кўплаб буюк алломаларни вояга етказган. Улар «ат-Термизий» нисбаси билан ўз ватанлари шаънини юксакка кўтарғанлар. Ана шундай ат-Термизий нисбаси билан танилган термизлик алломаларнинг пешқадами – Ҳаким Термизийдир. У сермаҳсул ижод қилиб, ўзининг кўплаб мұхим асарлари билан асрлар

оша ўзидан кейинги олимлар ижодига таъсир этди. Алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий учинчи – милодий тўққизинчи асрда яшаган. Унинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар етиб келмаган, вафотининг санаси эса турли манбаларда турлича келтирилади. Масалан, Ҳожи Халифа «Кашф уз-зунун» асарида алломанинг вафот санасини 255/869 йил деб келтирса, Тожуддин Субкий эса 285/898 йил унинг Нишопурда ҳадис ривоят қилганини қайд этади. Ибн Ҳажар Асқалоний эса ўзининг «Лисон ал-мизон» асарида зикр қилишича, 318/930 йил Анбарий исмли олим Ҳаким Термизий билан унинг «Наводир ул-усул фи аходис ир-расул» ва «ал-Фуруқ» асарлари ҳақида сўзлашган. Машҳур немис олими К.Броккелман эса аллома 285/898 йили Термиз шахридан чиқариб юборилганидан кейин Нишопурга борган ва 320/932 йилда вафот этган, деб ёzáди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, алломанинг таваллуд ва вафот саналари ҳақида якдил бир фикр йўқ. Термизда ҳозиргача сақланиб қолган, XV асрнинг биринчи чорагида темурий шаҳзодалар томонидан Ҳаким Термизий қабри устига ўрнатилган мармар сағанага қўйидаги сатрлар битилган:

«Аллоҳ Субҳонаҳу таолонинг номи билан. Бу Шайх, Имом, Ориф, Валий Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али Ҳаким Термизий раҳимаҳуллоҳнинг қабридир. Ул киши улуғларнинг улуғи, шайхлар пешвоси, сўзлари сара, китоблари машҳур, санадлари олий бўлган. «Ал-Жомеъ ус-саҳиҳ» китобининг муаллифи Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорийнинг бальзи устоzlари сабоқларидан баҳраманд бўлган. Ҳанафий мазҳабидаги фақиҳлардан фиқҳ илмини ўрганганд. Раҳматлик икки юз эллик бешинчи йил (мил. 869 й.) вафот этган».

Ҳаким Термизийнинг сағанасидаги келтирилган вафот санасини тўғри дейиш қийин, чунки алломанинг ўз руҳий кечинмалари ҳақида ёзган автобиографик

асари «Бадъ уш-шаън»да қуидаги маълумотлар бор: «Кейин яна икки ё уч йилдан сўнг зулқаъда ойининг охиридан ўн кун қолганда шанба кунининг энди зухур этаётган пайти 269 йилда (мил. 883) у (Термизий ўз аёлини назарда тутади. И.У.) туш кўрдии».

Мисрлик термизийшунос олим Абдулфаттоҳ Барака мавжуд маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, аллома тахминан 210/826 йилдан илгари туғилган, деган тахминни келтиради. У ўз тахминини қуидагича изоҳлайди: «Ҳаким Термизий 27 ёшдан ошгандан сўнгтина сулук йўлига кирган. Бу ҳакда алломанинг ўзи «Бадъ уш-шаън» асарида маълум қиласди. Ҳаким Термизий машҳур суфийлар Аҳмад ибн Хазравайҳ, Абу Туроб Нахшабийлар билан таниш бўлган. Бу танишув алломанинг 27 ёшидан сўнг содир бўлган. Агар Аҳмад ибн Хазравайҳ 240/855 йилда вафот этганини инобатга олиб, мазкур санадан Ҳаким Термизийнинг 27 ёшини айриб ташласак ҳамда бу танишлиқ бир неча йил давом этганини эътиборга олинса, у ҳолда аллома ҳижрий 210 йилдан олдин дунёга келган». Немис олимни Бернд Радтке ҳам алломанинг 220/835 йилдан илгари туғилгани ҳақиқатга яқин, лекин 210/825 йилдан илгари туғилган бўлиши эҳтимоли ҳам бор, дейди.

Ҳаким Термизийнинг вафот этган йили эса кўриб чиққанимиздек ихтилофли, ҳижрий 255 йилдан 320 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Агар Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг «Лисон ул-мизон» асарида зикр қилганидек, 318/930 йилда Анбарий Ҳаким Термизий билан сўзлашганини эътиборга оладиган бўлсак, демак, унинг вафоти ушбу санадан кейин содир бўлган. Демак, тадқиқотлар хulosаларига кўра, Ҳаким Термизий 205/820 ва 320/932 йиллар ўртасида яшаган. Чунончи, Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ал-авлиё» асаридаги «Ҳаким Термизий 115 йил умр кўрган», деган фикри бизнинг хulosамизни яна бир бор тасдиқлайди. Зоро, Ҳаким Термизий узоқ умр кўрганини бир қанча



манбалар қайд этиб ўтади. Масалан, Заҳабий «Тазкират ул-хуффоз» асарида Ҳаким Термизий 80 йил, Ибн Ҳажар «Лисон ул-мизон» асарида эса 90 йил умр кўрганини зикр қилган.

Ҳаким Термизийнинг отаси – Али ибн Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машҳур бўлган. У ўз фарзанди учун нафақат меҳрибон ва ғамхўр ота, балки унга нисбатан таблочан мураббий ва маърифатли устоз мақомида ҳам бўлган. Бу хусусда Ҳаким Термизий ўз китобларидан бирида шундай ҳикоя қиласди:

– Аллоҳ таоло менинг устозим – волидимдан жудо қилганда мен саккиз ёшда эдим. У мени илм олишга ундар, ўзи ўргатар ва мени тарғиб қиласди, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ишга қаттиқ бел боғлаган эди. Унинг саъй-ҳаракатлари боис мен илм олиш мен учун одатга айланиб, болалигимдаги ўйин-кулги ва вақтихушликнинг ўрнини эгаллади. Болалик ҷоғларимдаёқ устозим менга ҳадис ва фикҳ илмларидан сабоқ берди...

Хатиб Бағдодий «Тарихи Бағдод» («Бағдод тарихи») асарида ёзишича, Термизийнинг отаси мусулмон оламининг энг йирик марказларидан саналган Бағдод шахрида бўлиб, ўша даврнинг машҳур олиму фузалолари билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича қизғин баҳс ва мунозараларда иштирок этган. Ҳаким Термизий ўз асарларида ёзишича, унинг онаси ва боғоси ҳам ўз даврида ҳадис илмининг етук билимдонларидан бўлган. Бу маълумотлардан шундай хulosа қилиш мумкинки, Ҳаким Термизий илм-маърифат юксак қадрланадиган, зиёли бир хонадонда дунёга келиб, мана шу илмий-маънавий муҳитда ўсиб-улғайган. Охир-оқибатда мазкур омиллар таъсирида унинг маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб, камолга этган.

Отаси вафотидан кейин Ҳаким Термизий ўз шахридаги етук олимлардан асосан тафсир, ҳадис ва фикҳ

иимларидан сабоқ олади. Термизлик мұхаддислар Абу Мұхаммад Солиҳ ибн Мұхаммад ибн Наср Термизий, Солиҳ ибн Абдуллоҳ Термизийдан эса ёш Ҳаким Термизий ҳадис илмини ўрганган.

Фариуддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асарида Ҳаким Термизий ҳақида бир ривоят келтиради: «Ёши йигирма еттига етган Ҳаким Термизий бутун Шарқда илму-маърифатнинг энг йирик марказларидан саналған Бағдод томон йўлга чиққанда, онаси бетоблиги туфайли илмий сафаридан воз кечиб, уни парвариш қиласди. Шу сабабли волидасининг дуоси баракотидан бундай улуғ мартабаларга эришган экан».

Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақидаги маълумотлар асосан қуйидаги манбаларда келтирилган:

1. Калободий (990–994), «Таъарруф» асарида;
2. Суламий (ваф. 1021 й.), «Табақот ус-суфийя»;
3. Абу Нуайм Исфаҳоний (ваф. 1038 й.), «Ҳилят ул-авлиё»;
4. Күшайрий (ваф. 1074 й.), «Рисола»;
5. Ҳужвирий (ваф. 1073–77 й.), «Кашф ул-махжуб»;
6. Ансорий (ваф. 1089 й.), «Табақот»;
7. Ибн Жавзия (ваф. 1200 й.), «Сифа»;
8. Аттор (ваф. 1220 й.), «Тазкират ул-авлиё»;
9. Мұхаммад ибн Аҳмад Заҳабий (ваф. 1348 й.), «Сияр ул-аълом ин-нубало»;
10. Тожуддин Субкий (ваф. 1370 й.), «Табақот уш-шофеийяти л-кубр»;
11. Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 1449 й.), «Лисон ул-мизон»;
12. Абдураҳмон Жомий (ваф. 1492 й.), «Нафаҳот ул-үнс»;
13. Ша‘роний (ваф. 1565 й.), «Табақот»;
14. Алишер Навоий (1441–1501), «Насоим ул-муҳаббат».
15. Абу Бакр Дарбандий (ваф. XII аср), «Райхон ул-ҳақоиқ».



Ҳаким Термизийнинг мақбараси мўътабар зиёратгоҳ сифатида XIV аср адабиётида, аникроғи, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида қайд этилган. Бу маълумотлар Амир Темурнинг бир неча бор мақбара га зиёратга келгани билан боғлиқ. Бундан кейинги давр адабиётларида мақбара зиёратгоҳ сифатида кўп зикр этилади. Жумладан, балхлик машҳур қомусий олим Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) «Баҳр ул-асрор» асарида Ҳаким Термизий ва унинг шогирди ҳисобланган Абу Бакр Варроқнинг мақбараларини эҳтиром билан тилга олади.

Ҳаким Термизий яшаган муҳит сиёсий жиҳатдан нотинч бўлган. Тинимсиз урушлар, ҳокимият учун курашлар юртда нотинчлик ва бекарорлик ҳолатини пайдо қилган. Хуросон, Мовароуннаҳр бир-бири билан баъзи мъасалаларда ихтилофли бўлган турли мазҳаблар, хилма-хил ақидавий қарашлар тўқнашув майдонига айланган эди. Бу муҳит Ҳаким Термизийнинг «Бадъ уш-шаън» автобиографик асарида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, муаллиф шундай ёзади: «Юртда фитна ва ғалаён кўтарилиди. Менга ҳам азоб берган, бўхтон қилганлар юртдан қочиб кетдилар. Балоларга гирифтор бўлдилар, ғурбатда қолдилар, юрт улардан холи бўлди». Ҳаким Термизийнинг ёзган асарларини нотўғри талқин қилиб, унга бўхтонлар уюштирилиши оқибатида Балх волийси уни ўз хузурига чақиртиради. Волий Ҳаким Термизий билан сухбатлашиб, унинг тўғри йўлда эканига қаноат ҳосил қилгач, маълум муддат одамлар орасида «Аллоҳга муҳабbat» ҳақидаги фикрларини тарқатмасликни тайинлайди ва қўйиб юборади. Ҳаким Термизий Балхга бир неча бор кетишга мажбур бўлади.

Фиқҳий нуқтаи назардан минтақада ҳанафий мазҳаби кенг тарқалган эди. Ҳаким Термизий ҳам ҳанафий мазҳабида бўлган. Бу ҳақда Абулҳасан Жуллабий Али Ҳужвирий ўзининг «Кашф ул-маҳкуб» асарида: «Ҳаким фиқҳни Абу Ҳанифанинг хос асҳобларидан



бирининг қўлида ўрганди», – деб ёзади. Ибн Арабий (1165–1240) ҳам ўзининг «ал-Футухот ул-Маккийя» асарида Термизийнинг ҳанафий мазҳабида эканлигини зикр қилиб, Хўжвирийнинг ушбу маълумотини тасдиqlайди. Ҳаким Термизийнинг ҳанафий мазҳабида бўлганини унинг «Баён ул-фарқ» асарида имон ҳақида келтирган кўйидаги фикрлари ҳам тасдиqlайди. Чунончи у шундай ёзади: «Имон жумхур уламолар наздида ва шариатга кўра Ҳакни тасдиқ этиш, қалб билан қабул қилиш ва тил билан тасдиқлашдир. Имон қўёш ўзгармагани каби ноқис бўлмайди (камаймайди), лекин худди қўёш нурининг тафти ҳавода булат, туман, қаттиқ совуқ турганда камроқ бўлгани каби имон нурининг тафти ҳам баъзи сабабларга кўра камаяди». Ушбу қарашлар Абу Ҳанифанинг «Фиқҳ ул-акбар» асаридаги энг асосий мавзулардан ҳисобланган имон ҳақидағи бандига тўлиқ мувофиқ келади.

Аммо шунга қарамай, шофеий мазҳаби уламоси Тожуддин Субкий (ваф. 1370 й.) ўзининг «Табақот уш-шофейяти л-кубр» асарида Ҳаким Термизийни шофеий уламолар сирасида зикр этади. Бизнингча, бунга сабаб, тарихчи Муҳаммад Муқаддасий келтирган маълумотларига кўра, минтақада шофеий мазҳаби вакиллари Шош, Ийлон, Тус, Нисо, Абиверд, Тароз, Жанфарах, Бухоро атрофларида, Санж, Домғон, Исфара, Жубон ва Нишопурда истиқомат қилган. Бинобарин, минтақада иккала мазҳаб ўртасида кечган мунозаралар ҳақида манбаларда маълумотлар учрайди. Мана шундай муҳитда яшаган аллома иккала мазҳабни ҳам мукаммал ўзлаштирган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Минтақада адашган оқимлар, жумладан, карромий, солимий, жаҳмий ва муржи'йилар ҳам фаолият олиб борганлар. Ҳаким Термизий ушбу оқим ва йўналишлар таълимотларига ўз асарларида раддиялар берган. Мисол учун, Ҳаким Термизийнинг «тарқ ул-макосиб» (касб-хунар билан шуғулланмаслик)ка қарши

карашлари минтақада күплаб тарафдорларига эга карромийлар ҳаракатининг бу борадаги фикрларига зид келади. Карромийлар амалиётда тиланчилик қилиб күн кечиришни тарғиб қилар эдилар. Ҳаким Термизий эса бу ҳолатни танқид қилади. У касб мавзусига ўзининг «Баён ул-касб» номли түлиқ бир рисоласини бағишилаган. Ундаги фикрлар ўз издошлиарини *таҳрим* ул-макосиб (касб-хұнар билан шугулланмаслик)га амал қилишга чақырган Ибн Карромга қарши қаратылган. Шунингдек, Ҳаким Термизий ўзини «зоҳид» деб ҳисобловчи илмсиз, жоҳил одамларни танқид қилиб шундай дейди: «Улар: «Роббимизга таваккул қилдик, ризқ талаб қилиш үнга шак келтиришdir», – деб, касб, саъй-харакат билан ризқ топишни рад этиб, ўтириб олдилар. Одамларнинг эшиклари остида тама қилиб юрдилар. Улар ўз ҳаракатларыда Аллоҳ таолони алдамоқчи бўладилар».

Ҳаким Термизий карромийларнинг тағзил ул-авлиё *ала-л-анбиё* (авлиёларни анбиёлардан устун кўйиш) гоясига ҳам кескин қарши чиқади. Ҳаким Термизий савол-жавоб тарзида таълиф этган «Сират ул-авлиё» асаридаги жавоблари ҳам унинг «тағзил ул-авлиё *ала-л-анбиё*» гоясидан йироқ бўлганини тасдиқлайди: «Сўрадилар (қола қо’ил): Набийлардан бўлмаган кимса улардан афзал бўлиши мумкинми? Дедим: Аллоҳ сақласин (*Ма’оз Аллоҳ*), набийнинг рисолати ва мақоми туфайли ҳеч бир кимса набийдан афзал бўла олмас».

Шулардан хулоса қилиш мумкинки, Ҳаким Термизий турли ноанъанавий диний оқимларнинг қарашларига ўзининг танқидий фикрларини асарларида билдириб ўтган. Гарчи аллома уларнинг номини зикр қилиб тўғридан-тўғри қарши чиқмаса-да, лекин уларнинг асосий ғояларига қарши эканини намоён қилган.

Аллома ўзи яшаган мухитда муайян асарлари ва қарашлари туфайли турли тазиيқ ва тўсиқларга дучор бўлган. Унинг «Сийрат ал-авлиё» ва «Илал уш-шария»

асарлари нотүгри тушунилиши оқибатида асоссиз ра-вишда «*валийларни набийлардан устун қўйиш*»дек жуда катта ноўрин айлов билан расмий доираларнинг қар-шилигига учраган. Аммо фурсат ўтиб, уни ноҳақ айблаганларнинг ўзлари тазиикларга учраган. Унинг бегуноҳ экани аниқлангач, Термизда яна илмий фаолиятини давом эттиради.

Ҳаким Термизийнинг асарларида илмсиз сохта зоҳидлар адашган оқимлар билан бир қаторда танқид қилинади: «Бир тоифа илмсиз кимсалар зоҳидликни дъяво қилиб чиқиб, жоҳилликларидан турли бидъатларни ўйлаб чиқардилар. Улар «зухд» деганда дунёвий нарсалардан буткул юз ўгириш, дунё аҳлидан узлатда бўлиш деб тушундилар. Яқинлари билан алоқаларни уздилар, одамлардан узоқлашдилар, (жамиятдаги) бурчларини поймол қилдилар, бойларнинг юзларига нафрат билан қарадилар. Ўзларининг қалбларидағи бойлик ҳирси эса мисоли баланд тоғдир. Билмайдиларки, зухднинг асли – нафс ва қалбдаги шаҳватларни ўлдириш. Улар эса тана аъзолари билан баъзи нарсалардан тийилиб, «зоҳидликни мукаммал адо этдим», деб ҳисобладилар. Жаҳолатлари шу даражадаки, ризқи кенглиги, мол-мулки бисёрлиги билан танилган имомларга таъна тошларини отдилар, ҳатто баъзи набийларни ҳам айбладилар». Ёки яна бир жойда: «Улар ўзлари зоҳидлик нима эканлигини билмасдан, зухд – дунёни ҳақорат қилиш, қолдиқларни ейиш, жун кийиш, бойларни қоралаш, фақирларни мадҳ этиш, деб тушундилар. Аслида эса зухд – имотат ун-нафс (нафсни ўлдириш)дир», – дейди.

Аллома сулукда юриб, лекин ҳали юқори манзилларга эришмасдан нафсига берилиб кетиб, ўзини «шайх», «авлиё» деб эълон қилган, натижада ўз нуқсонлари билан кетидан эргашган одамларни ҳам тўтри йўлдан адаштирган сохта авлиё ва шайхларни фош қилиш учун 157та савол тузиб чиқади. Ушбу савол-

ларга жавоб бера олмаганларни ҳали керакли даражада мақом-манзилларга етишмаган кишилар сифатида баҳолайди. Жумладан, Ҳаким Термизий ёзади: «Агар сен ушбу зикр этилган саволларга жавоб бера олмасанг, бу эшикка кириб, покиза сувни булғаб нима қиласан? Валийларнинг сўзларини ҳарфлаб тўплаб, сўнгра уларга бошқа нарсалар аралаштириб ҳикоялар тўкиш, кейин эса ушбу ҳикояларни қавм олдида сўзлаб, уларнинг олдида ўзини кўрсатиш, кишиларни тўғри йўлдан чалғитиши, сулукларидан оғдириш – нақадар улкан жиноят!». Ушбу саволлардан намуналар келтириб ўтамиз: «Баъзи ғабиблиарнинг баъзиларидан фазиллари нимада? Авлиёларничи? Одам (а.с.) нимаси билан фариштадардан устунроқ бўлдики, унга сажда қилишга буюрилдилар? Аллоҳ таоло Одам (а.с.)га нечта ахлоқ ато этди? Мұхаммад (с.а.в.)га нечта хулиқ берилди? Пайғамбарлик қисмлари нечта? Сиддиқлик неча қисмдан иборат? Ғабиблиарнинг сакинати нимадир? Валийларнинг сакинати нимадир? Аллоҳнинг қандай исми хос бандаларига маълум, бошқаларга мажхул? У қайси исмеки, ундан барча исмлар чиқарилган? Сулаймон (а.с.)нинг соҳиби қандай қилиб (исми аъзам билдирилган) бу мақомга эришдики, ҳатто Сулаймон пайғамбарга ҳам пинҳон эди? Ҳадисдаги «Аллоҳ таоло Одам (а.с.)ни ўз суратида яратди» дейилгани нимадир? Ҳадисдаги «Аҳли байтим умматим учун омонлиkdir» дейилгани қандай тушунилади?»

Машхур сүфий Ибн Арабий мана шу 157 саволга иккى асарида жавоб берган: биринчиси – ушбу саволлар учун маҳсус таълиф этган қисқа рисоласида «Жавоб ул-мустаким амма саъала анҳу Термизий Ҳаким» («Ҳаким Термизий сўраган саволларга тўғри жавоблар»), иккинчиси – жуда муфассал тарзда «Футуҳот ул-Маккийя» асарида.

Ҳаким Термизий сулукда ҳаким бўлган. Яъни, ма-салаларнинг ички моҳиятига эътибор қаратиши ҳамда

хар бир ишда илохий ҳикмат излаши билан кўпчилик зоҳид ва суфийлардан фарқланиб турган. Ҳаким Термизийнинг 200 дан ошиқ рисолалари муайян масала бўйича мурожаат қилингандек саволларга жавоб тариқасида ёзилгани, минтақанинг баъзи машҳур суфий шайхлари ҳам ундан маслаҳат сўраб ёзган мактублари алломанинг ўзи яшаган мухитида жуда эътиборли шахс бўлганини тасдиқлайди. Ҳаким Термизий ўзи яшаган мухитидаги зоҳид ва суфийлар орасида ҳакам, маслаҳат учун мурожаат этиладиган донишманд ёки устоз мавқеида эди, десак, муболага бўлмайди.

### ТЕРМИЗИЙНИНГ «ҲАКИМ» НОМИ ХУСУСИДА

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Термизий табақот, тазкира жанрларида тарожим китобларида турли «лақаб»лар билан келтирилганига гувоҳ бўламиз: *муҳадис, ориф, зоҳид, ҳофиз, муаззин, ҳаким* ва бошقا. «Ҳаким» номи булар ичида энг кўп қўлланадигани бўлиб, ҳатто бу ном алломанинг исми, деб ҳам тушунадилар. Аслида «ҳаким» номи ислом тарихида камроқ учрайдиган «лақаб» бўлиб, Муҳаммад ибн Али Термизийга чуқур маърифати, зеҳний қудрати, ноёб иқтидори, ўз асарларида ҳар бир нарсанинг асл ҳикматини кашф этишга интилгани учун берилганди. Шу билан бирга X–XI асрларда Хурросон ва Мовароуннахрдаги мутасавифларнинг «юқори даражали» ҳисобланган тоифаси «суфий» деб эмас, «ҳаким» деб аталганлар. Ҳаким Термизий ҳам айнан шундай ҳаким суфийлардан эди.

Бу даврда «ҳикма» нимани англатгани, шунингдек, «ҳаким» ким эканини аниқлаб олишда Ҳаким Термизийнинг «ҳикма» ҳақидаги қараашлари мухим ўрин тутади. Мовароуннахр ва Хурросон суфийлари Ҳаким Термизий яшаган даврда «обид», «зоҳид», «воиз» ҳамда «ҳаким» деб аталганлар. Албаттa, бу тоифалар ўртасида

маълум даражада фарқлар бор. Ҳаким Термизийнинг ҳам ушбу лақабга сазовор бўлиши бежиз эмас. Унинг асарларида «ҳаким» ва «ҳикма» мавзуси жуда муфасал таҳлил қилинади. «Суфий», «тасаввуф» ва «мутасаввиф» истилоҳлари унинг асарларида учрамайди. Устига устак, Ҳаким Термизий «пўстак кийганлар»ни зикр этади, бироқ уларни «суфий» деб атамайди.

Ҳаким Термизий «Наводир ул-усул» асарида «Қоқилмасдан киши ҳалим бўлмаганидек, тажрибасиз ҳам ҳаким бўлмайди», – деган ҳадисни шарҳлаб шундай ёзади: «Ҳикма – бу Аллоҳнинг нури, агар у бандага ато этилса, унинг қалбида ҳикмат сарчашмалари очилади, ҳикма унинг қалбига ўрнашади, у билинмай тўпланиб боради, агар у тажриба билан эгалланмаса, нафс ҳикмани кўтара олмайди. Чунки нафс шаҳват ила дунё билан овора, қандай қилиб у ҳикмани англасин. Ахир ҳикма – ишларнинг ботини ва илмнинг сирларидир».

Термизийга кўра, ҳар бир илмнинг ҳикмаси бор, илм – бу зоҳирий нарсаларни ўз ичига олади, ҳикма эса унинг ботиний томонидир (*мо ботина минҳу*). Яъни, илм – нарсаларнинг зоҳирий томонларини англаш, ҳикма эса ашёларнинг моҳиятини, ички борлигини билишdir. Ҳаким Термизийга кўра, ҳакимнинг билими – ҳикма, яъни ички моҳият ҳақидаги билимdir. Илм ал-ботин – бу ҳикмадир. «Наводир ал-усул»да Ҳаким Термизий бир неча жойда «уламо ул-ботин ва ҳум ул-ҳукамо», яъни ботин уламолари – ҳакимлар эканини таъкидлаган.

Шунингдек, Қуръони каримдаги: «Аллоҳ омилар орасига ўзларидан бўлган, уларга (Унинг) оятларини тиловат қиласидиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга *Китоб ва Ҳикматни ўргатадиган пайғамбарни* (Муҳаммадни) юборган зотдир» (Жумъа, 2) оятидаги ал-Китоб – Қуръоннинг зоҳири, ал-ҳикма эса унинг ботини, яъни яширин маънолари, деб тафсир қиласиди. «Наводир



ул-усул»да Ҳаким Термизий баъзи оятларни тафсир қилиб, унинг зоҳирий ва ботиний шарҳларини ёнмаён қиёслаб кўрсатиб ўтади. Масалан, муаллиф: «Зумар» сурасининг 29-оятидаги: «Бир киши – қул борки, унинг устида талашгувчи шериклар бор», иборасининг зоҳирий тафсири бу – мушрик. Ботиний тафсири эса, қалбни турли гурухлар эгаллаб олиб уни асир қилганлар. Уларнинг ҳар бири уни ҳар томонга тортади, уларнинг ҳар бирининг қалбда ўз манфаати бор, улар ўзаро бир-бирлари билан яхши муносабатда эмаслар», – деб тафсир қиласди.

Гарчи Ҳаким Термизий илм ал-ботин ва илм аз-зоҳир бир-бирига ошноэканини таъкидласа-да, илм ал-ботинни англаган ҳакимни илм аз-зоҳирни эгаллаган олимдан юқори қўяди. Жумладан, «Наводир ул-усул» асарида шундай ёзади: «Аллоҳ ҳузуридаги илм – денгиздир. Буденгиздан Урасулларга дарё (миқдорида илм) ато этади, расуллар бу дарёдан уламоларга анҳор (миқдоридаги илм)ни берадилар, уламолар эса оммага кичик ариқни улашадилар. Анбиёларга пайғамбарлик масъулиятини кўтара оладиган ақл берилган, олимлар эса омма тоқат қила олмайдиган илмга муносиб тарзда ақллари зиёда қилинган. Худди шундай ботин уламолари – хукамолар эса зоҳир уламолари ожиз бўлган илмларни кўтара олишлари учун ақллари зиёда қилинган. Улар зоҳир уламолари тоқат қила олмайдиган илмни эгаллайдилар, шунинг учун ҳам зоҳир уламолари баъзи бандаларнинг сув устида юриши, юрганларида ернинг уларнинг олдига ўзи тортилиб келиши, уларга ризқнинг одамлар иштирокисиз муҳайё қилинишини инкор этадилар». Шундан сўнг муаллиф айрим зоҳир уламоларини танқид қилиб, улар Аллоҳни таниғанликлари билан, ҳали Уни ҳақиқий англаб (ҳаққ ул-ма՚рифа) етмаганликлари сабабидан уларда дунёга ҳирс, мақтовга ўчлик, риё каби иллатлар бор эканлигини қоралайди.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрлардан хulosа чиқарадиган бўлсак, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Термизий «ҳаким» номига табиб бўлгани учун эмас, ёки юнон фалсафасидан таъсирангандан файласуф бўлгани учун ҳам эмас, балки борликдаги илоҳий ҳикматни англаб етгани учун сазовор бўлган.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ВАЛИЙЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Ҳаким Термизий асарларининг диққат марказида валийлик мавзуси туради. У сулук йўлиниң асл мақсади валийлик, яъни Аллоҳнинг дўсти мартабасига эришиш ва унинг энг юқори даражасига кўтарилиш, деб хисоблади. Ҳаким Термизий ислом тарихида валийлик мавзусига оид билимларни биринчи бўлиб тизимга келтирган аллома сифатида эътироф этилади. Унинг деярли барча асарларида валийлик, авлиёлар мавзуси у ёки бу жихатдан муҳокама қилинади. «Илм ул-авлиё», «Маърифат ул-асрор» ва айниқса «Сийрат ул-авлиё» («Хатм ул-авлиё» номи билан машхур) асарида эса бу мавзу батафсил баён қилинади.

Ҳаким Термизийга кўра валийлик иккى қисмдан иборат: валоя омма (умумий валийлик) ва валоя хосса (хос валийлик). Биринчиси тавҳид валояти бўлиб, барча имон келтирғанларни қамраб олади. Зоро, Аллоҳ: «Аллоҳ имон келтирғанларнинг дўстидир» (Бақара, 257) деган. Валоя хосса – эса имон келтирган ва Аллоҳ ва Расулининг чақиригига «лаббай» деб жавоб берган мўминларни ўз ичига олади. Уларнинг валийлиқдаги манзиллари чақириқقا берган жавоблари даражасига мувофиқ бўлади. Бу борада Куръонда: Сизларни тирилтирувчи нарса (илм олиш) учун чорлаганларида, Аллоҳга ва Расулага (лаббай деб) жавоб қилингиз!

(Анфол, 24) дейилган. Валоя хосса икки катта қисмга ажралади: аҳл ул-хидая (мухтадо – хидоятга йўлланган) ва аҳл ул-жибая (мужтабо – танланган). Ҳаким Термизий «Сийрат ул-авлиё» асарида валийларнинг саккиз алломатини ажратиб кўрсатади:

1. Уларни кўриш Аллоҳни ёдга туширади.
  2. Валийларнинг ҳақ ҳужжати (далили) бўлиб, уларга қарши чиққан ҳар кимсани ўша ҳақ ҳужжати енгигб қўяди.
  3. Улар фаросат эгалари бўлиб, Пайғамбар (а.с.) бу ҳақида: «Мўминнинг фаросатидан кўрқинг, зоро у Аллоҳнинг нури билан назар солади» – дея марҳамат қилгандар.
  4. Улар илҳом соҳибларидир.
  5. Уларга азият етказганлар енгиладилар, ёмон оқибат топадилар. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло айтади: «Ким менинг дўстимга (валий бандамга) душманлик қилса, Мен унга уруш очаман».
  6. Одамларнинг тилларида улар ҳақида мақтov гаплар кўп айтилади, фақатгина ҳасадгўйлар бундан мустасно.
  7. Аллоҳ таоло уларга икром кўрсатиб, дуоларини мустажоб, ўзларига кароматлар ато этиб, юрганларида ер оёқ остиларига ўралиб келиши ва сув устида юриш каби фавқулодда ишларни мұяссар қиласди.
  8. Аллоҳ таоло уларнинг тилларида илмнинг асослари – бошланиш илми, мийсоқ илми, ҳарфлар илми, тақдир илми кабиларни бийрон қиласди. Булар эса ҳикмат асослари, яъни олий ҳикматдир.
- Ҳаким Термизийга кўра, валийлик бандаларга ато этилган илоҳий неъмат бўлиб, унга етишганлар икки бир-биридан фарқли йўлда бўладилар: биринчиси – хидоят аҳли, улар катта машаққат, сабр-тоқат, нафс рағбатларини қийинчилек билан енгигб ўтиш, қаттиқ жидду-жаҳд билан эришадилар. Иккинчиси эса – мужтабо, яъни «танлаб олинганлар» бўлиб, улар илоҳий инъом,

раббоний файз йўлида юрадилар. Аллоҳ таоло уларни ўзига танлаб олган ва қалбларига олдиндан жазба солиб қўйган. Улар жибоят (танланганлар) аҳли бўлиб, расул ва набийлар, авлиёларнинг пешволари – сиддиклар, муҳаддаслар шулар орасидандир. Бундай тақсимотни Ҳаким Термизий Куръондаги куйидаги оятдан олган: **Аллоҳ унга (динга) Ўзи хоҳлаган кишиларни танлар ва Унга инобат қиласиган кишиларни хидоят сари йўллар (Шуро, 13).**

Термизий «Маърифат ул-асрор» китобида бу икки тур валийларнинг аломатлари ҳақида шундай дейди: «Аллоҳнинг саховати билан валийлик ато этилган кишининг аломати шуки – агар у яқин келса, уни (янада) яқинлаштирилади. Агар узоқлашса, ташлаб қўйилмайди. Агар жиноят (хато) содир этса, таъна қилинади, лекин узоқлаштирилмайди. Кимнинг валийлиги (ўз) саъй-ҳаракати ва жидду-жаҳди билан (эришилган) бўлса, агар у яқинлашса – тўхтатилади, жиноят қилса – узоқлаштирилади, узоқ бўлишга рози бўлса – тарк этилади».

Биринчи тур валийларни Термизий «ҳаққуллоҳ валий», иккинчисини эса – «валийюллоҳ» деб атайди.

«Ҳаққуллоҳ валий» – Аллоҳ учун ҳар қандай машаққатни ютиб, ўз тавбасига вафо қилишга азм қиласиган кишидир. Бунинг учун у етти тана аъзоси – тил, қулоқ, кўз, кўл, оёқ, қорин ва фаржи (жинсий аъзо)ни гуноҳ ишлардан сақлайди. Бу билан у ташқи жиҳатини ислоҳ қиласиди. Аммо ички дунёси нафс шаҳватлари билан тўла. Бундай инсоннинг ичидаги яширин шахвоний нафсини Термизий юқори қисми кесилган дарахтга ўхшатади: гарчи дарахтнинг тепа қисми кесилган бўлсада, унинг кўзга кўринмас чукур илдизлари дарахт ҳаётини таъминлаб туради. Агар бир оз хушёрлик йўқотилса, дарахт яна шохлаб кетади, кесилган шохлар ўрнига янгилари ўсиб чиқаверади. Бу ҳолатда банда дарахтни теран илдизларидан кўпориб

ташлашга азм қиласи. Аллоҳ унинг азми қатъий эканини билиб, шунга яраша савоб беради.

«Валийюллоҳ»ни тавсифлашда Ҳаким Термизий қуйидаги күдсий ҳадисга асосланади: «Бандам Менга севимли, унга фарз қылганим амаллардан бошқа амал билан Менга яқинлаша олмайди. Бандам нафл амаллар билан ҳам Менга яқинлашишда давом этса, Мен уни яхши кўриб қоламан. Уни яхши кўргач эса, эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, тутадиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан» (Имом Бухорий). Аллоҳ бу тоифанинг нафсини поклаб, уларнинг қалбига нур ато этади. Натижада пардалар кўтарилиб, қалблар очилади, кўнгил жилоланади. Уларнинг нафслари ўлган, шахватлари ўчиб кетган бўлади ва улар ўз валийлик ҳолатларини билиб турадилар.

Ҳаким Термизий валийликнинг юқори даражаси сифатида – «хатм ул-авлиё» даражасини кўрсатади. Уни «авлиёлар саййиди» деб атайди. У ўз даражасидаги ягона валий бўлиб, дунё заволга етганда ер юзига келади.

Ҳаким Термизийнинг ўзининг валийлиги масаласига тўхтаб ўтадиган бўлсак, унинг руҳий кечинмаларига бағишлиланган «Бадъ уш-шაън» асарига таяниб дейиш мумкинки, Ҳаким Термизий бу асарда ўзи ҳақида кўрилган тушни ҳикоя қила туриб, ўзининг тасаввуфда шаклланган валийлик иерархияси тушунчасидаги кирқ сиддиқнинг пешқадами эканини тасвирлайди. Жумладан, бу тушда амир бутун олам аҳли орасидан қирқ кишини сұхбат қилиш учун ажратиб олишни хоҳлаётгани, Ҳаким Термизий билан уларнинг сони қирқтага етгани ва у уларнинг аввали экани, одамлар мана шу қирқ киши ҳамда Муҳаммад ибн Али (яъни Ҳаким Термизий) туфайли нажотга эришгани баён қилинади.

Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақида асарларига мазкур мавзуда ундан кейин ижод қилган

барча олимлар мурожаат қилғанлар. Унинг асарла-рида муҳокама қилинганд сиддик, абдол, автодлар ҳа-қидаги қарашлар халқ оғзаки ижодига ҳам ўз таъси-рини кўрсатиб, омма ўртасида «чилтон» ёки «эрланлар» – қирқ мард ҳақидаги ҳикоя ва ривоятларнинг шакл-ланишига, жойларда уларнинг культи билан боғлиқ зиёраттоҳлар пайдо бўлишига олиб келган.

## АЛЛОМАНИНГ УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАРИ

Ҳаким Термизий болалигиданоқ илмий мухитда вояга етган. Манбаларда қайд этилишича, Ҳаким Термизийнинг биринчи устози унинг отаси – Али ибн Ҳасан Термизийдир.

Ҳаким Термизий 25 ёшига қадар Мовароуннахр шаҳарларида тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларини катта қизиқиши билан ўрганади. Тахминан 27 ёшларида муборак ҳаж сафарига, Маккага йўл олади. Унинг бу муқаддас шаҳар томон сафари Басра, Бағдод орқали бўлиб, йўл давомида ҳадислар тўплайди. Алломанинг дунёқараши шаклланишида она шахри Термиз билан бир қаторда Макка, Мадина, Балх, Басра, Бағдод, Куфа, Марв, Нишопур, Рай, Ҳамадон, Самарро каби шаҳар-лардаги мавжуд диний ва дунёвий билимлар ҳам мухим аҳамият касб этган. Мана шу сафари давомида кўплаб устозлардан таълим олади.

Манбаларда унинг ҳадис илмидан устозлари сифа-тида 170га яқин муҳаддис зикр этилиб, улар сирасида «сиҳоҳ сittа» номи билан танилган олти мўътабар ҳа-дис тўплами муаллифларининг барчасига (Имом Бухо-рий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насойи, Ибн Мож-жа) устозлик қилған тўққиз шайхнинг бири – машҳур муҳаддис Кутайба ибн Саид Сақафий Балхий (ваф. 888 й.) ҳам қайд этилган.



Манбаларда Ҳаким Термизийнинг сулукдаги айрим устозларининг номлари ҳам келтирилган. Лекин улар билан Ҳаким Термизийнинг муносабати шайх-мурид тарзида эмас, балки маслакдошлар сифатидаги алоқалардан иборат бўлган дейиш мумкин. Умуман олганда, Ҳаким Термизийнинг Хуросон суфийлари билан алоқалари яқин бўлган. У Абу Туроб Нахшабий, Аҳмад Ҳазравайх, Яхё ибн Муоз Розий сұхбатларидан баҳраманд бўлган. Мисрлик олим Комил Мұхаммад Авайза: «Ҳаким Термизий бу олимларнинг баъзилари билан дўст бўлган, айримлари билан учрашган, лекин бу мулоқот Ҳаким Термизий уларнинг шогирди бўлган деган маънони келтириб чиқармаслиги керак», деб таъкидлайди. Бу кўпроқ ҳамфирк инсонларнинг мулоқотига ўхшайди.

Юқорида зикр қиласанымиздек, Ҳаким Термизийда 27-28 ёшларида Маккага зиёрат қилиш истаги туғилади. Йўлда у Ироқда тўхтаб ўтади. Ироқнинг қатор шаҳарларида, жумладан, Бағдод, Куфа, Басра ва бошқа шаҳарларида бир неча кун тўхтаб, мухаддислар билан мулоқотда бўлади, улар билан илмий-ижодий мунозараларда иштирок этади ва шаъбон ойида Маккага кетади. У тўрт ой, токи ҳаж мавсуми бошлангунга қадар, бу муқаддас шаҳарнинг файзу баракотидан баҳраманд бўлади. Мана шу давр, айтиш керакки, Ҳаким Термизий ҳаёт тарзида, унинг дунёқарашида ва одамлар билан ўзаро муносабатида батамом бурилиш нуқтаси ро-лини ўйнайди ва унинг қалбида ўчмас из қолдиради.

Бу ҳақда алломанинг ўзи «Бадъ уш-шаън» рисоласида шундай ёзади: «Шундай қилиб шаъбон ойининг охирларида Маккага етиб келдим ва Аллоҳнинг амри билан ҳаж ойининг охиригача ўша ерда бўлдим. Ҳар тун бедорликда, Мултазам (Каъба эшиги) олдида менга дуо эшиклари очилди. Қалбимда тавба қилиш, катта-кичик ишлардан четлашиш ҳисси уйғонди. Шу аснода ҳаж қилдим. Кўнглимни тўғрилаб, ватанга қайт-

дим. Мултазам эшиги олдида ўша кунлари қилган илтижоларимда, Аллоҳдан мени ислоҳ қилишини, дунё ишларидан безор этиб, Ўз Китобини ёд этишга мұяссар қилишини сўрадим. Бундан бошқа ҳожатларимга эътибор қаратмадим. Юртимга қайтаётганимда Қуръони шарифни ёд олиш ишқини қалбимга жо этди. Шу боис қайтиш онларидаёқ, Аллоҳнинг китобини хифз этишга киришдим. Ватанга қайтишим билан Аллоҳнинг марҳамати ила бу ишни якунига етказишга мұяссар бўлдим. Кечалари бедор бўлиб Қуръонни тиловат қилишдан чарчамас эдим. Ҳаттоки, эрталабгача тунни Қуръон тиловати билан ўтказар эдим. Бу ишнинг ҳаловатини туйдим. Китоблардан Аллоҳга келтирилган ҳамдларни ўрганишни, панд-насиҳат ҳамда охират ишига фойдаси тегадиган сара гапларни тўплашга киришдим.

Шу билан бирга юрт кезиб, ўзимга раҳнамолик қи́лувчи кишини (пир-муршидни) изладим, аммо мени маънавий жиҳатдан руҳлантирувчи муршидни топмаганим сабаб, нима қылмоқни билмасдим. Рўза тутиш ва намоз ўқишига киришдим, токи маърифат аҳлининг сўзи қулоғимга ўрнашгунга қадар шу зайлда давом этдим. Ниҳоят, бир куни қўлимгага Антокийнинг китоби тушиб қолиб, уни қироат этгандан сўнг нафс риёзати бобида нимадир топгандек бўлдим. Сўнг Аллоҳ мадад бериб, шу риёзатга юз тутдим, нафс талаб-истаклари ни тийишига илҳомландим. Менга шундай туюлар эдики, гўё қалбимга бирин-кетин белги кўйиб кетаётгандек эдим. Ҳатто нафсимни муздек ёқимли сувдан ҳам тиймоқчи бўлар, ноўрин жойдан оқиб ўтгандир, деган эҳтимол билан ариқ сувини ичишдан ҳам парҳез қилас эдим. Кудуқ ёки катта анҳор сувларидан ичар эдим», – деб ёзади.

Юқоридаги сатрлардан маълум бўладики, умрининг ушбу палласида Ҳаким Термизийнинг бутун ҳаётида бурилиш нуқтаси содир бўлган. У ҳаётга энди

бошқача кўз билан қарай бошлиди. Унда хилват жойларда бўлиш, одамлардан холи қолиш, узлатда бўлиш каби ҳис-туйғулар пайдо бўлади. У қабристон ва шаҳар атрофидаги вайроналарда айланиб юради. Ана шу даврда у ўзига руҳан мадад берадиган ва тариқати йўлига бошлайдиган пир-муршид излайди. Аммо бунга мусассар бўла олмайди.

Ҳаким Термизий нафсни поклаш, руҳий юксалиш йўлида узоқ йўл босиб ўтди ва Аллоҳга яқинлашиш учун солик эга бўлиши керак бўлган маърифатни эгаллади. У ўзига уни сулуқда муршидлик қила оладиган пир топа олмаганидан сўнг, ўзини ибодатлар билан машғул қилиб, қалб осойишталиги, нафс таскинини излади. Ана шу вақтда Антокийнинг (ваф. IX аср) «Даво ул-қулюб» китоби орқали у Аллоҳга яқинлашиш учун зарур бўлган маърифатни тамомила эгаллади, саволларига жавоб топди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бу асар Ҳаким Термизийга маънавий устозлик вазифасини ўтади.

Манбаларда Ҳаким Термизийнинг қуида исми шарифлари келтирилган таниқли шахслар билан мулоқоти, улар билан узвий алоқада бўлиб тургани ҳақида маълумотлар учрайди.

**Ҳаким Термизийнинг ҳадис илми бўйича устозлари:**

Али ибн Ҳасан ибн Башир ибн Ҳорун Термизий. «Тарихи Бағдод» асарида Ҳаким Термизийнинг отаси – Али ибн Ҳасан ибн Башар ибн Ҳорун Термизий ҳам машҳур муҳаддислар сирасида тилга олинган. У Бағдодда Шидод ибн Ҳаким ҳамда Солих ибн Абдуллоҳ Термизийдан ҳадис сабоқларини олгани ва ундан Мухаммад ибн Махлад ҳадис ривоят қилгани баён қилинган.

**Кутайба ибн Саид Сақафий Балхий.** У тахминан 767 йилда туғилган ва чамаси 90 ёшларида Балх яқинидаги ўзи яшаган Бағлон қишлоғида 854 йилда вафот

этган. У илм ар-раъй, сүнгра эса ҳадис илмини ўрганган. Ёшлик вақтларидаң оқ илм талабида Ироқ, Макка, Мадина, Шом, Мисрға сафар қилған. Молик ибн Анас, Лайс ибн Саъд, Абдуллоҳ ибн Луҳайъа, Бакр ибн Мазр, Яъкуб ибн Абдураҳмон, Ҳаммод ибн Зайд, Абу Авона, Исмоил ибн Жаъфар, Абдулвоҳид ибн Зиёд, Суфён ибн Уяйна каби ҳадис олимларидан ҳадис эшиитган. Кутайба ибн Саиддан машхур мұхаддислар – Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Довуд Сижистоний, Имом Бухорий ва Имом Мұслимлар ҳам ривоят қилғанлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал алломани «яхши хулқли, сафар қилишни хуш күрадиган, ўзига түқ, анчагина мол, туя, күйларга эга, күп ҳадис ривоят қилған, ўз сўзида собит турувчи, ахли сунна ва жамоадан» эканини айтиб, уни мақтаган.

#### Маслақдош суфийлар:

**Аҳмад ибн Ҳазравайҳ (ваф. 854 й.).** Унинг тўлиқ исми Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳазравайҳ Балхий. У Хурсоннинг йирик машойихларидан бўлиб, тасаввуфдаги футувва гояларини тарғиб қилған. Абу Туроб Нахшабий ва Хотим Асамм билан дўстона муносабатларни ўрнатган. Абу Язид Бистомий ҳузурида бўлган.

**Абу Туроб Нахшабий (ваф. 859 й.).** Унинг тўлиқ исми Аскар ибн Ҳусайн ёки Аскар ибн Мұхаммад ибн Ҳусайн. Абу Туроб Нахшабий Хурсоннинг илм, футувва, таваккул, зужд, вараз (парҳезкорлик) билан танилган энг йирик машойихлариданdir. Абу Хотим Аттор Басрий ва Хотим Асамм Балхий билан дўст бўлган. Абу Туроб Нахшабий турли олимлардан кўплаб ҳадисларни ёзиб олган, шофеъий мазҳаби фақиҳи бўлган. Абу Туроб Нахшабийдан Аҳмад ибн Жалло, Абу Бакр ибн Осим, Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар ҳадис ривоят қилғанлар. Абу Туроб Нахшабий тасаввуфдаги факр концепциясининг назарий асосчиларидан бири бўлиб, у IX аср Марказий Осиё тасаввуфи ривожига риёзат,

фақирилик ва маломатийлик ғоялари билан таъсир кўрсатган йирик шахсдир.

Яхё ибн Муоз Розий (ваф. 872 й.). Баъзи манбаларда Яхё ибн Муоз Розий Ибн Карромнинг издоши сифатида қайд этилади. Исҳоқ ибн Сулаймон Розий, Маккий ибн Иброҳим Балхий, Али ибн Муҳаммад Танофусийлардан ҳадис эшитган. Ундан Рай, Ҳамадон ва Ҳурасоннинг кам танилган ровийлари ҳадис ривоят қилганлар. Райдан кетиб, аксар умрини Нишопурда ўтказган ва вафотига қадар ўша жойда яшаган. Шу орада у Бағдодга ҳам келган ва шаҳардаги суфий машойихлар унинг ҳузурида тўпланишиб, илмий мунозаралар қурганилар. Шундай мунозараларнинг бирида Жунайд Бағдодийни ҳам мот қилиб кўйган. Сўнгра у Балхда бир қанча муддат яшаб, кейин яна Нишопурга қайтиб келган. Яхё ибн Муоз Розий Аллоҳнинг раҳматини (ражо) унинг ғазабидан (хавф) юқори кўйган. У анча катта ёшида бойлик ва фаровон ҳаётни фақирилик ва машаққатдан афзал кўриб, намойишкорона равища жундан тикилган жулдур кийимларини қимматбаҳо либосларга алмаштиради. Яхё ибн Муоз Розийнинг бойлика бўлган муносабати Ҳаким Термизийнинг шу борадаги қарашларига бирқадар ҳамнафас. Яхё ибн Муоз Розий Аллоҳга етишишни асосий мақсад деб билиб, қолган барча ишларни иккинчи даражали ҳисоблаган. Кўнгилли факирилик ва бечораҳол юришни «Аллоҳнинг саховатига гумон қилиш» деб баҳолаган.

### **Алломанинг шогирдлари**

Ҳаким Термизий суфийликда пир ва мурид муносабатидан иборат бўлган таълим бериш йўлидан воз кечиб, ўз қарашларини ёйишда таълимотлари мужассам бўлган китоб ва рисолаларга таянувчи тамойилга асос солди. Антокий ўзининг «Даво ул-кулуб» асари билан Ҳаким Термизийга таъсир кўрсатиб, бу мактабнинг илк илҳомчиси бўлган, дейиш мумкин. Ҳаким Термизий эса унинг йўлини тутиб, бу йўлнинг асос-

ларини изоҳлаб берди. Алломанинг шогирдлари эса унинг ишини давом эттириб, ўзларининг тасаввуфий қарашларини тарқатишда китоб ва рисолаларга таяндинлар. Суфийлик тарихида бу йўналиш «ҳакимия» деб ном олганини Хужвирий «Кашф ул-маҳжуб» асарида: «Ҳакимияга Абу Абдуллоҳ ибн Али Ҳаким Термизий асос солган», – деб зикр этган.

Манбаларда Ҳаким Термизийнинг қуидаги олти шогирди бўлгани ҳақида маълумотлар ҳам учрайди:

1. Абу Муҳаммад Яхё ибн Мансур Қозий.
2. Ҳасан ибн Али Жузжоний.
3. Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Холид Ҳиравий.
4. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Ҳайсам.
5. Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Варроқ Ҳаким Термизий .
6. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо.

Шулардан энг машҳурлари – «муаллим ул-авлиё» лақабига сазовор бўлган Абу Бакр Варроқ Термизий ва «жосус ул-қулуб» лақаби билан танилган Ҳасан ибн Али Жузжонийдир.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Ҳаким Термизийнинг ижоди жуда серқирра бўлиб, у ислом илмларининг кўплаб жабҳаларини қамраб олган. Ҳаким Термизийнинг асарлари чуқур мушоҳадага, инсоннинг кўнглида кечеётган энг дақиқ жиҳатларга эътибор қаратишга ундаши билан диққатга сазовор. Алломанинг асарлари араб тилида бўлиб, айримларининг тили жуда мураккаб ҳисобланади. Бу эса алломанинг араб тилини мукаммал билгани, унинг нозик тарафларидан ҳам хабардор бўлганидан далолат беради. Ҳаттоқи, айрим араб тадқиқотчилари Ҳаким Термизий асарларидағи тил савиясига юқори баҳо бериб, алло-

манинг келиб чиқиши араблардан эканини исботлашга ҳаракат қиласылар.

Аллома қыйидаги соҳаларда самарали ижод қилған маълум: тафсир, ҳадис, фиқх, калом, ислом фалсафаси, тасаввуф тарихи ва назарияси.

Ҳаким Термизийнинг ижоди ҳақида ёзган муаллифлар унинг асарлари сонини турлича келтирадилар. Баъзи тадқиқотчилар уларнинг саноғи тўрт юзга яқин деб айтса, бошқалари Ҳаким Термизий саксонта асар яратган деб ёзадилар. Жумладан, мисрлик олим Абдулфаттоҳ Бараканинг ёзишича, Ҳаким Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини ҳақида бизгача аниқ маълумотлар етиб келган. Охирги тадқиқотларда эса алломанинг 60дан зиёд китоб ва 200дан ортиқ рисола яратгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Ҳозирда Ҳаким Термизийнинг бизгача етиб келган 60га яқин асаридан 30 дан ортиғи ҳамда рисолалари нашр қилинган, қолганлари эса қўлёзма шаклида жаҳон фондларида сақланмоқда. Шунингдек, Термизийнинг манбаларда номлари келтирилгани билан, лекин бизгача етиб келмаган яна 12 асари мавжуд бўлган.

Ҳаким Термизийнинг суфий табақот жанрига оид илк асари деб ҳисобланган «Тарих ул-машойих» буғуни кунга қадар етиб келмаган бўлса-да, нақшбандия тариқатининг энг йирик пешволаридан бири – Ҳожа Мухаммад Порсо (1348–1420) «Фасл ул-хитоб»да ушбу асардан иқтибослар келтириб ўтгани маълум. Шунингдек, Ҳужвирий «Кашф ул-маҳжуб», Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат» асарида Ҳаким Термизийнинг Куръон тафсири бўйича бир асар ёза бошлагани, лекин умри етмай, уни ниҳоясига етказа олмагани ҳақида қайд этганлар. Агар Ҳаким Термизийнинг «Тарих ул-машойих» ҳамда Куръон тафсирига оид китоби мавжуд бўлгани аниқ далиллар билан тасдиқланса, ко-

мил ишонч билан айтиш мумкинки, Ҳаким Термизий илк суфий табақот асари ҳамда Куръоннинг илк суфий тафсир асари муаллифларидан бири бўлиб чиқади.

Мовароуннахрик машхур муфассир Абу Лайс Самарқандий (ваф. 985 й.) «Тафсир ус-Самарқандий» асарида «Бақара» сураси бошидаги муқаттаот ҳарфлар ҳақидаги тафсирни Ҳаким Термизийдан ривоят қилган. Эҳтимол, бу ривоят айнан шу асардан олинган бўлиши ҳам мумкин. Манбаларда қайд этилганидек, алломанинг тафсир асарини ниҳоясига етказишга умри «вафо қилмаган» бўлса ҳам, «Бақара» сураси тартиб бўйича Куръондаги аввалги суралардан. «Тафсир ус-Самарқандий» асарида Ҳаким Термизийнинг ушбу сураси бошидаги муқаттаот ҳарфларига оид тафсири қўйидагича келган: Мұҳаммад ибн Али Термизийдан ривоят қилдилар, у деди: «Аллоҳ таоло ушбу сурадаги барча хукм ва қиссаларни сураси бошидаги ҳарфларда зикр қилган, аммо уни набий ёки валийдан бошқа ҳеч ким билмайди. Сўнгра буларни (хукм ва қиссаларни) барча сураларда одамлар англаб етишлари учун баён қилди».

Ҳаким Термизийнинг бой илмий меросини шартли равища юқорида зикр этилган йўналишлар: Куръон илмлари, ҳадис, фикҳ, қалом, ислом фалсафаси, тасаввуф тарихи ва назарияси бўйича тасниф қилиш мумкин. Лекин бу тақсимот унинг асарлари йўналишларини тўлиқ акс эттиради, деб бўлмайди. Чунки, одатда алломанинг асарларида ушбу йўналишлар қоришиб кетган ҳолатлар ҳам учрайди. Баъзан унинг бир асарида бир неча йўналишлар, ҳаттоқи, мазкур етти йўналишнинг барчасини ҳам кўришимиз мумкин. Биз Термизий асарлари тақсимотини ҳар бир асарнинг асосий мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширдик.



**Тафсир ва Куръон илмларига оид асарлари:**

«Амсал мина-л-китаб ва-с-сунна», «Тахсил назар ил-Куръан», Тафсир асари (охирига етмаган, аниқ номи ҳам номаълум), «Фуруқ ва манъу-т-тародуф».

**Фикх илмігінде оид асарлари:**

«Ал-Хажж ва асрорух», «Шарх ус-солат ва мақосидиха», «Сабабу т-такбір фи-с-солат», «Илал уш-шария ёки кайфийят ас-солат ва-л-вузӯз ва-с-сивак», «Масаил ул-афина».

**Каломга оид асарлари:**

«Радд ала-р-рофиза», «ул-Ақл ва-л-ҳаво», «Фарқ байна л-айат ва-л-қарамат», «Радд ала-л-муаттила», «Шарх қавл – Мaa л-иман ва-л-ислам ва-л-иҳсан», «Калам ала маъна ла илаха илла Аллоҳ».

**Ислом фалсафасында оид асарлари:**

«Китаб ул-акёс ва-л-муғтарринг», «Исбат ул-илал фи-л-амр ва-н-нахй», «Баён ул-илм», «Хукуқ».

**Тасаввуф тарихига оид асарлари:**

«Анваъ ул-маъариф», «Тарих ул-машайих».

**Тасаввуфий қарашларига оид асарлари:**

«Бадъ уш-шаън Абий Абдуллоҳ», «Адаб ун-нафс», «Риёзат ун-нафс», «Хатм ул-авлиё», «Баён ул-фарқ байна с-садр ва-л-қалб ва-л-ғуад ва-л-лубб», «Маърифату л-асрор», «Маназил ал-ибад мина л-ибада», «Масаил ул-макнұна», «Адаб ул-муридин», «Рисалат макр ун-нафс», «Илм ул-авлиё», «Абваб мұхталифа», «Жумал ул-лазим маърифатуха», «Жавоб китаб Усмон ибн Сайд мина р-Раъй», «Ҳикма мина л-илм ил-ботин», «Сифат ул-қулуб ва ахвалиха ва ҳайъат таркиbihа», «Урс ул-муваҳҳидин», «Урс ул-орифин», «Ғавр ул-умур», «Масаилут-таъбир», «Дақоиқ ул-улум».

**Хадис илмігінде оид асарлари:**

«Наводир ул-усул», «Амсал мина л-китаб ва-с-сунна», «Манхіёт ва қулл ма жаа мин хадис би-н-нахй», «Баён ул-касб».

Асарларнинг номларидан ҳам муаллиф мавзунинг ўзини қуруқ баён қилишдан кўра кўпроқ унинг мөхияти, кўз илғамас ҳикмати ва чуқур маъносини очиб беришни мақсад қилгани намоён бўлади.

Ҳаким Термизийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсdir. Зоро, унинг ҳажм жиҳатидан энг йирик шоҳ асари бўлган «Наводир ал-усул» ҳадисларга бағишлиган асар бўлиб, муаллифнинг дунёқараси асосларини ўзида жамлаган асардир. «Наводир ал-усул»да қисқача баён этилган масалалар унинг кейинги китобларида муфассал ёритиб берилган. Ҳаким Термизий ушбу асарини ёзишидан мақсад анъанавий ҳадис тўпламларидан фарқли ўлароқ, фақат ҳадисларни жамлаб, уларни ривоят қилиш бўлмай, ўз асаридаги ҳар бир ҳадисни муфассал шарҳлаб, унинг зоҳирий ва яширин ҳикматларини кўрсатиб, ҳадис мазмун-моҳијатини ҳар томонлама чуқур таҳлил қиласди. Унинг ҳар бир шарҳида тасаввуфий талқин сезилиб турари ҳамда ҳадисларни руҳиятда ва майший ҳаётда қандай татбиқ қилиш мумкинлиги ҳам кўрсатиб берилади. «Наводир ал-усул» ҳадисларнинг тасаввуфий талқинига бағишлиланган илк асарлардан ҳисобланади. Ҳаким Термизий ҳадисларни талқин этишда ҳикма нуқтаи назаридан ёндашади. Бунда у ҳадисларни қалб, садр (кўкрак), ақл, нағс, руҳ каби ҳиссиётга хос тушунчалар орқали шарҳлаб, уларнинг ҳикмати ва яширин маъноларини очиб беради. Бундай ёндашувни унинг ҳар бир асарида топиш мумкин. Шунингдек, Ҳаким Термизий маълум бир сўзнинг ишлатилаётган маъносини таҳлил этиб, ўша сўзни ташкил этган ҳарфларгача таҳлил қиласди. Кейин эса сўз ва уни ташкил этган ҳарфларни у англатаётган маъно билан боғлиқлик жиҳатини очиб беради. Бу билан сўзлар ва улар билдирган обьект номи ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолмаган, балки мантиқий изчиллик борлигини кўрсатиб беради. Ҳаким Термизий ўз фикрларини ўқувчиларга тушунарли тарзда етказиш

хамда бу фикрларнинг ҳаётдан узилиб қолмагани ва амалий татбиқ этиш мүмкінлигини күрсатиш мақсадида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, турли мисол, ривоят ва холосалардан кенг фойдаланади. Аллома ижодининг яна ўзига хос жиҳати у ислом илмларининг барча соҳаларини эътибордан четда қолдирмайди. Хоҳ у фиқҳ бўлсин, ёки калом, сулук ёки тафсир бўлсин, уларнинг барчаси билан таниш бўлгани асарларида яққол кўзга ташланади. Ҳаким Термизий бу илмларининг барчасини соҳаларга бўлинмаган яхлит кўринишида, яъни бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ бир бутун ҳолатда эътиборга олишга ҳаракат қиласди.

Ҳаким Термизийнинг илмий мероси кейинги давр уламолари ижодига салмоқли таъсир кўрсатган. Жумладан, Имом Фаззолий (ваф. 1111 й.), Абу Абдуллоҳ Куртубий (ваф. 1273 й.), Ибн Ҳажар Асқалоний (1372–1448), Абу Махмуд Абдуллоҳ Ҳанафий (ваф. 1361 й.), Мухаммад Шамсу-л-ҳаққ Ободий, Ибн Касир (ваф. 1373 й.), Абдулғани Суютий (1445–1506) каби бир қанча таникли олимлар Ҳаким Термизий илмий меросидан унумли фойдаланганлар.

### **ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИГА ОИД ФАОЛИЯТИ**

Ҳаким Термизий яшаб ижод этган давр ҳадис илмининг тараққий этган замони бўлиб, бу пайтда ҳадис илмининг йирик намояндлари Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Исо Термизий, Имом Доримий ва бошқа машҳур муҳаддислар етишиб чиқдилар. III/IX аср ҳадис илми тарихида «олтин аср» ҳисобланиб, бу даврда Пайғамбар (а.с.) суннатларини тартибга келтириш, ҳадис илмий атамаларини белгилаш, энг муҳими, сахиҳ ҳадисларни ўзида жам қилган қимматли манбалар тузиш каби улкан ишлар амалга оширилди.



Мазкур даврда яшаган машхур аллома Ҳаким Термизий ҳам анъанавий тарзда ҳадис илми билан шуғулланган. Ўзининг «Бадъ уш-шаън» асарида болалигиданоқ илмий муҳитда ўсганини ёзиб ўтган. Хатиб Бағдодийнинг «Тарихи Бағдод» асарида Ҳаким Термизийнинг отаси муҳаддис бўлгани ва ҳадис ривоят қилгани қайд этилган. Ҳаким Термизий ўзининг «ар-Радд ала-л-муаттила» асарида ўз онасидан ҳам ҳадис ривоят қилади. Шунингдек, унинг ота ва она томонидан боболари ҳам ҳадис ривоят қилганлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг ўзи ҳам ўз давридаги кўплаб муҳаддислардан ҳадис ўрганган. Мисрлик олим Мухаммад Иброҳим Жуюший Ҳаким Термизийнинг ҳадис илмидаги 170га яқин устозини номма-ном келтирган. Шунинг учун ҳам табақот асарларида унинг исми ёнида «ал-ҳаким» билан бир қаторда ҳадис илмидаги юқори мартабага далолат қилувчи «ал-ҳофиз» номи ҳам келтирилади.

Ҳаким Термизий ўз асарларини таълиф этишда куйидаги манбаларга мурожаат этган:

- Куръони карим;
- қудсий ҳадислар;
- набавий ҳадислар;
- бошқа пайғамбарларнинг қавллари;
- саҳобийлар сўзлари;
- тобеий ва табаа тобеийлар сўзлари;
- зоҳидлар сўзлари;
- ўша давр машхур шахслари сўзлари;
- исроилиётлар;
- шеърий намуналар;
- «хабарларда келтирилишича», «тафсир аҳлининг айтишича», «салафларнинг баъзиларидан сўралганда», «менга етиб келган хабарларда», «баъзи тобеийлар дедилар» тарзida келтирилган маълумотлар;
- Ҳаким Термизийнинг шахсий қарашлари.



Лекин Ҳаким Термизийнинг ҳадисларга бўлган ёндашуви юқорида зикр этилган муҳаддисларнинг ҳадисларни жамлаш, саралаш, бобларга ажратиш каби услубларидан тубдан фарқ қиласди. Унинг илмий меросини ўрганган олимлар Ҳаким Термизийнинг ҳадисга ёндашувида асосий уч услубни ажратиб кўрсатадилар:

- тасаввуфий мазмунга далолат қилувчи ҳадисларни жамлаш, улардаги валоят, авлиёлар, илҳом ва фаросат каби тушунчаларнинг моҳиятини шарҳлаш;
- бир мавзуга оид ҳадисларни шарҳламаган холда тўплаш (бу услубини ат-Термизий «ар-Радд ала-л-муаттила» китобида кўллаб, унда мўътазилийларнинг қарашларини пучга чиқарувчи ҳадисларни бир ерга жамлаган);
- ҳадисларни жамлаш ва уларни шарҳлаш асосида йўриқлар бериш («ал-Манҳиёт» асарида «қайтариқ, тақиқлаш» мазмунидаги ҳадисларни жамлаб, тақиқ нима сабабдан кўйилганининг ҳикмати ҳақида баҳс юритилади).

Ҳаким Термизий ҳадисларни саралаб олиш масаласида ҳам ўзига хос тарзда ёндашади. «Наводир ал-усул» асарида ҳадис саралашнинг санад орқали эмас, балки матн маъносини чуқур мушоҳада этиш, туб моҳиятини англаб этиш орқали ҳадис ҳолатини аниқлаш услубини муфассал баён қиласди. Бу албатта аҳл ал-ҳадиснинг ҳадисларнинг ишончли эканини аниқлашдаги асосий талабларидан тубдан фарқ қиласди.

Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул фи маърифат аҳодис ар-Расул», «ал-Амсал мин ал-Китаб вა-с-сунна», «ал-Манҳиёт ва кулл ма жаа мин ҳадис бин-наҳиј», «Баён ал-касб» каби асарларида юқорида зикр қилинган тўпламлардан фарқли ўлароқ, фақат ҳадисларни жамлаб, уларни ривоят қилишни мақсад қиласмайди. Чунки у ўз асаридаги ҳар бир ҳадисни тўлиқ-муфассал шарҳлаб, унинг ботиний ва зоҳирий



маъноларини кўрсатиб, ҳадисни мазмун-моҳиятини ҳар томонлама маъноларини таҳдил қиласди. Унинг ҳар бир шарҳида тасаввуфий талқин сезилиб туради. Ҳаким Термизийнинг ҳадисга бундай ёндашуви кўплаб бошқа ҳадис ровийларининг ёндашувларидан фарқ қиласди. Зоро, у ҳадисларга ахл ул-ҳадис нуқтаи назаридан эмас, балки ахл ур-раъи нуқтаи назаридан муружаат этади. Чунончи, у ахл ул-ҳадис ровийлари каби фақат ҳадисни ривоят қилиш билан чекланмасдан, ҳадиснинг асл мағзига етиб боришга, уни тўла идрок этишга ҳаракат қиласди. Чунончи, баъзи манбаларда Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳам, унинг аксарият ровийлари ҳам ахл ул-ҳадис бўлмагани қайд этилган.

Ҳаким Термизий ҳадис ривоят қилиши икки босқичдан иборат дейди:

1) истимоъ ва *таҳаммул*<sup>47</sup> ҳамда 2) ривоя ва *нақл*<sup>48</sup>.

Ҳаким Термизийнинг «Фуруқ» асарига кўра *истимоъ* ва *таҳаммул*дан мурод нафсни енгиш ва оқибатда нажот топишидир. *Истимоъ* қилган (ҳадис эшитган) одам эшитганининг маъносини таҳдил қиласди, уни таъвил қилиб маъноларини англаб етади, ҳадисларни диққат билан ўрганади, мағзига етишга ҳаракат қиласди, носих билан мансухини ажратади, маъносини тўғри англаш учун сўзларини тадқиқ этади, чунки бир дона ҳарф билан маъно мутлақ ўзгариб кетиши мумкин.

Ҳаким Термизий  *rivoya* ва *нақл*дан мурод умматнинг динини сақлаш эканини таъкидлаб, динни сақлаш учун ҳадис *таҳаммул* қилишда дуч келган ровийдан ривоят қилишни қоралайди. У «ҳидоят йўлида пешқадам бўлган сидқи ва омонатдорлиги билан танилган ва ўзи *таҳаммул* қилганини яхши етказиб бера оладиган инсонларнинг ривоятларини олиш керак» дейди. Ле-

<sup>47</sup> Эшитиш ва ўзлаштириш.

<sup>48</sup> Ривоят ва накл қилиш.

кин шу билан бирга таҳаммул қилаётган шахс ўзи ҳам ҳадисларни таҳлил қила билиши даркор. Жумладан, Ҳаким Термизий искондларини ёдлаш билан чекланиб, маънога эътибор бермайдиганлар ҳақида: «Улар искондларини, ривоят йўлларини ёдлайдилар, ровийларни таҳлил қилиш, уларнинг иллатларини топишга зўр берадилар. Лекин ҳадисларнинг маънолари, лафзлари уларнинг дикқат-эътиборидан четда қолади. Қанчалаб ҳадисларнинг сўзлари ўзгариб кетиши оқибатида уларнинг асосий маъноси ҳам ўзгариб кетган. Улар бунга эътибор бермадилар, улар буни тадқиқ этишдан кўра ровийларнинг танқиди билан овора бўлдилар», – деб ёzáди.

Шунингдек, Ҳаким Термизий «Шифо ал-илал» асарида ҳадис ровийларининг ўз ривоятларида искондларини безаш учун таниқли куфалик, басралик ёки шомлик ровийларни келтиришга зўраки интилишларини қоралаб, жумладан, шундай дейди: «Булар бир ҳадисни аввал ўз юртдошидан эшитадилар, лекин кейинроқ айнан шу ҳадисни куфалик, басралик ёки шомликдан эшитсалар улардан ривоят қилиб, ўз юртдошини тарк этадилар. Улар бу ишлари билан халқни ҳайрон қолдирдилар». Бу билан Ҳаким Термизий фақат исконддаги ровийлар танқидига ургу бериб, матн мазмун-моҳиятини эътибордан четда қолдиришни танқид қилган. Ваҳоланки, ахли ҳадис ўз услубларига кўра, олий исконд талабида шу йўлни тутганлар.

«Наводир ул-усул»да Ҳаким Термизий ҳадисларни бир шахсдан эшитиб, сўнгра уни бошқа шахсга ривоят қилиш билан чекланмайди, балки эшитган ҳадисларини чуқур таҳлил қиласи, уларнинг ботиний маъноларини англашга ҳаракат қиласи, ҳадисларни руҳиятда ва майший ҳаётда қандай татбиқ қилиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

Ҳаким Термизий ўз асарларида муҳаддисларни тўрт гурухга бўлади:

1) *Вуот* (англаб етгандар) – улар ўзлари ҳадис ола-ётган шахслари ҳидоят йўлидаги пешқадам, ишончли инсонлардан бўлишига қаттиқ эътибор берадилар, Аллоҳ розилигига эришиш талабида ривоят қилаётган ҳадисларнинг маъноларидаги асл моҳиятни очиб бериб, таъвил қиласидилар, унинг зоҳирий ҳамда ботиний (ички-яширин) маъноларини ўрганадилар.

2) *Муаддун* (тушуниб етиб уни адо этадиган ва бошқаларга етказадиган кишилар) – улар ҳам ўзлари ҳадис олаётган шахслари ҳидоят йўлидаги пешқадам, сиддиқ ва омонатдорлиги ҳамда эшитганини бекаму-кўст етказиши билан танилган инсонлардан бўлишига қаттиқ эътибор бериб, улардан Пайғамбар (а.с.) ҳадислари, суннатлари, шариатини ҳам ўзлаштирадилар. Тахаммул қилаётганларида эса унинг исноди ва матни таҳдилига ҳам эътибор берадилар.

3) *Наққолун* (нақл қилувчилар) – улар иснодлар тузилишига, ҳадиснинг ривоят йўлларини ёдлашга эътибор қаратиб, ҳадиснинг маъносига аҳамият бермайдилар. Агарда уларнинг бирортасидан ривоят қилаётган ҳадиснинг маъноси сўралса, жўяли жавоб бера олмай каловланиб қолади.

4) *Рувот* (ривоят қилувчилар) – улар ўз эътиборларини асосан иснодларга қаратадилар, носих-мансухга қарамайдилар, умумий ва хос ҳадис эканига, таъвилига аҳамият бермайдилар. Уларнинг вазифаси ҳадисни ёзиб олиш ва ёдлашдан иборат бўлиб қолган.

Мана шу гурӯхлар ичидан Ҳаким Термизий *вуот* ва *муаддунларни* мақтайди ва ахл ул-ҳадисни уларнинг йўлини тутишга чақиради. Ҳадислардан ҳукм олувчи, ижтиҳод қилувчи шахслар эса Аллоҳ нури билан мунаvvар этилган покиза қалб соҳиби бўлиши кераклигини, ёмон хулқ кудуратларидан холи ҳамда дунё шаҳхватлари доғларидан йироқ мусаффо нафс эгаси бўлиши шартлигини уқтиради. Зоро, шундагина



у ҳақиқатни англаб етади, Аллоҳ ва бандалари ўртасига тушиб қолишдан омон қолади.

Ҳаким Термизий ҳадисларга ахл ур-раъй нүқтаи назаридан ёндашгани учун унинг эгаллаган бу мавқеи ахл ул-ҳадис тутган йўлдан фарқланади. У ҳадисларни фақат ривоят қилиш билан чекланмасликка чақириб, ҳадисларини талқин қилиш, уларнинг яширин маъноларини топиб шарҳлаш ва уни ҳаётга татбиқ қилишга ундейди.

Ҳадисларга бўлган бу икки хил муносабат минтақадаги ахл ур-раъй ва ахл ул-ҳадис ўртасидаги ҳадислардан фойдаланиш услубиятидаги ихтилофларнинг ёрқин ифодасидир, дейиш мумкин. Чунончи, Марказий Осиёдан ахл ул-ҳадиснинг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Доримий ва бошқа бир қанча энг таникли вакиллари етишиб чиққанига қарамасдан, буерда ахл ур-раъйнинг мавқеи анча баланд эди. Буни минтақадаги ҳанафий мазҳаби олимларининг самарали фаолиятининг натижаси, деб баҳолаш мумкин.

Ҳадисларнинг тасаввуфий шарҳига бағишлиланган «Наводир ул-усул» асарида аксар ровийлар ироқлик ва хурсоңликлардир. Мовароуннахрлик ва хижозлик ровийлар эса камчиликни ташкил этади. Мовароуннахрлик ровийларга келсак, муаллиф фақат термизлик ровийлардан ривоят қилган. Бу ҳол Ҳаким Термизийнинг эҳтимол, Мовароуннахрдаги бошқа муҳаддис доиралари билан узвий алоқада бўлмаганини кўрсатади. Ҳаким Термизийнинг «Наводир ул-усул»даги аксарият ровийлар «жарҳ ва таъдил» (ровийларнинг ишончлилик даражасини кўрсатувчи) китобларда «ишончли» деб эътироф этилган. Уларнинг баъзиларидан энг ишончли ҳисобланган олти ҳадис тўплами муаллифлари ҳам ривоят қилганлар.

Ҳаким Термизий ўзи яшаган минтақадан етишиб чиққан ҳамда деярли замондош бўлган буюк муҳаддислар, аҳл ул-ҳадиснинг энг кўзга кўринган вакиллари Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Исо Термизий, Абу Довуд, Имом Насоийларнинг ҳадис тўпламидан хабардор бўлган бўлса керак. Сабаби, биринчидан бу муҳаддисларнинг китоблари ўз даврида танилган. Иккинчидан, «сихоҳ сittа» номи билан танилган олти мўътабар ҳадис тўплами муаллифларининг барчаси (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ибн Ҳанбал, Насоий ва Имом Термизий)га устозлик қилган машхур муҳаддис Кутайба ибн Саид Сақафий Балхий (ваф. 888 й.)дан Ҳаким Термизий ҳадис ўргангандан. Учинчидан, Ҳаким Термизийнинг энг яқин шогирди Абу Бакр Варроқнинг тоғаси Абу Исо Термизий бўлгани манбаларда қайд этилган<sup>49</sup>. Лекин шунга қарамай, Ҳаким Термизий уларнинг ҳадис тўпламидан бирорта ҳам ҳадис ривоят қилмайди. Бу маълумотлар ўша даврда минтақадаги аҳл ул-ҳадис ва аҳл ур-разй вакиллари ўртасидаги муносабатлар ҳолатини намоён этади.

### АЛЛОМА ШАРАФИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Ҳаким Термизийнинг мукаммал илми ва беқиёс салоҳиятига кўплаб алломалар юксак баҳо берганлар. Абдураҳмон Суламий, Исфаҳоний, Ҳужвирий, Абдуллоҳ, Анзорий, Фаридуддин Аттор ва бошқа биограф олимлар Ҳаким Термизийни олий даражадаги эҳтиром билан тилга олганлар. Жумладан, буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида, Алишер Навоий «Насоийм ул-муҳаббат» асарида уни энг

<sup>49</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Насоийм ул-муҳаббат; Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Тазкират ул-авлиёи т-туркӣ.

улуг шайхлар қаторида зикр қилған ва мутасаввифлар-нинг иккинчى бўғинига киритган. Хусусан, Алишер Навоий ҳазратлари Ҳаким Термизий тўғрисида қуидаги маълумотларни келтирган: «Мұхаммад бин Али Ҳакими Термизий – иккинчى табақадандур. Кунияти Абу Абдуллоҳдур. Машойихи кибордандур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Ҳазравайҳ ва Ибни Жалло била сұхбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи (ёзган асарлар) бор. Ул жумладин «Хатм ал-вилоя» ва «Нажж» китоби, «Наводир ул-усул» ва бундан ўзга ҳам китоблари бор ва зоҳир улумида ҳам кутуби бор ва бир тафсир («Куръон тафсири») ҳам ибтидо қылғондир. Аммо итномиға (охирига) умри вафо қилмайдур...». Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам Ҳаким Термизий ҳақларида: «Азиз авлийларнинг пешвоси Ҳожа Мұхаммад ибн Али Ҳаким Термизий-нинг руҳонийётига таважжуҳим тушганда, ҳар сафар менга таъриф ва тавсифдан холи тасаввуф намоён бўлади...», деб, унинг руҳоний оламидаги юксак марта-ба ва мақомларини алоҳида лутф билан таъриф этган эканлар.

Ўрта асрларда ҳам, кейинги даврларда ҳам Ҳаким Термизийни кўплаб олиму фузалолар ўз асарларида чуқур эҳтиром билан тилга олганлар. Унинг маънавий меросининг бекиёс қадр-қиммати ҳақида қатор манбаларда зикр этилган. Ғарб тадқиқотчилари эса Ҳаким Термизийни «минтақа тасаввufenинг отаси» деб ном берганлари ҳам бежиз эмас. Араб тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, «валийлик» мавзуси бўйича ким бирор асар ёзган бўлса, албатта Ҳаким Термизий асарларига мурожаат қилмай ўтолмаган. Абулҳасан Шозилий, Иброҳим Дасуқий, Ибн Атоулло Сикандарий каби турли тариқатларнинг пешволари ҳам ўз мавъизаларида Ҳаким Термизийнинг илмий меросидан истифода этганлар. Ҳатто шозилия тариқати амалиётида алломанинг асарларини, хоссатан «Хатм ул-авлиё» асарини



мутолаа қилиш куни ва вақти белгилаб қўйилган эди. Мовароуннахрдаги тариқатларда ҳам аллома сиймосига муҳим ўрин берилган. Айниқса, нақшбандия тариқати таълимотида аллома асарларининг таъсирини кўп учратишими мумкин. Зоро, нақшбандиянинг назариётчи олимларидан бири Хожа Муҳаммад Порсо Ҳаким Термизийнинг асарларига кўп мурожаат қилгани маълум. Шу билан бир қаторда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи ҳам бир ўринда: «Мана 22 йилдирки, биз Ҳаким Муҳаммад Али Термизий тариқатига эргашамиз», деб таъкидлагани манбаларда қайд этилган.

Ҳаким Термизий қомусий олим сифатида тафсир, фикҳ, ҳадис, илоҳиёт, тил ва тасаввуф илмларини ўзида жамлай олган. Унинг серқирра ижоди маҳсуллари IX–X асрларда Мовароуннаҳр ва Хурросон минтақасида долзарб бўлган илмий мавзуларни ўзида мужассам этган муҳим манбалардир.

Буюк мутафаккир Ҳаким Термизийнинг бой ва ранг-баранг илмий-маънавий мероси юртимиз илм-фан ва маданияти тарихини ўрганишда, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни тиклашда бекиёс аҳамиятга молик. Муҳими, унинг асарларидаги ҳам маънавий, ҳам фалсафий маъноларга бой гоялардан турли диний оқим ва фирқаларнинг ботил эътиқодларига қарши раддия сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, ноанъанавий кўришишга эга сохта тариқатчиликнинг пуч даъволарини фош этишда алломанинг асарлари бениҳоя қадрлидир.

Мустақиллик йилларида алломанинг Амударё бўйида барпо этилган маҳобатли мақбараси таъмирдан чиқарилиб, обод зиёратгоҳга айлантирилди, илмий-маънавий мероси тадқиқ қилинмоқда, асарлари халқимизга етказиб берилмоқда, улар асосида фильм ва спектакллар ишланмоқда. Айтиш жоизки, айнан мустақиллик даврида аллома шахсияти ва меросига муносиб эътибор қайта тикланди.

## ХАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

### Саломлашиш ҳикмати

Ибн Умар(р.а.) ривояти: Расууллоҳ(с.а.в.) дедилар: «Салом бермасдан туриб, гапларингизни бошламанг, кимки сизга салом бермасдан гапини бошласа, унга жавоб бермангиз». Аллоҳ таоло бу умматни динларида бир-бирларига ростгўй, ишончли бўлишларини ва бир-бирларига салом беришларини шарт қилди. Шунинг учун ҳам уларни мўмин-мусулмонлар<sup>50</sup> деб атадилар.

Ислмлар нарсанинг хусусиятларига далолат қилиб, унинг маъносидан чиқарилган бўлади. Аслий исслмлар Аллоҳ таоло хузуридан қелган исслмлардир. Масалан, «Яхё» каби.

Аллоҳ таоло деди:

«Эй, Закариё! Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берурмиз; унинг исми Яхё бўлиб, илгари унга бирор (кимсани) ҳамном қилган эмасмиз»<sup>51</sup>. Яъни, Яхёни гуноҳ қилишдан сақладик. Яхё «ҳаёт, ҳаё»дан олинган бўлиб, Аллоҳ таоло қалбини у билан тирик қилган. Яхё (а.с.) умуман гуноҳ қилмаган, гуноҳ қилиш унинг хаёлига ҳам келмаган. Расууллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Одамзоднинг бари адашган, гуноҳ қилган, жуда бўлмаса, маъсият қилишни хаёлига келтирган. Фақатгина Яхё ибн Закариё ва Аҳмад ундан мустасно». Аллоҳ таоло деди:

**Эсланг, Исо ибн Марям: Эй, Исройл авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбари дирман.**

<sup>50</sup> Араб тилида «мўмин» сўзи «ишонмоқ», «ростгўй бўлмоқ», «ишончли бўлмоқ» маъноларини англатувчи «камана» феълидан ясалган. «Мусулмон» сўзи эса «салима» феълидан олинган бўлиб, худди шу феъльдан «салом бермоқ» феъли ҳам ҳосил қилинади (таржимон – И.У.).

<sup>51</sup> «Марям» сураси, 7-оят.

(Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар берувчиман», – деган эди»<sup>52</sup>.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Хеч кимга берилмаган яхшиликлар мента берилди, Аҳмад деб номландим, мен душманлар қалби ларзага келадиган қилиндим».

Барча умматлар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзларини номлаб олганлар. Масалан «яҳудийлар», «насронийлар», «мажусийлар». Лекин Мұхаммад (с.а.в.) умматига Аллоҳ таоло ўзи ном берган. Аллоҳ таоло деди:

«(Аллоҳнинг) Ўзи сизларни илгари (муқаддас китобларда) атагандек, мана шу (Қуръон)да ҳам мусулмонлар деб атади»<sup>53</sup>.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ таоло менинг умматимни ўзи номлади. Ўз номидан икки исм чиқариб, умматимни сийлади. Булар Аллоҳнинг «ас-Салом» ва «ал-Мўмин» номлари бўлиб, бу умматни «мусулмонлар» ва «мўминлар» деб атади». Бу умматнинг исми ҳақиқий асл исмлар бўлиб, улар Одам (а.с.) га ўргатилган эди. Мусулмонлар бу исмларга вафо қилишлари (муносиб бўлишлари) учун бир-бирлари билан ростгўй, ишончли бўлмоқлари ва ўзаро саломалик қилиб юришлари лозимдир. Аллоҳ таоло деди:

«Албатта, мўминлар (динда) ўзаро биродар-дирлар»<sup>54</sup>

Ва яна:

«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар»<sup>55</sup>, – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мўминлар бир киши кабидир», яъни бир тан, бир жон дедилар.

<sup>52</sup> «Саф» сураси, 6-оят.

<sup>53</sup> «Хаж» сураси, 78-оят.

<sup>54</sup> «Хужурот» сураси, 10-оят.

<sup>55</sup> «Тавба» сураси, 71-оят.

Аллоҳ таоло шу умматни сийлаб, уларга эҳтиром кўрсатиб, уларнинг кўринишларини тилларидағи энг totli ва шарафли сўз «Ассалому алайкум» бўлишини ирова этди. Бани Исройл қавми бир-бирлари билан учрашиб қолсалар, ўзаро эгилиб, бошини сажда қилган каби имо қилиб кетар эдилар, мана шу уларнинг саломлашишлари эди.

Анас (р.а.) ривояти: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Менинг умматимга бошқаларга берилмаган уч фазилат берилди: Жаннат аҳлининг саломлашиши бўлган «Ассалом» лафзи билан сўрашиш, (намозда) фаришталар каби саф бўлиб туриш ҳамда дуодан кейин «Омин» сўзидир. У фақат Мусо ва Хорунгагина берилган эди». Бунинг маъноси шуки, Мусо (а.с.) фиръавнни дуоибад қилганда Хорун (а.с.) «омин» деб турди. Шунда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди:

(Аллоҳ) деди: «Иккингизнинг дуоингиз ижобат этилди»<sup>56</sup>.

Хорун «омин» деб тургани учун Қуръони каримда «дуоғўй» деб келтирилган.

Аллоҳ таоло ўзининг исми бўлган «Ассалом»<sup>57</sup>ни бандаларнинг мол, жон, обрў-шарафлари омонлиқда бўлиши учун уларнинг ўрталарида ўрнатди. Жоҳилият даврида араблар тарафкашлик, гайрлик қиласар, арзимаган нарса учун бир-бирининг жонига тажовуз қиласар эдилар. Аллоҳ таоло уларни ислом билан сийлаганда, бу диннинг шарти шуки, улар ўзларига берилган исмга муносиб бўлишлари керак эди: ўзаро тинчлиқда бўлиш, бир-бирларининг қонини тўқмаслик, жони, шарафива молига азият етказмаслик. Абу Бакр (р.а.) дедилар: «Ассалом бандалар орасида омонлик гаровидир.»

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Саломни биринчи айтган инсон Аллоҳ ва унинг расулига суюклироқдир».

<sup>56</sup> «Юнус» сураси, 89-оят.

<sup>57</sup> «Ассалом» сўзи араб тилида «тинчлик» деган маънони англатади (таржимон – И.У.).



Демак, «Ассалом» сўзи бандалар ўртасида омонлик рамзидир. Кимки, сўзини «Ассалом»сиз бошласа, у ҳақ-хукуқни поймол этган, хурматсизлик кўрсатган бўлади. Бундай шахслар жавоб олишга лойик эмасдирлар.

### **Садақани тиланчининг кўлига тутқазишнинг ҳикмати<sup>58</sup>**

Хориса ибн Нўймон эшиги олдига (тиланчиларга атаб) саватда хурмо ёки бошқа бир нарсалар қўяр эди. Кўзи кўр бўлгани учун намозгоҳидан хужраси эшигига-ча арқон тортиб қўйган эди. Агар бир тиланчи мискин салом берса, саватдаги нарсани олиб, арқонни ушлаб эшиккача ўзи чиқиб, мискиннинг кўлига садақани ўзи тутқазиб юборар эди. Унинг аҳли оиласи «биз ўзимиз бериб юборамиз» деганига кўнмасдан шундай дер эди: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Мискиннинг кўлига (садақа) тутқазиш ёмон ўлим топишдан сақлайди», – деганларини эшитганман».

Мискиннинг кўлига садақа тутқазиш фазилатли хислатлардан. Зоро, Аллоҳ таоло барча умматлари ичida мусулмон умматини шарафли қўлди, имон-эътиқодлари фазлидан уларни мукаррам айлади. Бу умматнинг бойларидан садақалари олинниб камбағалларига берилади, унинг фойдаси эса бойларда қолади.

Бани Исроилнинг қурбонлик ва садақалари маҳсус бир жойга қўйилар, қурбонликнинг қабул бўлиши осмондан олов тушиб куйдириб кетиши билан билинар эди. Кимнинг садақалари ва қурбонликлари қабул қилинмаса, улар шундок қолиб кетар, қурбонлиги қабул қилинмаган киши эса хижолат бўлиб қолар эди. Шундан уларнинг диллари сахий бўлмас, факат риё учунгина садақа қилар эдилар. Уларнинг диллари қотиб кетиб, шу даражага етдиларки, ҳаттохи, Мусо (а.с.)га «бизга Аллоҳни кўрсат» – деб даъво қилдилар.

<sup>58</sup> «Наводир ул-усул» асаридан таржима қилинди.

Мусулмон уммати эса имон-эътиқодлари фазилатидан Аллоҳ учун деб берган нарсаларини Раббилиари зое кетказмаслигини, уларга марҳамат кўрсатишини, уларнинг садақаларини фаришталарга ҳам юкламай Тангрининг ўзи қабул қилиб олишини биладилар.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган:

«Угина бандаларидан тавбаларни қабул қила-диган зотдир»<sup>59</sup>.

Яъни, улардан садақаларини Аллоҳнинг ўзи қабул қиласди.

Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) икки ишни ҳеч кимга топширмай, ўзлари бажарап эдилар. Бири – садақани мискинга ўз қўллари билан олиб бориб берар эдилар, иккинчиси – таҳорат қилганда сувини ўзлари қуийб, бирорга бермас эдилар. Абу Хурайра (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Жоним қўлида бўлган зот ҳаққи, агар банда яхши молидан садақа қилса, керакли жойига берса, у албатта Раҳмоннинг қўлига етиб боради, Аллоҳ таоло уни худди сиз ўз учқур отларингизни парвариш қилгандек парвариш қиласди. Оқибатда биргина анжир ёки биргина луқма улкан тоғ каби катта бўлиб кетади» – деб, сўнгра тиловат қилдилар:

«Аллоҳ судхўрликни (фойдасини) йўқ қиласди ва садақа (берувчиларга бойлиқ)ларни зиёда этади»<sup>60</sup>.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Агар бир садақа етмиш кишининг қўлида айланганида ҳам, улардан бирининг ажри бошқасининг ажри билан бир хил бўлар эди». Бунинг ҳикмати шуки, садақани эгасига етказишида бу қўлларнинг аввалида Аллоҳ таолонинг марҳамати турибди.

<sup>59</sup> «Шўро» сураси, 25-оят. Куръони карим оятларининг таржимаси олинган манба: «Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / А. Мансур тарж. – Т.: ТИУ, 2012.

<sup>60</sup> «Бақара» сураси, 276-оят.

Али ибн Ҳусайн (р.а.) тиylanчиға нарса берса, аввал ўша нарсаны ўпип, кейин уни тиylanчининг қўлига тутқазар эди. Зеро, у садақа (аслида) кимга боришини англаб етган эди. Расулууллоҳ (а.с.)нинг «Мискиннинг қўлига (садақа) тутқазиш ёмон ўлим топишдан сақлайди» деганларининг боиси тиylanчининг қўлига тутқазиш билан банда Аллоҳга яқин бўлади. Кимки Аллоҳга яқин бўлса, бу бандасини Ўз паноҳида сақлайди, банда Унинг зиммасида бўлади, уни ёмон ўлим топишидан асрайди, уни бегона юртда, гуноҳ иш устида ёки Аллоҳнинг раҳматидан ноумид ҳолда, маъсиятларига тавба қилишга улгурмаган вазиятда ўлим топишидан паноҳига олади. Расули Акрам дедилар: «Кимки бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг зиммасидадир, зеро, Аллоҳ азза ва жалла ҳамда унинг малоикалари бунга шоҳид бўладилар».

Чунки Аллоҳ таоло айтади:

**«Тонгги ўқиши (фаришталар) ҳозир бўладиган (намоз)дир»<sup>61</sup>.**

Бу оятнинг маъноси: Аллоҳ ва унинг малоикалари туннинг сўнгги палласида дунё осмонига тушадилар ва дейди: «Тонг киргунча тавба қиладиган борми, гуноҳидан ўтаман, истиғфор айтадиган борми, кечираман». Тонг отгандан кейин эса бомдод намози Аллоҳ ва унинг малоикалари шоҳидлигида бўлади. Абу Дардо (р.а.) Расулууллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадисда: «Агар банда бу намозни (бомдодни) адо этса, Аллоҳ гувоҳлигидаги нарсага шоҳид бўлади, Унга қурбат ҳосил қиласи, Унинг зиммасида бўлади», – дейилади. Бу эса садақа масаласида юқорида айтган гапларимизга мувофиқ келади. Яна Расули Акрам марҳамат қилдиларки: «Агар бир садақа етмиш кишининг қўлидан чиқса ҳам, охирги қўлнинг ажри биринчи қўлники билан бир хил бўлади». Бунинг маъноси шуки, бу қўлларнинг бари худди садақа каби Аллоҳга бориб етади.

<sup>61</sup> «Исрө» сураси, 78-оят.

## «АЛ-АМСАЛ МИН АЛ-КИТАБ ВАС-СУННА» КИТОБИДАН

### Олимнинг мисоли

Расулуллоҳ алайҳис-салом марҳамат қилдилар: «Олим киши гўёки булоқ боши, сув манбаси. У юртини ҳам, унинг ёнидан ўтаётганларни ҳам суғоради. Худди шу каби олимдан унинг юрти ҳам бошқалар ҳам манфаат топади».

### Илм ўрганган кишининг ўз илмига амал қилмаслиги ва бошқаларга ўргатмаслиги мисоли

Илм ўрганиб, унга амал қилмайдиган ва одамларга ҳам ўргатмайдиган инсон худдики кўп мол-дунё берилган кишига ўхшайди. У киши берилган шунча дунёни ер остига яшириб қўйиб, ундан ўзига ҳам, бошқаларга ҳам сарф қилмайди. Бу бойликдан ўзи ҳам бошқалар ҳам манфаат олмайди. Қиёмат куни бундай бойлик ўша кишига бало бўлади.

Шунингдек, бу ҳолатда хашак устига ётиб олган итга ўхшайди. Хашак кўп, аммо уни ит ўзи ҳам емайди, уни емоқчи бўлган чорвани ҳуриб ҳайдайди.

Илмига амал қилмагани, бошқаларга ўргатмагани, ўзи ҳам амал қилиб жаннатга йўл олмагани, бошқаларни ҳам тўгри йўлга йўлламагани учун бу илми икки дунёда ҳам унга манфаат бермайди.

### Мўмин киши асалари мисоли

Мужоҳид (рҳ.) деди: «Ибн Умарга Маккадан Мадинага қадар ҳамроҳлик қилиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан фақат шу ҳадиснигина ривоят қилганини эшитдим: «Мўминнинг мисоли асалари кабидир. Агар у билан ҳамнишин бўлсанг нафи тегади, у билан шерик бўлсанг нафи тегади, маслаҳат олсанг нафи тегади, ҳамроҳ

бўлсанг нафи тегади. Унинг ҳар бир нарсасидан манфаат етади. Асалари ҳам шундай, унинг ҳар нарсаси фойда».

### **Куръонни тушунмай тиловат қиласиган кишининг мисоли**

Куръонни тушунмай тиловат қиласиган кишининг мисоли худди бир юртдан бошқа юрга жавҳарларни юз дирҳам эвазига олиб боришга келишилган одамга ўхшайди. Унга: «Бу жавоҳирларни ўша юрга олиб бор ва уларни ишлатиб фойдалан, даромадини ўзингга қолдир», – дейилди. Унинг даромади эса уйлар тўла тилла ва кумуш бўларди.

У берилган юкни кўрсатилган юрга олиб борди ва кира ҳақинигина олиб, жавоҳирлардан фойдаланмади. Унга кўтариб келгани учун юз дирҳамгина берилди. Жавоҳирлардан фойдаланиш насибаси бошқага ўтди.

Худди шу каби, кимки Куръонни ўқиса-ю, аммо ундаги жавоҳирлар билан Аллоҳ таолога муомала қилмаса, унга фақат қироатидаги саъй-ҳаракати, машаққати учунгина ажр берилиб, жавоҳирларни ишлатиш, унинг фойдасидан баҳраманд бўлишдан бебахра қолади.

### **Олим мисоли**

Олим мисли хушбўйлик сотадиган аттордир. Унинг ёнидан ўтсанг, хушбўй ҳидни туясан, агар у билан бирга ўтиранг, унинг атридан оласан, агар у билан ҳамсухбат бўлсанг, унинг хушбўй таъмидан баҳраманд бўласан. Уйингта ҳам шу ҳолда қайтасан.

### **Одамлар юзта тую мисоли**

Расулуллоҳ (а.с.)дан ривоят қилинади, У зот марҳамат қиласиган: «Одамлар ичидан битта роҳила

(сафарларга, миниш ва юк ортишга ярайдиган) түя топиш қийин бўлган юзта түяга ўхшайди».

### Маърифат тарбияси хусусида<sup>62</sup>

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳга яқин қиладиган илм ҳосил қилмаган куним қуёшидан менга барака йўқ».

Маърифат – Аллоҳ таолонинг муваҳҳидлар қалблари га эккан кўчатидир. Улар шу кўчат тарбияси, яъни ўстиришга масъулдирлар. Парваришилари баробарида унинг самарасини кўрадилар. Кўчат бўй чўзган сари катталашади, йўғонлашиб боради. Илдиз ва шохлари бақувват, мевалари сархил, мазаси лаззатли бўлиши учун бу дарахтнинг суви – илм, тупроғи – хайрли амаллар, кўриқчиси – парҳезкорлик бўлади. Бу дарахтнинг ҳаёти – Аллоҳни таниш, қуввати – амаллар, мевасининг сархиллиги – парҳез билан бўлади. Зоро, парҳезкорлик маърифатнинг кўргонидир. Агар ёмон ишлардан сақлансанг, сендаги маърифат ўз поклиги ва хушбўйлигини йўқотмайди. Унинг поклиги тавҳиддан, хушбўйлиги ҳаётдан, тотлилиги муҳаббатдандир. Агар кўксингдаги маърифатни яхшилаб қўриқласанг, маърифат ўзининг пок, мусаффо, тотли ҳолатини сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) «Имон тотлидир, покдир, уни поклаб туринглар», – деб марҳамат қилдилар. Амаллар унинг қувватидир, чунки амал агар хайрли бўлса, у Аллоҳ таоло ҳузурига кўтарилади ва Унга кўрсатилади. Унинг бундай амалга тушган нигоҳидан нур чиқиб, қалбга қайтади ва уни ёритади. Чунки амал бажарилиб, тана аъзоларидан узилгани билан, унинг асли бўлган ният қалбдан узилмайди-ку. Мўмин киши ният қилади, агар бажарса, тана аъзолари ундан бўшайди, аммо нияти доимий бўлган амалларни умр бўйи бажаради, зоро, у раббисига итоат қилади ва

<sup>62</sup> Ҳаким Термизийнинг «Масоил ал-макнуна» китобидан олинди.

эзгу амаллар билан Үнга ибодат қиласы. Тана аъзолари амалларнинг бирини бажарып бўлиб, кейингисига ўтаверади. Банданинг Аллоҳга тоати эса узилмайди, у доимийдир. Шунинг учун ҳам «Мўминнинг нияти амалидан яхшидир», дейилади. Зоро, амаллар яқунига эга, ният эса доимийдир. Ниятнинг қароргохи қалбда ва у қилинган амал билан боғлиқдир. Аллоҳнинг назари тушиши билан Үнга кўрсатилган хайрли амал нурланиб, унинг нури қалбга тушади ва у ердаги маърифат янада нурланади, унинг соҳиби эса Аллоҳни басират билан янада равшан ва янада кўпроқ била боради. Унинг басират кўзи очилган сари олдинги билмаган илмлари орта боради. Бу нарсалар эса камайиб кетган, чунки амал қилювчилар ўз амалларида Аллоҳ уларга жаннатда белгилаган савобга ёки дўзахдан сақланиш учун жаннатга етишишгагина интиладилар. Ўзи учун ҳозирлаб кўйган ва мойил бўлган нарсасига ўралашиб, Аллоҳга эмас, ўз нафси учун тайёргарлик кўради. Бунинг учун ихлос ва шукр талаб қиласы. Гарчи ҳали ишни бошлимаган бўлса-да, бу нарсалар үнга ҳамроҳлик қила бошлиди. Ўз нафсидан сидқ қидиради. Алалоқибат, ҳар бир ҳаракатида ва ҳар лаҳзада кеккайган мутакаббирга айлана боради. Унинг димоғдорлиги ва кибри туфайли Аллоҳ хузуридаги мартабаси фосиқлардан ҳам тушиб кетади. Чунки фисқ кўриниб турадиган нарса. Кеккайиш ва кибр эса яширин бўлади. Нафс ўз соҳибига жулдур кийиниш, зоҳидона юришни буюриб, гёёки бу билан камтаринлик ҳосил бўладигандек қилиб кўрсатади. Бу ишларда эса амали ва нафси кибр ҳамда кеккайиш билан тўла. Агар банда барча хайрли амалларни қилса, ўзида маърифатни тарбиялашга эътибор қаратса, ҳар бир қилаётган ишига диққатли бўлса, бажарган амалидан унинг қалбига қайтадиган зиёдасини кўради. Бундан ҳарорат ва шодлик қайнаб чиқишини англайди. Шу шодлик туфайли нафси олийхиммат ва мамнун бўлади. Шу ерда банда ўз нафси уни алдаб қўймаслигидан огоҳ

бўлиши даркор. Агар хайрли амаллари ҳароратини қалбида тавҳиддан топса, мана шу маърифат тарбиясиdir. Унинг аломати шуки, бандага Аллоҳ қалбини нурга тўлдирадиган илм билан манфаат беради.

Агар бу ҳароратни нафс атрофидан топса, бу ҳоюхаво тарбиясиdir. Унинг аломати эса шуки, у бу ишда фаоллиги ортиб боради, уни янада орттиришга куч топади. Сўнгра у ўзида мамнуунлик ва хурсандлик сезади. Бу ҳис унинг бутун танаси бўйлаб ёйлади. Агар бу мамнууният қаердан келганига диққат қилса, у ўзи бажарган амалдан ҳосил бўлганини билади. Бу билан у савоб олишга, нажотга эришиш илинжида бўлади. Нафси яйрай бошлайди ва озгина ўтмасдан нафсига боқса, унда кеккайиш ва кибрни илғайди. Ўз амалидан мағуруланиб, одамларга пастназарлик билан менсимиай қарай бошлайди, ўзи учун эса миннатдорчилик кутади. Бу билан кўзи Аллоҳдан кўр бўлади, Ундан ўзгадан паноҳ тиланади, Ундан бошқа учун ҳозирлик кўрган бўлиб чиқади. Биринчи ҳолатдаги киши амални бажариб қалбига назар солди, агар қалбида тавҳиддан хурсандлик ва шодлик топмаса, у йўлдан тойганини билди. Аслида эса, у Раббисини танишга ва уни якка-ю ягона деб билиш учун яратилганку. Шунда у саъй-ҳаракати билан маърифат ва тавҳидга эриштирадиган амалларни қилишга талпинади.

Вахб ибн Мунаббаҳдан қилинганд ривоятда айтилишича, у (Вахб ибн Мунаббаҳ) Тавротда шундай матнiga дуч келган экан: «Аллоҳ ҳамма нарсани яратиб бўлгандан сўнг Ўзига сано айтди, сўнгра деди: «Мавжудотларни бир нарса учунгина яратдим, уларга қудратимни баён этиш, назар эгаларига қудратим билан Ўзимни танитиш учун. Токи назар эгалари менинг подшоҳлигим ва ҳикматим тадбирига назар солсинлар, мавжудотлар менинг куч-қудратим олдида бош эгсинлар, мени ҳамд қилиш учун тасбех айтсинлар, барча юzlари менга юзлансин».

## Масоил аҳли Сарахс китобидан<sup>63</sup>

«Банданинг қалбида васвасанинг кўп бўлиши ҳақида, ундан қандай қилиб қутилиш мумкин, агар чорасини кўрмаса, унга бу ҳолат зарар етка-задими?».

Билингки, васваса икки хил бўлади. Улардан бири душман (шайтон)дан, агар келиб васваса қилса, банда уни ҳайдаб Аллоҳни зикр қилса, уни чекинтиради. Шунинг учун ҳам у «ханнос», яъни «чекинувчи» деб номланган. Бошқа тур васваса эса шиддатли ва оғирроқдир. У эса нафс васвасасидир. Улар иккови Куръонда зикр этилгандир:

«Жинлар ва одамлар жинсидан»<sup>64</sup>. «Жинлар жинсидан» дейилгани – душман (шайтон), «одамлар жинсидан» дейилгани – нафсадир. Жинлар жинсидан деб номланишига сабаб, Иблис жинлардан бўлиб, уларнинг бошлиғи эди. Ердаги жинлар эса самум (дўзах оташи) ўтидан яратилган жинлар бўлиб, улар малоикалар (жинси)дан эмасдир. Иблис эса иззатшавқат ўтидан яралган. Малоикаларнинг хилқатлари эса иззатшавқат нуридандир. Одамлар «инсонлар» деб аталган, чунки уларда «анаса», яъни бир-бирига талпиниш, биргалиқда ўтириб улфатчилик қилиш, дилкашлик, дўст бўлиш хислатлари бор, шу туфайли ҳам улар бир-бирини кўмсайдилар, агар улар бу хислатни йўқотиб қўйсалар, унда одамови бўлиб, ёввойилашиб қоладилар.

Агар нафс васваса қилса, у шаҳват ва лаззатлари билан васваса қиласди. Шу туфайли ҳам унинг масаласи қийинроқ ва оғирроқ. У энди охиратни ёдга олиш билан ҳайдалади. Зоро, у бардавом равища нафсга эслатиб турилса, ундаги шаҳватлар барҳам топади.

<sup>63</sup> Асарда Сарахс ахлидан Ҳаким Термизийга йўлланган саволлар ва уларга алломанинг берган жавоблари жамланган.

<sup>64</sup> «Нос» сураси, 6-оят.

Нафсга доимий равища завол топиши, ахволи танг бўлишини ёдга соловериш, уни хорлайди, уни забун этади. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (с.а.в.) бу ишга одамларни тарғиб қилдилар: «Лаззатларни кесувчини ёдга олинг, зеро, кўп нарсанинг олдида зикр этилганда, (у нарсан) камайтиради. Агар кам нарсанинг олдида зикр этилганда уни кўп қиласди». Бу ҳадиснинг маъноси шудир: «Дарҳақиқат ўлим бор нарсадир, уни ёдга олиш нафсни забун этади, шунда нафс олдида кам нарса ҳам кўп кўринади. Бунда «бу кеча ўламан, эрта ўламан» деб юради. Ўладиган одам учун эса бу (нарсалар) кўп.

Унинг наздида энди кўп нарса ҳам кам бўлиб кўринади: «эртага ўламан, бу нарсаларни нима қиласман, мени ўлим чақириб турган бўлса,» дейди. Бу ҳолат орзуларни қисқа қилган одамлар учун. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам «Дунёдаги зуҳд орзуларни қисқа қилишидир» деб бежиз айтмадилар.

Банда мана шу икки вассасани мазкур зикрлар билан ҳайдаб турар экан, бу зикр унинг қалбига ўрнашади, кўксини ёритади, Аллоҳдан қўрқув ҳисси унга кўпроқ жо бўлади. Агар Аллоҳдан қўрқув ҳисси ҳосил бўлиб қалба ўрнашса, қалб вассасадан холи бўлади. Чунки қалбда энди Аллоҳни билиш (маърифати) ҳукмрон бўлади. У қалбни амир қилиб қўяди. Қалб жойлашган кўкрак энди подшоҳ қароргоҳи каби сокинлик ва хилватга чўмади. Бу ерда энди сас ҳам чиқмайди, шовқин ҳам кўтарилмайди, товуш қадами у ёқда турсин, нафас ҳам эшитилмайди. Зеро, подшоҳнинг ҳайбати, унинг салобати босиб, ўзаро сўзлашувлар – шивирлаш ва қадам босишлар – оёқ учида бўлади.

Илгари эшитилган товушлар, шовқинлар нафсдан чиқиб, кўкракка қараб борар эди. Энди Аллоҳни билиш маърифати қўрқув, даҳшат, салобат, ҳашамат ва ҳайбатини олиб келгандан сўнг, нафс ўз жойида ўлади. Товуш ва шовқинлар барҳам топади.



Бир киши дилида жүш ураётган васвасадан Ҳасан Басрийга шикоят қылғанда, Ҳасан бундай васвасани яхши сүз билан тилга олиб: «Аллоҳ бизни у билан зиёда қылсинг!» – деди. Чунки бу васваса – имоннинг талvasаси. Имон бандаларнинг қалбидаги ғайб бўлиб, унга Аллоҳдан ўзга ҳеч ким назар солмайди. Бу имонда бандаларнинг ўзлари сезмаган мувофиқлик аломатлари бор эди, шунда душман (шайтон) унинг барчасини ўз қўлига киритмоқчи бўлди ва ўзига берилган барча найрангларни ўқ қилиб отди. Ўқ кўкракдаги юракнинг икки кўзи ўртасига суқулгач, қалбдаги имон чўғидан бир учқун ажраб чиқиб, бу ўқни кўйдириб юборади. Душман тумтарақай қочиб, ўз жойига писиб олди. Энди ўша учқун қалбда нур ҳамда ёритувчи алангали юлдуз бўлди. Бу имон нуридир, мана шу соатда у энг юқори даражада бўлади. Зеро, имон парда ортида эди, учқун нури ва ёритувчи юлдуз қалбда намоён бўлиб, имон энди порлаб кетди. Бу қалбнинг иши, унинг касби. Амир (қалб) ва хизматкорларнинг (тана аъзолари) касби teng эмас. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)га ушбу масалада шикоят қилингандан, «Мана шу соф имондир», – дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни «соф» деб атадилар, зеро, имоннинг устидаги парда (ғишо) уваланиб, имонни (ўраб турган) ёпинчиғи (фито) очилиб қолди. Имоннинг устидаги ёпинчиқ Аллоҳнинг раҳмати қилиб берилган эди. Парда (ғишо) эса унинг имонида кейинчалик пайдо бўлган нарса бўлиб, у ҳаваслар ва шахватлардир. Парда уваланиб кетди, ёпинчиқ очилиб қолди, кўкракдаги имон (ташқаридан) ёритилди. Шундан унинг ўзи ёришиб, порлаб кетди. Мана шу соф имондир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бу ҳадислари душман келтирган хабоисларга эмас, балки чўғдан пайдо бўлган учқунга тааллуқли бўлади.

Одамзотнинг қалби гўёки чақмоқтошга ўхшайди. Баъзи тошлардан ўт чиқади, баъзиларидан чиқмайди.

Сен тошларни бирма-бир чақмоқтош билан чақмоқлаб күрасан. Шунда ўт чиқадиган тошларни бир четга олиб күясан ҳамда ўз эхтиёжингга кўра ишлатишни дилингга туғиб күясан. Ўт чиқмаган тошни эса ирғитиб юборасан. Душман ҳам худди шундай, агар унинг чақмоқтошига тўқнаш келганда қалбингдаги ўт чақнаб турса, у ўз чақмоқтошини ташлаб юборади. Зеро, сенинг қалбингдаги ўт ўша нур учқунидан пайдо бўлган маърифат нуридан чиқсан. Душман уни ўз эхтиёжига қараб ишлатишни мўлжаллаб кўяди. У сендан нимани бўлса ҳам ўзлаштириб қолиш дардидা турли васвасалар билан сени тинч кўймайди. Агар унинг тугунга кучи етмаса, мен имон тугунини назарда тутяпман, чунки у қўриқланади, у ҳолда имон тугунинингтана аъзоларига таъсирини камайтириб, уларни бузади. Агар душман ўқини отса, унинг ўқи имондан холи бўлган қалбга суқулади. Бу мунофиқ қалбидир. Унинг имони фақат тили учида ва амаллари риёдир. Душманнинг ўқи бу қалбга бориб урилганда ундан ўт ҳам, учқун ҳам чиқмайди. Душман бу қалб бўум-бўш эканини билган. Шунингдек, бу қалб унга тегишли бўлишини, Аллоҳ таолога бундай қалб керак эмас эканини ҳам билган. Душман бундай қалб билан иш битганини сезгач, энди уни ўз худудига ташлаб юборади, уни энди ёдидан ҳам чиқариб юборади, у билан ўзини бошқа машғул қилмайди. Зеро, у (қалб) энди уники бўлди, уни эгаллаб олди. Душман ундаги бор нарсани фасод қилиш учун васваса қилар эди. Унда фасод қиладиган ҳеч нарса қолмагач, уни эгаллаб ўзиники қилиб олиб, уни ташлаб кўяди. Душман энди ўзининг отган ўқидан қалби тубидан чақнаб чиқсан имон ўти бор кимсалар билан ўзини банд қиласди. Мана шундай ҳолатда душман бандага ҳасад қилиб, уни йўлдан уришга, фасод этишга енг шимариб, бор кучини шу ишга сафарбар қиласди.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобийлари агар васваса қилинмай қолсалар, ўз ҳолатларида ноқислик бор экан, деб ҳисоблаганлар.



Иброҳим Нахаий (рҳ.а.) дедилар: «Мўмин намозининг қабул бўлиш белгиси – васвасадир». Кофир ва аҳли ширк васваса қилинмайдилар, чунки душман уларнинг масаласини ҳал қилиб, улардан фориг бўлган. Аҳли ширк ва аҳли куфрнинг қалблари унга худди хароба ва қашшоқ вайронга уйлар каби бўлиб қолган. Мана шу уйларга ўғрилар эътибор берармиди? Ўғрилар бой-бадавлат уйларга назар соладилар.

Қалб уч хилдир: 1) Вайронга бўлган қалб: душман унга парво ҳам қилмайди. 2) Кўп молдунёга эга бой хонадонга ўхшаш қалблар: бундай уйларни ўзлаштиришни ўғрилар жуда иштиёқ билан истайдилар. Бу ҳолатда ёки ўғрининг иши барбод бўлади, ёки хонадон эгаси қўриқчиларидан гафлатда қолиб панд ейди, бойлигини йўқотади. 3) Подшоҳнинг саройи каби қалблар: бу саройда эса дуру жавоҳирлар тўла, аммо ўғрилар уларга етишишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Чунки унинг қўриқчилари кўп, уйи ўтиб бўлмас қўргондир, подшоҳнинг берадиган жазоси ҳам қақшатқич бўлади. Бу жазо ёки ўлим ёки чормихга тортиш.

Биринчиси кофир ва мунофиқнинг қалби, иккинчиси Аллоҳнинг дин кўрсатмаларига амал қилиб юрувчи мувахҳид бандаларининг қалби, учинчиси валийуллоҳларнинг ва Аллоҳнинг хос бандалари қалбидир. Бу қалб (валийуллоҳларнинг қалби) Аллоҳнинг кафти устида, Аллоҳ бу қалбга ҳоким. Душман бу қалбни васвасалари билан ишғол этишдан умидини узган. Расулуллоҳ (с.а.в.) бежиз айтмадилар: «Шайтон Умарни кўриши биланоқ юзтубан ерга йиқиласди». Чунки унинг қалбida Султон бор. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Кимки Аллоҳнинг маҳбобатидан қўрқса, Аллоҳ таоло уни маҳбобатли қилиб қўядики, барча нарсалар ундан қўрқиб туради». Шу сабабли ҳам айтилдики: «Умар (р.а.)нинг қамчиси одамлар наздида инсонларнинг қиличларидан кўра

күркінчлироқ эди». Саъд ибн Муъоз (р.а.) дедилар: «Ҳар вақт намозга турсам, ундан (намоздан) бошқа нарсалар мени чалғитаверади».

Аллоҳнинг улуғворлиги билан тўла қалблар намозда васвасага учрамайди. Уларнинг кўксиларини Аллоҳнинг улуғворлик нури нурафшон этган. Бундай қалб мана шу улуғворлик денгизларида сузиб юрибди, бу ҳолатда душман қандай қилиб у билан дунё ишлари хусусида сұхбат қила олсин. Ёки қачон бу қалб мана шундай денгиз ичра маҳлиё ва ақлдан озар даражада ошиқ бўла туриб, нимагадир эътибор бера олсин?!

Биз бу мавзуга бағишилаб «Наводир ал-усул» китобимизда бир боб ҳам ажратганмиз. У ерда намоз манзилларини шарҳлаган эдик ҳамда «Набий (с.а.в.) дан бошқа ҳеч ким васвасага учрашдан омон бўлмайди» деб, ўзини мисол қилиб келтириб даъво қилувчиларга раддия берган эдик. Булар билмайдиларки, Аллоҳ таолонинг шундай бандалари борки, уларни Ўзига хос этиб танлаган, имон тогининг энг юксак чўққиларини дилларига жо қилганки, уларга муножот эшикларини очиб қўйган, уларни Ўзига ҳамсуҳбат қилган. Қудсий ҳадисда келтирилишича, Аллоҳ таоло Мусо (а.с.)га деди: «Ким Мени зикр этса, Мен унга ҳамсуҳбатман». Ҳалиги даъво қилган кишилар ҳамсуҳбат ким эканини ҳам билмайдилар. Агар билғанларида эди, васвасадан бошқа бандалар ҳам омон бўлишини инкор этмаган бўлар эдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳамсуҳбатлари ва зикр этувчилиридир, ана ўшалар Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг кўз қувончлари, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аҳли байтлари, Аллоҳ улардан рози бўлсин. Улар билан ер қоим, улар билан (сабабидан) осмондан ёмғир ёғади. Улар ўзлари қирқ кишиидирлар, ҳар вақт улардан бири вафот этса Аллоҳ таоло унинг ўрнига бошқасини қўяди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

### *Күлөзма манбалар*

1. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул фи маърифати аҳодис ар-расул. № 1. ЎзР ФА ШИ. Күлөзма. Инв. № 1014., № 2. ЎМИ. Күлөзма. Инв. № 6231.
2. Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-хитоб. – Т.: Литография Гулям Ҳасан Арифджанова. ТИУ манбалар хазинаси. Тошбосма № 34. – 544 б.

### *Чоп этилган манбалар*

3. Алишер Навоий. Насоимул муҳаббат: Алишер Навоий, мукаммал асарлар тўплами 20 томлик. – Т.: Фан, 2001. Т. XVII. Б. 85-86.
4. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ал-авлиё / Усмон Яхё нашрга тайёрлаган. – Байрут: Ал-матбаъа ал-косуликийя, 1965. – 584 б.
5. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-Масаъил ал-макнуна / М.И.Жуюший нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Ибад ар-Роҳман, 2005. – 164 б.
6. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Бадв аш-шарьн / Усмон Яхё нашрга тайёрлаган. – Байрут: Ал-матбаъа ал-косуликийя, 1965. – 29 б.
7. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Баён ал-фарқ байн асадр ва-л-қалб ва-л-фуъад ва-л-лубб / Николас Ҳир нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактабат куллиёт ал-Азҳарийя, 1958. – 78 б.
8. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган. – Қоҳира, Айн аш-шамс университети: Мактабат ал-хуррийя ал-ҳадиса, 1981. – 71 б.
9. Ибн ал-Арабий. Мекканские откровения / А. Кныш араб тилидан тарж. – Санкт-Петербург: Петербургское востоковедение, 1995. – 240 б.

10. Маҳмуд б. Вали. Бахр ал-асорор (Море тайн) / Пер. с фарси и введ., прим., указ. Б.А.Ахмедова. – Т.: Фан, 1977. – 166 б.
11. Суламий Абу Абдураҳмон. Табақот ас-суфийя / Нуриддин Шариба нашрга тайёрлаган. Қоҳира: Мактабат ал-Хонажи, 1986. – 570 б.

**АДАБИЁТ ВА ТАДҚИҚОТЛАР**  
**Ўзбек тилида**

12. Аннаев Т. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Халқ мөроси, 1998. – 50 б.
13. Зарринқўб А. Жўстужў дар тасаввуфи Ирон. // Сино. – 2002. – № 8. –Б.10-13.
14. Мирзо Ж. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – 128 б.
15. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимати. – Термиз: Университет, 2000. – 95 б.
16. Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. – Термиз: Жайхун, 1993.
17. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: Маънавият, 2001. –40 б.
18. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Нодир масалалар / араб тилидан И.Усмонов таржимаси. Т.: Мовароуннахр, 2007. – 88 б.
19. Усманов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. Т.: Фан, 2010. – 178 б.

*Рус тилида*

20. Бергэльс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –М.:Наука,1965. –556 с.
21. Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане // Из истории суфизма: источники и социальная практика – сборник статей. Под ред. М.Х. Хайруллаева. –Т.:Фан, 1991. – 146 с.
22. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля, 2004. – 464 с.



23. Массон М.Е. Надписи на штуке из архитектурного ансамбля у мавзолея Хаким-и Тармизи. Вып. 172. Труды ТашГУ.– Т., 1960. – С. 44-80.
24. Муминов А., Пауль Ю. Мухаммад Парса // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 3. – М.: Восточная литература, 2001. – С.72-73.
25. Радтке Б. Теологи и мистики в Хурасане и Трансоксании // Суфизм в Центр.Азии (зарубежные исследования). – С-Пб: 2001, – С. 41-76.
26. Семёнов А. Происхождение термизских сейидов и их древняя усыпальница Султан Садат: ПТКЛА, XIX. 1914. – 20 с.

#### *Араб тилида*

27. Авайза К. Ал-Ҳаким ат-Термизий ал-фақих, ан-ноқид.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-ъилмийя,1993. – 450 б.
28. Барака А. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назарийятуху фи-л-вилая. 2 томлик. – Қоҳира:Мажмаъ ал-буҳус ал-исламийя, 1971. Т. I. – 199 б.
29. Жуюший И. Ал-Ҳаким ат-Термизий дироsat ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳза ал-ара-бийя, 1980. – 374 б.

#### *Ғарб тилларида*

30. Radtke B. Al-Hakim at-Tirmidi. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980. – 192 p.
31. Radtke B. Mystisches erleben und philosophische erkenntnis im islam. Unio mystica und coniunctio. // Saekulum 41, 1990. – P.1-9.
32. Sviri S. Hakim Tirmidhî and the Malâmatî Movement in Early Sufism. The Heritage of Sufism vol. I, ed. L. Levisohn, Oxford, Oneworld Publications: 1999, <http://www.goldensufi.org/4.1bSSMalamati.html>.

## МУНДАРИЖА

Дебоча..... 3

### АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳақида.....	8
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳақида .....	10
Буюк алломалар Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳақида .....	11
Хадис илмига бахшида умр .....	12
Абу Исо Муҳаммад Термизий даври .....	16
Имом Термизий даврида ҳадис ва унга оид илмлар .....	17
Абу Исо Муҳаммад Термизий .....	20
Илм талабидаги саъй-ҳаракатлар .....	22
Илм излаб олис юртларни кезиш.....	22
Ўз даврининг буюк олимлари билан мулоқоти .....	23
Имом Термизий – Имом Бухорийнинг шогирди.....	24
Имом Бухорийнинг эътирофи .....	26
Абу Исо Муҳаммад Термизий фақих сифатида.....	27
Термизийнинг юксак фазилатлари ва ахлоқий сифатлари.....	29
Термизийнинг юксак илмий салоҳияти ва фавқулодда иқтидори.....	32
Термизийнинг машхур устозлари ва шогирдлари .....	33
Абу Исо Муҳаммад Термизий ва унга замондош олимлар.....	34
Термизий ва Имом Муслим .....	35
Имом Термизийнинг Имом Бухорийдан фойдаланган мавзулари.....	36
Термизий асарлари.....	37



«Жомеъ ус-саҳих» .....	38
«Жомеъ» асарида фиқҳ масалалари .....	52
Термизийнинг «Аш-Шамоил ун-набавиййа» асари ...	58
«Аш-Шамоил ун-набавиййа» асарини бобларга ажратиш.....	61
Ҳадисларни ривоят қилиш услуги .....	63
«Аш-Шамоил» ҳадисларининг даражалари .....	64
«Аш-Шамоил» асарига уламоларнинг таҳсини .....	66
Термизийнинг «Ал-Жомеъ» ва «Аш-Шамоил ун-набавиййа» асарларига ёзилган шарҳлар .....	67
Термизийнинг «Илал фи-л-ҳадис» асари.....	74
Илму амали ибратли аллома.....	76
Абу Исо Мұхаммад Термизий меросидан намуналар .....	78
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:.....	80

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

Сўзбоши.....	83
Алломанинг ҳаёт йўли.....	84
Термизийнинг «Ҳаким» номи хусусида .....	94
Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақидағи қарашлари.....	97
Алломанинг устоз ва шогирдлари .....	101
Ҳаким Термизийнинг илмий мероси.....	107
Ҳаким Термизийнинг ҳадис илмига оид фаолияти .....	112
Аллома шарафига юксак эҳтиром .....	119
Ҳаким Термизийнинг асарларидан намуналар.....	122
Саломлашиш ҳикмати.....	122
Садақани тиланчининг қўлига тутқазишининг ҳикмати .....	125
«Ал-амсал мин ал-китаб вас-сунна» китобидан .....	128
Маърифат тарбияси хусусида .....	130
Масоил аҳли Сарахс китобидан.....	133
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	139

8.500-

У.М.Уватов  
И.С.Усмонов

## ТЕРМИЗЛИК ИККИ АЛЛОМА

Тадқиқот ЎзР ВМ ҳузуридаги ФТРМҚ амалий  
лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017

Ношир: С.Сайджалолов

Мұхаррір: С.Очилов


Бадий мұхаррір ва

сағифаловчы: Л.Абдуллаев

Матн төрүвчи: З.Алимова

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
Нашибринг гувохнома раками А1 № 224. 2012 й. 16 ноябрь.  
Босмахона 2017 йил 11.05.2017 да берилди.  
Бичими 84×108  $\frac{1}{32}$  Шартли б.т. 8,3. Нашр т. 8,5.  
Адади 2000 нусха. Буюртма № 42  
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент-ш. А.Қодирий, Н.



**ТЕРМИЗЛИК  
ИККИ АЛЛОМА  
БЮОК АЖДОДЛАРИМИЗ**

